

Боймирзаев Хуршиджон Каримжанович

**ИННОВАЦИОНТАЪЛИМ
МУЎТИДА ТАРИХ ҲҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(услубий қўлланма)**



Наманган - 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Боймирзаев Хуршиджон Каримжанович

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ
МУҲИТИДА ТАРИХ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

услубий қўлланма

Наманган – 2022

Мазкур услубий қўлланма “Инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш” мавзусида тайёрланган. Унда инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо экани, инновацион таълим муҳотида тарих фанларини ўқитишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш ҳамда инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолатини когнитив-таҳлилий баҳолаш хусусида сўз боради. Шунингдек, алоҳида эътибор инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаш-тиришда интерфаол методларнинг ўрни, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, Ўзбекистон тарихи, Рақамли тарих ва Тарих фалсафаси ва тарих ўқитиш методикаси фанларини ўқитишда компьютер технологиясидан фойдаланиш масалаларининг ёритилишига қаратилган.

Услубий қўлланмадан Олий таълим муассасаларининг тарих факультети йўналишининг педагоглари, талабалари, ўрта ва умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда тарих соҳасига қизиққан илмий изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

Расулов Абдулла Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Эрқўзиев Анвар Ашурович
тарих фанлари номзоди, доцент

Кузикулов Икромжон Умаралиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори, катта ўқитувчи

Методик қўлланма Наманган давлат университетин Ижтимоий фанлар факультетининг ўқув-услубий кенгашининг 2022 йил “31” майдаги 10-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Боймирзаев Х.К. Инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш. – Наманган: НамДУ нашриёти, 2022. – 82 бет.

© Наманган нашриёти, 2022 йил

КИРИШ

Глобаллашув жаҳон таълими олдига фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришларга самарали тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Бу вазифанинг бажарилиши сифатли таълим хизматларини тақдим қилиш орқали ҳал қилинади. Юқори сифатли таълим хизматлари меҳнат бозорига рақобатга бардошли, компетентли кадрларнинг етказиб берилишини таъминлайди. “Катта саккизлик” гуруҳи Саммитининг “XXI аср инновацион жамияти учун таълим” Декларацияси (Declaration “Education for Innovative Societies in the XXI century”; Санкт-Петербург, 2006 йил), ЮНЕСКОнинг “Таълим-2030” Ҳаракат дастури (Париж, 2015 йил) замонавий ўқитиш тизими асосини белгилаб берди. Унга кўра ўқитишнинг сифатли, самарали бўлишига муҳим учлик – таълим (education), илмий тадқиқот (scientific research), инновация (innovation) ёрдамидагина эришилади. Европа Кенгашининг “Тарих таълимининг асосий вазифалари тўғрисида”ги Тавсияси (Recommendation “Quality history education in the 21st century”; 2001 йил) тегишли йўналишда тарихий ҳақиқатларни ҳурмат қилиш, умуминсоний тарихий хилма-хилликни қабул қила олиш, демократия, адолат, тўғрилиқ, тенглик ва қонун устуворлигини кадрлаш, толерантлик сифатлари ва танқидий тафаккурга эгалик ғояларининг устуворлигини таъминлаш муҳим эканига эътиборни қаратади. Халқаро тажриба тарих йўналишининг битирувчилари назарий билимларни пухта ўзлаштириш билан бирга тарихий жараён, воқеа-ҳодисалар моҳиятини мустақил таҳлил қилиш, тарихий қўлёзмалар, ёзма, жумладан, меъёрий ҳужжатлар, солнома, йилнома, мемуар асар, монография, илмий мақола, “халқ архиви” ва “оғзаки тарих” материалларини ўрганиш компетенциясига ҳам эга бўлиши зарурлигини кўрсатмоқда.

МДХ мамлакатларида тарих таълими самарадорлигини оширишда методологик плюрализм, мунтазамлик ва изчиллик, илмий холислик, тарихийлик ҳамда ворислик, назарий билимларнинг устуворлиги, фанлараро алоқадорлик (тарих, жамиятшунослик, адабиёт, география, археология, этнография, этнопедагогика), маданий-тарихий муҳит, тизимлилик, тарихий ворисийлик, тарихий ҳодиса ва жараёнларни тизимли тадқиқ қилиш каби тамойилларга устуворлик бериш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини модернизациялаш, “замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш”¹ инновацион ўқитиш тамойиллари педагогик амалиётга фаол татбиқ қилинаётган мавжуд шароитда тарих фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш имконини беради.

Барча хусусий фанларни ўқитишда бўлгани каби тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳам тегишли фан йўналишида таълимни сифатли, унумли ташкил этишга хизмат қиладиган самарали шакл, метод, восита ва технологияларни танлаш, уларни бойитишни тақозо қилади. Замонавий шароитда тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг самарали йўллари – ўқитиш жараёнида интерфаол методларни қўллаш, компьютер дастурларини мақсадли фойдаланиш саналади.

Ушбу методик қўлланмада тарих фанларини ўқитишда интерфаол методлар ва компьютер дастурларидан мақсадли фойдаланишга қаратилган педагогик фаолиятнинг методик моҳияти очиқ берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон (2020 йил 27 февраль) Қарори // <https://lex.uz/docs/4749364>.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1-§. Инновацион таълим муҳиtida тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида

Инсоният тарихий тараққиётининг мавжуд босқичи учун юқори технологияларнинг ривожланиши характерли хусусият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида илм-фан, техника, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда технологиялар соҳасида эришилаётган ютуқлар ўз навбатида мустақил Ўзбекистон томонидан ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг истиқболларини белгиланишини тақозо этмоқда. Бинобарин, глобаллашув шароитида миллий давлатнинг автоном ҳолда тараққий этиши мумкин эмас ва бу ҳолат Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро тенглик, ҳамкорликка, ҳар бир соҳада умуминсоний тамойил ҳамда стандартларга эришиши зарурлигини англатади.

Инсон капиталидан самарали, унумли ва мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда жаҳон миқёсида иқтидорли шахсларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни яратиш тенденцияси шаклланган. Зеро, демография, табиий ресурслар танқислиги тобора долзарблашаётган бир вақтда прогрессив ёндашув инсоният тараққиёти, миллий ривожланишни белгиловчи омил инсон капитали эканлигини кўрсамокда.

“Сифатли таълим – малакали мутахассис – миллий тараққиёт” формуласи ихтиёрий олинган жамият ижтимоий диалектикасининг муҳим асосидир. Шунга кўра, етакчи давлатларда таълим тизими бўйича ўзининг истиқболли ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилган бўлиб, унда соҳада инқилобий ўзгаришларни кафолатловчи йўналишлар, муҳим ғоялар, устувор тамойиллар белгилаб берилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилди. Бу борада изчил ислоҳотларнинг амалга оширилиши таъминланмоқда. Шунга қарамай, глобал ўзгаришлар миллий тараққиёт асосини белгилаб берувчи даъваткор ғояга эга бўлиш ижтимоий зарурият эканлиги

аён бўлмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси² илгари сурилди. Мазкур ғоя ўзида мавжуд шароитда “Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даври”³ юзага келишини таъминлашга хизмат қилади.

Республикада учинчи ренессанс даврининг юзага келиши ва муваффақиятли кечиши, энг аввало, таълим тизимининг пухта асосланган механизмга эга бўлиши, малакали мутахассислар тайёрлаш миллий моделининг янада такомиллаштирилиши, кучли рақобатга бардошли кадрлар “армияси”нинг шакллантирилишига бевосита боғлиқ. Бунда асосий масъулият кадрлар тайёрлаш умуммиллий жараёнининг муҳим босқичи – ОТМ зиммасига юкланади. Зеро, ОТМнинг фаолияти – таълим ва тарбия тизими бўлажак мутахассисларда билим, кўникма, малака, тажрибадан иборат касбий компетентликнинг шаклланиш ва ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Педагогика йўналишида фаолият олиб бораётган ОТМда ўқитилаётган мутахассислик фанлари сирасида тегишли ихтисосликни ўқитиш методикаси ўзига хос ўрин эгаллайди. Айнан мана шу фан бўлажак ўқитувчиларни улар томонидан узлуксиз таълимнинг турли босқичлари – мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этиш, тегишли фан бўйича таълим жараёнини амалга оширишда самарадорликка эришиш йўл, шакл, метод, восита ва технологиялари билан таништиради. Шунингдек, педагогик фаолиятда самарадорликка эришишга имкон берувчи касбий компетентлик сифатларига эга бўлиш учун “пойдевор” яратади.

Тарих ўқитиш методикаси ва уни такомиллаштириш хусусида сўз юритишдан аввал “методика”, “ўқитиш методикаси”, “тарих ўқитиш методикаси” тушунчаларнинг луғавий маъносини билиб олиш талаб қилинади.

Манбалардан бирида кўрсатилишича, “методика” атамаси луғавий жиҳатдан “амалий жиҳатдан ниманидир бажариш учун қўлланиладиган метод ва усуллар йиғиндиси”⁴; “нимадир ўқитиш ёки қандайдир ишни бажаришга оид қоидалар тизими,

² Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // https://uz.fundamental-economic.uz/page_id=1598.

³ Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда // <http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/31892>.

⁴ Методика // <https://kartaslov.ru/значение-слова/методика>.

методларнинг баёни”⁵; “қандайдир йўналтирилган ҳаракатни амалга оширишнинг тайёр “рецепти”, алгоритми, бажарилиш тартиби”⁶ маъноларини англатади.

Н.А.Муслимов, Ў.М.Асқарова, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.Сайфуров, Х.Рахматова ва бошқаларнинг эътирофига кўра, “методика” тушунчаси негизида: 1) маълум мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш чора-тадбири; 2) педагогик жараёнда реал қўлланиладиган усул ва воситалар моҳияти, аҳамияти, амалий қиймати, техник жиҳатларини очиқ бериш алгоритми⁷; бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуи⁸ каби маънолар англанади.

Ў.М.Асқарова, М.Ҳ.Усмонбоева “методика” атамасининг маъносини англаш учун унинг этимологиясига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топади. Улар томонидан эътироф қилинишича, юнон тилида “ика” (ека, тика, дика, тека) қўшимчаси “омбор”, “тўплам”, “йиғинди”, “жамланма” маъносини англатади. Масалан: Библиотека – “Библия”лар тўплами (йиғиндиси); аудиотека – аудио ёзувлар тўплами (йиғиндиси); видеотека – видео лавҳалар тўплами (йиғиндиси); аптека – рецепт бўйича тайёрланадиган дорилар омбори, тўплами (йиғиндиси); дискотека – диск (айлана, доира)лар тўплами (йиғиндиси). Шунга кўра луғавий жиҳатдан олганда “методика” тушунчаси “методлар тўплами, жамланмаси” маъносини англатади. Бироқ, назарий жиҳатдан методика фақат маълум фаолиятни ташкил этишда қўлланиладиган методлар йиғиндисинигина англатиб қолмай, балки, шакл, метод, восита ва усуллар йиғиндиси, жамланмасини ифодалайди⁹.

М.Т.Студеникина “методика ўқитиш ва унинг ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш, шунингдек, ўқитишда самарали бўлган асосий омилларни аниқлаш”¹⁰ эканлигига эътиборни қаратади.

Бу ўринда айтиш мумкинки, муаллифларнинг фикри тўғри. Дарҳақиқат, методика бевосита маълум ҳаракатни бажаришда самарали деб топилган шакл, метод, восита, усул, шунингдек,

⁵ Методика // <https://kartaslov.ru/значение-слова/методика>.

⁶ Методика // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Методика>.

⁷ Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев. – Т.: ТДПУ, 2015. – 125-б.

⁸ Педагогика. Қисқача изоҳли луғат / Ў.Асқарова, М.Усмонбоева, Х.Рахматова, Ф.Эҳсонова. – Наманган: Наманган ДУ, 2014. – 311-б.

⁹ Асқарова Ў.М., Усмонбоева М.Ҳ. Педагогика фанларини ўқитиш методикаси. – Наманган: 2018. – 17-б.

¹⁰ Студеникина М.Т. Методика преподавания истории в школе / Учеб. для студ. высш. учеб. заведений. — М.: 2008. – С. 4.

бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар мажмуидан таркиб топади.

“Ўқитиш методикаси” тушунчаси ўқитиш ва методика атамаларининг йиғиндисидан ҳосил бўлган ва англанидек, муайян фанни самарали ўқитилишини таъминловчи шакл, метод, восита, усул ҳамда технологиялар моҳиятини, улардан фойдаланиш йўллари ифодалайди. Фикримизни “ўқитиш (ёки таълим) методикаси” тушунчасига тадқиқотчилар томонидан берилган таърифларнинг мазмуни ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, ўқитиш методикаси – у томонидан кўпроқ самараларга эришилишини таъминлаш мақсадида таълим жараёнини тадқиқ этувчи педагогик фанлар тармоғи бўлиб, у ўз ичига таълимнинг метод, қоида ва воситаларини олади¹¹.

Гарчи “методика” ва у билан боғлиқ ҳолда “ўқитиш методикаси” тушунчаларининг шаклланиш ва тил истеъмолига киритилиш тарихи қадимги Греция билан боғлиқ бўлса-да, бироқ, ҳанузгача уларнинг назарий тавсифи тўғрисида ягона тўхтамга келинмаган. Бизнинг назаримизда, бунинг боиси – бажариладиган ҳаракат ва ўқитиладиган фан тармоқларининг ўзига хослиги, мақсаднинг турлича ифодаланиши, йўналишларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Умумий ҳолда “ўқитиш методикаси” негизида “ўрганилаётган материални ўзлаштиришга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал қилиш бўйича ўқитувчининг ўқитишга қаратилган ҳамда ўқувчилар томонидан ташкил қилинадиган ўқув-билиш фаолиятининг йўлга қўйилишининг йўллари; таълим вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини тартибга солиш йўллари; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкиллаштириш йўллари”¹² акс этади.

Манбаларда ўқитиш методикасининг автоном эмас, балки бир неча фанлар мажмуидан иборат эканлиги айтилади. Жумладан, ўқитиш методикаси “педагогика, психология ва лингвистика каби таянч фанларга таянади. Педагогика каби ўқитиш методикаси ҳам таълим масалалари билан шуғулланади. Бироқ, агар педагогика ўқитишни яхлит, умумий ҳолда ўрганса, методика асосий эътиборни муайян фаннинг самарали ўқитилишига қаратади.

¹¹ Методика преподавания как педагогическая наука // https://studme.org/41881/sotsiologiya/metodika_prepodavaniya_sotsiologii_kak_nauchnaya_distsiplina.

¹² Теоретические основы методики преподавания // <https://studfile.net/preview/2895227/page:3>.

Бошқача айтганда, хусусий фанларни ўқитиш педагогикадан назарий тушунчаларни олади ва уларнинг тегишли фанни ўқитишга бўлган муносабатларини ўрганади.

Психология шахс руҳиятининг турли хусусиятларини, жараёнларини ва ҳолатини ўрганади. Ўқитиш методикаси эса таълим жараёнида уларнинг қай биридан фойдаланиш, қай бирини инкор қилиш масаласини аниқлаштиради.

Лингвистика – инсоний қарашларни белгили шаклда ифодалашни таъминловчи тил ҳақидаги фан бўлса, методика ушбу назарий билимларни қабул қилади ва амалиётга татбиқ этади. Бинобарин, таълим жараёнида, энг аввало, оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланилади”¹³.

Айтиб ўтилганидек, ўз моҳиятига кўра ўқитиш методикаси таълим муассасаларида турли фанларнинг ўргатилиш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Турли фанлар бўйича ўқитиш методикаси тегишли фаннинг ўзига хослиги, муҳим хусусиятлари, асосий (фан бўйича) ва жузъий (мавзулар бўйича) мақсади, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда педагогик фаолият мазмунини ёритишга хизмат қилади.

Манбаларда “Тарих ўқитиш методикаси” фанининг мақсади турлича ифодаланган бўлса-да, аммо у нарса аниқки, ушбу фан ўзида хусусий жиҳатларни намоён қилади. Айрим манбаларда “Тарих ўқитиш методикаси” фаннинг мақсади сифатида умумий педагогик мақсад баён қилинган. Жумладан, А.Р.Рахматуллаева томонидан яратилган “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуада фан мақсади шундай баён қилинган: “Тарих ўқитиш методикаси ўқитувчиларни таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий метод, усул, шакл, воситаларини, таълим жараёнини ташкил этишнинг методик асослари билан қуроллантириб, тарих таълими самарадорлигини оширишга хизмат қилади”¹⁴.

Жумладан, Т.Н.Глазырина дастлаб тушунчани таърифлаб, сўнгра тегишли фан мақсадини қуйидагича ифодалайди: Тарих ўқитиш методикаси – унинг самарадорлигини ошириш мақсадида тарих ўқитишни тадқиқ этувчи педагогик фан бўлиб, унинг мақсади бўлажак ўқитувчиларни тарих ҳамда жамиятшунослик

¹³ Методика преподавания как педагогическая наука // https://studme.org/41881/sotsiologiya/metodika_prepodavaniya_sotsiologii_kak_nauchnaya_distsiplina.

¹⁴ “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа / Туз.: А.Р.Рахматуллаева. – Т.: ТДПУ, 2018. – 4-б.

курсларининг ўқув материаллари асосида таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришга, уларда тарихий тафаккур, таянч компетентлик сифатларини шакллантиришга тайёрлашнинг қонуниятлари ва тарих ўқитиш малакаларини аниқлашдан иборатдир¹⁵.

В.В.Шоган, Е.В.Сторожакова Т.Н.Глазыринанинг фикрини тўлдирган ҳолда тушунчага қуйидагича таъриф беради: Тарих ўқитиш методикаси – ўқитишнинг вазифалари, мазмуни ва методлар тўғрисидаги педагогик фан бўлиб, у самарадорлик ва сифатни ошириш мақсадида тарих фанларини ўқитиш жараёнининг қонуниятларини ўрганади ва тадқиқ этади¹⁶.

Бизнингча, “Тарих ўқитиш методикаси” тушунчасини икки хил маънода талқин этиш мумкин. Биринчидан, “Тарих ўқитиш методикаси”, дараҳақиқат, педагогик фанлар туркумига кирувчи мутахассислик фани бўлиб, у тарих фанларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни самарали ўқитиш, бу борада истиқболли ривожланиш йўлларини тадқиқ қилади. Иккинчидан, тарих ўқитиш методикаси педагогик фаолият йўналиши бўлиб, таълимий ўзгаришлар, ўқитиш янги тенденциялари ва замонавий назарияларига кўра узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият олиб бораётган тарих фанларининг ўқитувчилари ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга бўлган муносабатлари мазмунини ифодалайди.

Барча фанлар каби “Тарих ўқитиш методикаси” фани ҳам муайян вазифаларни ҳал қилади. Ўқув предмети сифатида ҳал этадиган вазифалари хусусида тўхталишда “Тарих ўқитиш методикаси” фанининг, биринчидан, талабалар, иккинчидан, амалиётчи-ўқитувчилар учун хизмат қилишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис вазифаларни белгилашда ҳам ўқув предметининг субъектини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Агарда субъект талабалар бўлса, у ҳолда “Тарих ўқитиш методикаси” фани негизида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: “талабаларни тарих ўқитиш методикасининг таркибий тузилмаси ва мазмуни билан таништириш; бўлажак ўқитувчиларни тарих ўқитиш методикасининг назарий асосларига оид замонавий билимлар, тарих фанларини ўқитишда қўлланиладиган муқобил ёндашувлар

¹⁵ Глазырина Т.Н. Методика преподавания истории / Учеб.-мет. комплекс для студентов специальности 1-210301 “История”. – Новополоцк: ПГУ, 2011. – С. 5.

¹⁶ Шоган В.В., Сторожакова Е.В. Методика преподавания истории в школе / Учеб.пособие для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во Юрайт, 2019. – С. 9.

билан қуроллантириш; талабаларда тарих фанларини ўқитишда юқори самарадорликка эришиш учун зарур бўлган амалий кўникма, малакаларни шакллантириш; талабаларни ўқувчиларда миллий онг ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга, шунингдек, тарихий воқеа, ҳодисаларни ҳамда замонавий жамият ривожига оид далилларни холис тушунтириш малакаларини ўзлаштиришга тайёрлаш; бўлажак ўқитувчилар томонидан замонавий педагогларга қўйиладиган талабларнинг англанишини таъминлаш; талабаларда касбий жиҳатдан ўсиш, ўз устида мустақил ишлаш, ўз-ўзини касбий такомиллаштириш лаёқатини ривожлантириш”¹⁷.

Борди-ю, “Тарих ўқитиш методикаси” фани амалиётчи-педагоглар учун хизмат қилса, у ҳолда қуйидаги педагогик вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши талаб қилинади: тарих фани ўқитувчиларини “тарих фанларини ўқитиш методикасининг илмий асослари, тарихчи педагогларни тарих таълими методи, шакллари, воситалари ва технологиялари билан таништириш; уларда ўқув дастурларини яратиш, назарий ва методик маълумотларини самарали излаш, назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик материалларни тўплаш ва уларни саралаш; назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш, шунингдек, ўқув топшириқларининг турларини белгилаш ҳамда ўқув топшириқлари тўпланини шакллантириш; ўқув топшириқлари учун иш қўғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш малакаларини шакллантириш”¹⁸.

Фанни ўқитиш асосида талабаларнинг тарбия мақсадлари, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда дарсларнинг аниқ ўқув-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини аниқлаш; ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шакллари кўллаш; ўқув предмети бўйича барча шаклларда ўқув машғулотларини ташкил этишни режалаштириш ва методик жиҳатдан таъминлаш; ўқувчиларнинг таълим олганлик, ривожланиш ва тарбияланганлик даражасини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; педагогик фаолиятга нисбатан тадқиқий ёндашиш малакаларига эга бўлиш¹⁹ имконияти таъминланади.

¹⁷ Тот источник. – С. 6.

¹⁸ “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа / Туз.: А.Р.Рахматуллаева. – Т.: ТДПУ, 2018. – 4-б.

¹⁹ Хораськина Р.И., Шувалова Е.М. Теория и методика обучения истории / Учеб.-мет.пособие. – Казань: Казанский ГУ, 2016. – С. 4.

Ф.Ф.Турсунов ҳуқуқ фанларини ўқитиш мисолида “ўқитиш методикаси” тушунчасини шундай изоҳлайди: ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси – таълим муассасасининг фаолият йўналиши, соҳани ривожлантириш концепциясининг моҳияти, бўлажак мутахассиснинг касбий-ҳуқуқий компетентлигига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда юридик материалларни танлаш асосида талабаларни назарий ва амалий жиҳатдан касбий фаолиятга тайёрлашга, ҳуқуқ таълими сифатини яхшилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим шакли, методи, восита ҳамда технологияларини такомиллаштириш хизмат қилувчи ўқув фани²⁰. Бу изоҳ муайян фан (ёки фанлар)ни ўқитиш методикаси ўқув предмети сифатида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишларни инобатга олган ҳолда талабалар томонидан назарий ҳамда амалий билимларни пухта ўзлаштирилиши учун зарур бўладиган педагогик шароитни яратишга хизмат қилади. Бунда хориж ва миллий таълим тажрибасида самарадорлиги тасдиқланиб, ўқитиш жараёнининг қизиқарли, мазмунли, фойдали, унумли бўлишини таъминловчи шакл, метод, восита ва технологияларни танлашга эътибор қаратилади.

Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, хусусий фанларни

ўқитиш методикаси интеграл (бир неча турдош фанлар хусусиятларини умумлаштирувчи, муҳим жиҳатларни синтезловчи) фан саналади. Мисол учун ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси мазмунан “Конституциявий ҳуқуқ”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Оила ҳуқуқи”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Экология ҳуқуқи”, “Хўжалик ҳуқуқи”, “Халқаро ҳуқуқ” каби фанларнинг индивидуал хусусиятларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда самарали, аҳамиятли бўлган методик таъминотни яратиш йўллари кўрсата олиши зарур.

Хусусий фанларни ўқитиш методикаси фани бўлажак педагогларни таълим жараёни учун мавзу, у юзасидан тақдим этилаётган материал, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги асосида ўқитишнинг шакл, метод, восита ва технологияларини мақсадли танлашга оид маълумотлар билан қуроллантириб, уларни амалий

²⁰ Турсунов Ф.Ф. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш (“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши мисолида): пед.фанл. бўйича фалс.доктори (PhD) ... дис. – Т.: 2020. – 22-б.

жиҳатдан мустақил педагогик фаолият юритишга тайёрлайди. Замонавий шароитда мазкур фан ўз моҳиятига кўра бўлажак педагогларни ахборотлар билан ишлашга тайёрлайди. Бу жараёнда талабаларнинг зарур, муҳим ва фойдали ахборотларни излаш, уларни саралаш, қайта ишлаш ва ўқувчилар эътиборига ўқув топшириқлари сифатида тақдим этиш, ўқитиш жараёнида компьютер ва мультимедиа технологиялари, рақамли таълимий ресурслардан самарали фойдалана олиш қобилиятини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиёт хусусий фанларни ўқитиш методикаси фанининг ҳам педагоглар ҳам талабалар учун бирдек аҳамиятли эканини кўрсатди. Бир томондан, мазкур фан ёш, етарлича ёки умуман, иш тажрибасига эга бўлмаган педагоглар учун методик йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Иккинчи томондан эса талабаларни ўқитиш жараёнининг умумий моҳияти, ташкилий-методик жиҳатлари билан таништиради. Фан ёрдамида талабаларда ўқитувчининг педагогик ҳамда ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти моҳиятини тўла англаш, ўқувчиларни психологик жиҳатдан бошқариш, таълим мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқитишнинг самарали шакл, метод, восита, технология, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоловчи усул ва методларни танлаш, ўқув топшириқларини шакллантириш, ҳар бир мавзу юзасидан методик таъминотни яратиш, ўқитиш жараёнида юзага келадиган зиддиятли вазиятлар, уларни оқилона ҳал қилиш компетенциялари ривожлантирилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда асосий таянч тушунчани шундай таърифлаш мумкин: **тарих (ёки тарих фанларини) ўқитиш методикаси** – талабаларни таълим муассасаларида педагогик фаолият юритишга когнитив, эмпирик ва психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда методик компетенцияни ривожлантириш, тарих фанларини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи ўқув фани. Ушбу фан мутахассислик фанларидан бири бўлиб, тарих фани ўқитувчиси учун зарур бўлган компетентлик сифатлари – касбий билимдонлик, тарихий жараёнларга холис баҳо бериш; тарихий материаллар (қўлёзмалар, архив материаллари, меъёрий ҳужжатлар, мемуар асарлар, солнома (йилнома)лар, тарихий мавзудаги монографик асарлар ва илмий мақолалар, “халқ архиви”, “оғзаки тарих”) ҳамда ўқитиш

воситалари (ўқув адабиётлари, турли тарихий даврларга оид хариталар, тарихий атамалар луғатлари, музей экспонатлари, археологик буюмлар, миллий-маданий ёдгорликлар) билан ишлай олиш; таҳлил ва синтез қилиш қобилияти, танқидий тафаккур, кучли хотира, ахборот маданияти, ҳуқуқий онг ва профессионал обрўга эгаллик; изланувчанлик, креативлик; ижтимоий фаоллик; касбий вазиятларга мослаша олиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тарих ўқитиш методикаси фанининг мазмунида замонавий педагогик тамойилларнинг устуворлиги таъминланади. Ушбу тамойиллар асосида талабаларни инновацион, муаммоли, интерфаол, лойиҳа, масофавий, компьютер, дастурий, модул, ҳамкорлик, индивидуал, ривожлантирувчи, табақалаштирилган ва мустақил таълим турлари, ўйин технологияси, шунингдек, уларнинг дидактик имкониятлари билан таништириш орқали уларда амалий ва илмий тадқиқотларни олиб бориш, ижодий лойиҳаларни амалга ошириш малакаларини ривожлантиради.

Маълумки, ҳар бир ўқув фани аниқ мақсадни кўзлайди. Мақсад негизида фаннинг когнитив, дидактик ва эмпирик имкониятини баҳолаш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан тарих (ёки тарих фанлари)ни ўқитиш методикаси ҳам аниқ мақсадга эришишга хизмат қилади.

Тарих ўқитиш методикаси фани ўзида талабаларни тарих фанларини самарали ўқитишнинг устувор тамойиллари, самарали шакл, метод, восита ва технологиялари билан таништириш орқали педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларда касбий компетентлик сифатларини тарбиялаш *мақсади*ни ифодалайди.

Мазкур мақсад негизида муайян *таълимий вазифалар* ҳал қилинади. Улар: тарих дарсларининг қизиқарли, самарали бўлиши учун инновацион шакл, метод, восита ва технологияларни аниқлаш; машғулотнинг мавзуси, характери, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги даражаси, кичик гуруҳларда ишлаш тажрибасига таянган ҳолда ўқув материалларини танлаш; таҳлиллаш ва синтезлаш асосида ўқув материалларини бойитиш; мавжуд ўқув материалларига таянган ҳолда методик таъминотни шакллантириш; шакллантирилган методик таъминот ёрдамида дарсларнинг сифатли бўлишига эришиш; талабаларда касбий компетентлик сифатларини ривожлантириш; ўзлаштирганлик даражасини ташхислаш ва баҳолаш.

Назарий ўрганиш тарих фанларини самарали *ўқитиш йўллари* қуйидагилар эканини кўрсатди: таълим муассасаси, хусусан, тарих факультетининг ўқув-моддий асосини мустаҳкамлаш; ўқув аудиторияларини замонавий техника, инновацион технологиялар билан жиҳозлаш; таълим жараёнига малакали, маҳоратли, компетентли ва креатив фикрловчи педагогларни жалб қилиш; пухта асосланган методик таъминотни шакллантириш; талабаларда мустақил, ижодий, танқидий ва креатив фикрлаш қобилиятни ривожлантириш; педагог ва талабалар ўртасида ижодий ҳамкорликни қарор топтириш; ўқув жараёнида тарихий билимлар тарғиботчиси бўлган муассасалар – музейлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, тарихий аҳамиятга эга манзил ва объектлар фаолиятдан ўринли, мақсадли фойдаланиш; тарих факультетлари талабаларини фаол равишда археологик қазилмалар, тарихий-маданий экспедициялар, музейлар, архивлар, туристик агентликлар ва фирмалар ишига жалб қилган ҳолда уларда волонтер ёки ходим сифатида фаолияти кўрсатишлари учун шароит яратиш.

Талабаларни туристик агентликлар ва фирмалар ишига жалб қилишда туризм фаолиятининг тарихий, меъморий (диққатга сазовор жойлар нуқтаи назаридан), маданий-тарихий мерос (маданий ресурслардан фойдаланишга кўра), тарихий-инқилобий, қаҳрамонлик-ватанпарварлик, ҳарбий-тарихий, архившунослик, табиий-тарихий (фаолият йўналишининг тематикаси бўйича) йўналишларида бўлишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни танланган. Шундан келиб чиққан ҳолда “инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тушунчасини ҳам назарий тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Муаммони назарий ва амалий ўрганиш натижаларига таянган ҳолда тушунчани шундай тавсифлаш мумкин: ***инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш*** – тизимда кечаётган туб ўзгаришлар, хорижий ва миллий педагогиканинг замонавий ютуқларини инобатга олган ҳолда ОТМда тарих фанлари бўйича ўқув машғулотларининг сифатли, самарали ташкил этилишини таъминловчи методик таъминотни шакллантиришга қаратилган илмий-педагогик фаолият натижаси.

Инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ўқитишнинг самарали кечишига ёрдам

берадиган инновацион шакл, метод, восита ва технологияларини танлаш, уларни бойитиш *мақсади* кўзланади.

Ушбу мақсадга кўра тарих дарсларини қизиқарли, жонли, самарали ўқитишни таъминловчи қуйидаги вазифалар белгиланди: таълим шакллари, методлари, воситалари ва технологияларини танлаш; улар ёрдамида дидактик ишланмаларни тайёрлаш асосида методик таъминотни шакллантириш; шакллантирилган методик таъминотни ўқув амалиётига жорий қилиш; амалиётга татбиқ қилинган методик таъминот ёрдамида талабаларнинг ўзлаштирилганлик даражасини ташхислаш ва баҳолаш.

Асословчи тажриба даврида танланган муаммони назарий таҳлил қилиш, талабаларнинг ўқув-билиш, педагогларнинг касбий фаолияти билан танишиш орқали мавжуд шароитда айнан интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурлари тарих ўқитиш самарадорлигини таъминлай олишига ишонч ҳосил қилинди. Шу боис тарих ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурлари танланди.

Тадқиқот даврида ўқув машғулоти ахборот-маъруза, муаммоли ва визуал маъруза; семинар машғулоти семинар-суҳбат, маъруза ва рефератларни тинглаш, муҳокама қилишга асосланган семинар, аралаш семинар (маъруза ва муҳокама), семинар-мунозара, тарихий манбалар билан танишиш ва уларни шарҳлашга асосланган семинар, дидактик топшириқ ва ўқув кейсларни ечишга асосланган семинар, илмий тадқиқотларнинг натижаларини ўрганишга асосланган семинар, семинар-экскурсия; амалий машғулоти дидактик, дидактик ўйинларига асосланган амалий машғулоти, таҳлилий характердаги топшириқларни бажаришга ва ностандарт тестлар ечишга асосланган машғулоти каби шаклларда ташкил этилди.

Маълумки, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси семинар ва амалий машғулотларда аниқланади. Шу билан бирга талабалар томонидан “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фани ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолашда назорат ишлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли тадқиқот даврида назорат ишларининг шаклини танлашга ҳам эътибор қаратилди. Респондент-талабаларни дидактик ўйин топшириқларни бажариш, тарихий атамалар луғатини тузиш, ўқув кейсларини ечиш, талаба сўровини, лойиҳа тақдимотини, тарихий маълумотларни ёдда

самарали сақлашга оид кўрсатма (эсталик)ни ва эксперт мулоҳазасини тайёрлаш, муайян мавзуларда морфологик, концептуал ва тоифаловчи жадвал, идрок харитаси, кластер, синтезловчи диаграмма, қиёсловчи жадвалларни тузиш, тарихий хариталарни ўзаро таққослаш, ностандарт тестларни ечиш каби ўқув топшириқларини бажаришга жалб қилишда кутилган натижага эришилди.

Тарих фанларини ўқитишда самарали методлар сифатида интерфаол, жумладан, “Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО), “Тоифалаш”, “Морфологик кути”, “Идрок харитаси” (“Ментал харита”), “Тезис-органайзер”, “Блиц-сўров”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) методлар танланиб, улардан мақсадли фойдаланилди. Шу билан бирга диссертант томонидан илмий ишланма сифатида “Визуал хронотоп” асосланди.

Тадқиқотни олиб боришда тарих ўқитиш методикаси фани бўйича таълимни ташкил этишда самарали бўлган воситалар ҳам аниқланди. Улар қуйидагилардир: компьютер курилмаси, компьютер дастурлари (Power Point, Hot Potatoes, MyTestXPro), интерфаол доска, диапроектор, телевизор, Интернет тармоғи, мобил телефон, Telegram ижтимоий тармоғи, тарихий билимлар тарғиботчиси бўлган муассасалар – музейлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, тарихий аҳамиятга эга манзил ва объектлар фаолияти.

“Кейс-стади” ва ўйин технологиялари (дидактик ўйинлар) тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган технологиялар сифатида танланди.

Талабаларнинг “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фанини ўзлаштириш кўрсаткичлари Т.Н. Глазырина²¹нинг ёндашувига таянган ҳолда когнитив, эмпирик-операцион ҳамда қадриятли-рефлексив мезонлар билан баҳоланди. Даража кўрсаткичлари эса Б.Блум таксономияси²² бўйича юқори (таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш), ўрта (англаш, қўллаш) ва паст (билиш) тарзда белгиланди.


Ўз хусусиятига кўра тарих фанлари автоном ҳолда ривожлана олмайди. Улар адабиёт, санъат, география, этнография, этнопедагогика, археология, жамиятшунослик, диншунослик, маданиятшунослик ва бошқа ўнлаб соҳалар билан ўзаро

²¹ Методика преподавания истории / Учеб.-метод. комплекс для студентов специальности 1-21.03.01 “История” / Сост.: Т.Н. Глазырина. – Новополюк: ПГУ, 2011. – С. 80.

²²Таксономия педагогических целей Б.Блума // http://wiki.tgl.net.ru/index.php/Таксономия_педагогических_целей_Б.Блума.

алоқадорлик ва бирликда ривожланади. Умуман олганда ҳар бир соҳанинг ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд бўлиб, уни ўрганишда тарихий ёндашув муҳим аҳамият касб этади.

Тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш муайян тамойиллар устуворлиги асосида кечади. Маълумки, тамойиллар ҳар қандай фаолиятини туб моҳияти белгилаб берувчи етакчи назарий ғоялар бўлиб, унинг мақсади ва натижаси ўртасидаги узвийлик, изчиллик ва мунтазамликнинг таъминланишига олиб келади. Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш умумдидактик тамойиллар (таълимнинг барча учун очиқлиги, фанлараро алоқадорлик, ўқитиш жараёнида талабаларнинг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олиш, индивидуал ёндашиш ва бошқалар) билан бир қаторда қуйидаги тамойиллар тарихни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда аҳамиятли экани аниқланди (1-расм):



1-расм. Тарихни ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг устувор тамойиллари

1. Концентризм тамойили. Бу тамойил муайян манбага бир неча марта такрор мурожаат қилишни англатади. Концентризм тамойилининг афзаллиги шундаки, у аввал ўрганилган билимларни такрорлаш асосида мустаҳкамлашга имкон беради.

Гарчи манбага бир неча марта қайта мурожаат қилинса-да, бироқ, ҳар гал ўзгача тарзда ёндашилади. Саволлар бевосита такрорланиши мумкин, аммо муаммонинг таҳлили учун ўрганилмаган янги жиҳат қабул қилинади. Концентризм тамойилининг изчил қўлланилиши талабаларда хотирани

кучайтириш билан бирга улар томонидан тарихий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига хизмат қилади.

2. Методологик плюрализм тамойили²³. Гносеологик (билиш назариясига оид) плюрализмнинг ўзига хос шакли бўлган ушбу тамойил ўқитиш жараёнида тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнларга фикрлар хилма-хиллиги асосида ёндашишни англатади. Бинобарин, талабаларнинг билим, дунёқараш, ҳаётий тажрибалари бир-биридан фарқ қилади. Табиийки, тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнлар ҳам улар томонидан турлича талқин қилинади. Ўқитиш жараёнида методологик плюрализм тамойили асосга нисбатан бир нечта ёки кўплаб мустақил позициялар мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу тамойил устуворлигининг таъминланиши талабаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Тенгдошларининг қарашлари, ёндашувларига нисбатан ўз муносабатини билдиришга ўргатади. Аммо бу жараёнда педагогнинг маҳоратли раҳбарлиги талаб қилинади. Чунки, фикрлар хилма-хиллиги методологик асоснинг асл моҳиятини инкор этишга олиб келмаслиги зарур.

3. Мунтазамлик, изчиллик ва тизимлилик тамойиллари. Ушбу тамойиллари мактаб таълимида бўлгани каби ОТМда ўқиладиган тарих фанлари мазмунида ҳам инсоният тарихининг жуда қадим даврдан бошлаб, бугунги кунгача бўлган ривожланишини босқичма-босқич ўрганилишини назарда тутаяди. Мунтазамлик ва изчиллик инсоният тарихидаги ҳар бир босқичнинг бир марта ўрганилишини, ўрганилган босқич негизида навбатдаги босқич хусусиятлари тўлақонли англанишига хизмат қилади. Тизимлилик талабалар томонидан миллат ҳамда инсоният тарихини ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қиладиган таркибий элементлар бирлигида ўрганишни тақозо қилади.

4. Илмийлик ва назарий билимларнинг устуворлиги тамойиллари. Тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳаққоний ёритилиши зарур. Бинобарин, шундагина уларни холис, тўғри баҳолашга эришилади. Илмий далиллар билан исботланмаган тарихий билимлар билан талабаларни таништириш уларда нотўғри тушунчаларни қарор топишига олиб келади. Тарих фанларини ўқитишда илмий изланишлар асосида исботланган далилларга таяниш талабаларни тарихий манбаларга нисбатан масъулиятли, жиддий ёндашишга одатлантиради. Зеро, тарихий далилларни

²³ Методика преподавания истории / Учеб.-метод. комплекс для студентов специальности 1-21.03.01 "История" / Сост.: Т.Н. Глазырина. – Новополюк: ПГУ, 2011. – С. 80.

нотўғри, ноҳолис талқин қилиш миллат ва халқнинг ўтмишига нисбатан ҳурматсизлик, келажагига нисбатан ишончсизлик демакдир.

Тарих фанлари ижтимоий фанлар туркумига кирганлиги сабабли билимлар асосан баён услубига асосланади. Шунга кўра тарих дарсларида педагоглар асосий эътиборни талабаларнинг тарихий маълумотлар, далилларни назарий жиҳатдан тўғри талқин этишига қаратилиши зарур. Бу эса нафақат педагогнинг, балки талабаларнинг ҳам оғзаки ва ёзма нутқ малакаси, ахборот маданияти, коммуникатив қобилиятга эга бўлишларини тақозо қилади. Талабалар ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув ахборотларини шунчалик баён қилмасликлари керак. Аксинча, уларни ўрганишга таҳлилий, танқидий, ижодий ва креатив ёндаша олишлари зарур. Шундагина талабаларда тафаккур қобилияти ривожланади, дунёқарашнинг бой бўлишига эришилади.

5. Тарихийлик ва ворислик тамойиллари. Инсоният, муайян миллат, элат, халқ ҳаётида рўй берган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга тарихий, шунингдек, етакчи (лидер)лар – халқ қаҳрамонлари, давлат ва сиёсий арбоблар, маънавий йўлбошчилар, лашкарбошиларнинг хатти-ҳаракати, фаолиятига давр нуқтаи назардан баҳо бериш, холис муносабат билдириш тарихийлик тамойили асосида амалга оширилса, аجدодлар томонидан ардоқланиб келинган қадриятлар – миллий анъана, урф-одатларга содиқлик ворислик тамойили асосида намоён бўлади. Шу билан бирга ворисийлик тамойили аجدодлар томонидан яратилган миллий бойлик ва қадриятларга эга ҳуқуқи авлодларга тегишли эканини ҳам англатади. Бироқ, бу ўринда авлодлар масъулиятни ҳис қилган ҳолда “асрлар мобайнида сақланиб, авайлаб асраб келинган ҳозирги давр учун аҳамиятли бўлган маънавий қадриятларнинг ахлоқ ва одоб нормаларини бошқа халқларнинг бу борадаги мероси билан боғлай билиш, ўтмиш меросига таяниб тараққиётни юксак босқичга кўтариш, тараққиётдаги узлуксиз алоқа ва боғланишни таъминлаш”²⁴га эътибор қаратишлари талаб қилинади.

6. Герменевтик ёндашув тамойили. Мазкур тамойил тарихий атамаларни талқин қилиш, уларни бири фан соҳасидан иккинчи фан соҳасига кўчириш, тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнларни ёритувчи матнлар моҳиятини изоҳлашга хизмат қилади. М.Ф.Румянцеванинг

²⁴ Қаҳҳорова М., Раҳимшикова М. Ахлоқий ворислик – ижтимоий-фалсафий, тарихий ҳодиса сифатида // J. The Light of Islam. –Т.: 2020, 3-сон. – 107-108-б.

фикрига кўра, тарихий манбани ўрганаётган тарихчи унинг моҳиятини ўз позицияси нуқтаи назардан талқин қилади. Бошқача айтганда, герменевтик ёндашув субъект сифатида бўлажак тарихчининг тарихий билиш объекти ёки субъектига нисбатан муносабатини акс эттиради. Бу тамойил тарихчига бошқаларнинг ёндашувлари асосида тарихий манбалар мазмунини англаш, улар ёрдамида ўз-ўзини англашга имкон беради²⁵.

Тадқиқотни олиб боришда танланган муаммонинг умумий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёнининг модели яратилди (2-расм).

Шундай қилиб, инновацион таълим муҳитининг шаклланиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим жараёнида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. ОТМда тарих фанлари бўйича ўқув машғулотларининг сифатли, самарали ташкил этилишини таъминловчи методик таъминотни шакллантириш инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш тизимда кечаётган туб ўзгаришлар, хорижий ва миллий педагогиканинг замонавий ютуқларини инобатга олиш зарурлигини тақозо қилади.

Такомиллаштириш жараёнида ўқитишнинг самарали кечишига ёрдам берадиган инновацион шакл, метод, восита ва технологиялар танланади. Асосий эътибор тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурларининг танланишига қаратилди. Бунинг натижасида “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фани бўйича ташкил этилган ўқув машғулотларининг қизиқарли, самарали бўлишига эришилди.

2-§. Инновацион таълим муҳитида тарих фанларини ўқитишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш

Педагогик технологияларнинг такомиллашиши, инновацион таълим муҳитининг яратилиши ОТМда ўқув ва мутахассислик фанларини ўқитишда янги ёндашувларни қарор топтиришни тақозо қилмоқда. Муайян фан асосларини самарали ўқитишда таълим жараёнини ташкилий жиҳатдан тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ўқитишнинг ташкилий жиҳатларини таълим мақсади, белгиланган дидактик вазифалар ҳамда ўқув материалининг мазмуни, характериға мос ҳолда оқилона танлаш

²⁵ Герменевтический подход // <http://ponjatija.ru/node/9583>.

ортиқча жисмоний зўриқишсиз, кўп куч ва вақт сарфламай кутилган натижаларга эришишга ёрдам беради.

ОТМнинг аксарият ўқитувчилари гарчи тегишли фан асосларини пухта билиши, ҳатто педагогик фаолиятни ташкил этиш борасида муайян тажрибага эга бўлишига қарамай таълим жараёнини ташкил этишда кутилган натижаларга эриша олмайди. Ёш ўқитувчилар эса бу борада янада кўпроқ муаммоларга дуч келишади. Бунинг асосий сабаби – ўқитувчи томонидан танланган таълим методикасининг тўғри, оқилона, самарали танланмаганлиги билан боғлиқ.

Ўқитишнинг янги тенденциялари тарих ўқитиш методикасини ҳам давр талабига мос равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўқув материалининг характеридан келиб чиққан ҳолда тарих фанларини ўқитишда ташкилий масалаларининг тўғри, оқилона ҳал этилиши таълим жараёнининг самарали кечишини таъминлайди. Бу ўринда тарих фанларини ўқитишда ташкилий масалалари ва уларни ижобий ҳал қилиш йўллари тўғрисида сўз юритилади.

Моҳиятига кўра ўқув машғулоти (ёки дарслар)ни ташкил қилиш учун зарур моддий шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ масалалар таълим жараёнининг ташкилий масалалари ҳисобланади. Аксарият педагогик манбаларда (масалан, И.Я.Лернер, П.И.Пидкасистий, И.П.Подласый, С.А.Смирнов, И.Ф.Харламов, И.М.Чередов) таълим жараёнининг ташкилий масалалари “ташқи томони” (“ташқи масаласи”) ҳам деб юритилади²⁶. Таълим жараёнининг ташкилий масалаларини ҳал қилишда талабаларнинг сони, таълим ўрни ва жойи, уни ташкил этиш тартиби, педагог (педагогик) ҳамда талабалар (ўқув-билиш) фаолиятининг йўналиши, мазмуни, улар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда ҳамкорлик моҳияти инобатга олинади.

Педагог ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳиссий-интеллектуал характерини ёритувчи, белгиланган тартиб ва аниқ иш режими (вақти, давомийлиги)га эга нисбатан барқарор тузилмаси таълим жараёнининг ташкилий масалалари сирасида асосий ўринни эгаллайди. Таълим жараёнини ташкилий жиҳатдан уюштириш, қуришда асосий урғу ўқитиш шакллариининг танланишига қаратилади. Ўқитиш шакллари одатда “таълимнинг ташкилий шакллари” ёки “таълим шакллари” деб аталади ва улар

²⁶ Организационные формы и системы обучения // <https://studfile.net/preview/5183127>.

“таълим жараёнининг бориши, муваффақиятли кечиши ва албатта яқуний натижасига таъсир кўрсатади”²⁷.

Педагогикадан изоҳли луғатда “таълимнинг ташкилий шакллари” тушунчаси шундай изоҳланади: талабаларга билим бериш, уларда онг, тафаккур, дунёқараш ва ҳаётий тажрибани шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий жиҳатдан уюштирилиши, дарснинг қурилиши, таркибий тузилиши²⁸. Демак, тегишли жараёнда педагог ҳамда талабаларнинг ўрни ва ролининг белгиланиши, вазифаларнинг тақсимланиши, ўқув хоналарининг зарур техник воситалар, ўқув қуроллари, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланиши таълим (ёки педагогик) фаолиятнинг уюштирилиши англатади.

Педагогика соҳасида “таълим шакллари” (ёки таълимнинг ташкилий шакллари”) тушунчаси билан бир қаторда “таълим турлари” атамаси ҳам қўлланилади. Узлуксиз таълимнинг турли босқичларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг кўпчилиги учун “таълим турлари” ва “таълим шакллари” тушунчалари бир маънони ифодалайди. Аслида эса ундай эмас, таълим турлари ва шакллари бир-биридан фарқ қилади.

Таълим шакллари тўғрисида сўз юритишдан аввал таълим турлари тўғрисидаги қарашни ойдинлаштириб олиш талаб қилинади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “тур” тушунчаси ёрдамида “белгилари, хоссалари, вазифаси ва шу каби жиҳатдан умумий бўлган бир гуруҳ ёки бутунликни ташкил этган нарсалар, ҳодисаларнинг хили, нави, кўриниши”²⁹ маъноси ифодаланишига урғу берилган. Тушунчанинг моҳияти аксарият рус тилидаги манбаларда ҳам шундай изоҳланган.

Рус тилидаги электрон манбада эса “тур” тушунчаси янада аниқроқ ҳолда шарҳланган. Яъни: “юқори даражадаги бўлим – тип таркибига кирувчи тасниф (систематика)нинг маълум бўлинмаси”³⁰.

Бизнинг фикримизча, изоҳ қуйидагича ифодаланганда мазмунан тушунарли бўлган бўлар эди: белгилар, хоссалари, вазифаси ва бошқа умумий жиҳатларига кўра муайян тизим ёки

²⁷ Организационные формы обучения // http://lib.kstu.kz: tb/books/2017/ PO/Udartseva_i_dr_2001/ Теория/lec 7.htm.

²⁸ Педагогика. Изоҳли луғат / Ў.Асқарова ва бошқа. – Наманган: НамДУ, 2014. – 191-б.

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳр.остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва бошқа. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 194-б.

³⁰ Вид // <http://что-означает.рф/вид.>

бутунликни ташкил этувчи нарса, ҳодиса, жараён бўлиб, улар одатда хил, нав, кўриниш, гуруҳ, синф, бўлим, бўлинма, туркум атамалари билан ҳам ифодаланади.

Педагогикага оид изоҳли луғатда “таълим турлари” тушунчаси (юн. “species” – алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга) – 1) таълим мазмуни, таълимни ташкил этиш ўрни, босқичи, қўлланиладиган воситалари ва таълим олувчиларнинг ёшига кўра фарқланувчи таълим кўринишлари; 2) ўқув жараёнини ташкил этиш, амалга оширишга нисбатан турлича ёндашув”³¹ деган маънони англатиши кўрсатилган.

Юқоридаги таърифларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, таълим турлари таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги муносабат, ўқитишнинг аниқ белгиланган давр оралиғида ташкил этилиши (ярим ёки бир ўқув йили, бир, уч, олти ой, бир йил, икки (магистратура), тўрт йил (бакалавриат), ОТМда ўқув йилининг икки босқич (семестр)га бўлиниши, таътиллар вақтининг белгиланганлиги, таълимни ташкил этишда муайян стандартларга таяниш, ўқув жараёнининг маълум методика (шакл, метод, восита ва технологиялар)га асосланиши, таълим жараёнининг талабаларда шаклланган билим, кўникма, малака, касбий компетентлик сифатлари даражасини баҳолаш натижаларига кўра яқунланиши, талабаларнинг тегишли босқич ёки йўналишда маълумотга эга бўлганликни тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат (диплом, сертификата, гувоҳнома)га эга бўлиши каби белгиларга мувофиқ ягона тизим (туркум)ни ҳосил қилади. Таълим турлари, шунингдек, таълим мазмуни, таълимни ташкил этиш ўрни, босқичи, қўлланиладиган воситалари ва таълим олувчиларнинг ёшига кўра ўзаро ҳам ўзаро (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, бошланғич таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим тарзида) бир-биридан фарқланади.

Дастлабки олий таълим муассасалари (Работи Ғозиён мадрасаси, X асрнинг 1-ярми (унинг асосчиси Муҳаммад ибн Фазл Балхий 931 йилда вафот этган; Самарқанд); Ал-Азхар университети, 970 йил (Миср); Болонья университети, 1088 йил (Италия); Оксфорд университети, 1096 йил (Англия); Сорбонна университети, 1150 (Франция); Париж университети, 1150 (баъзи манбаларда 1160) йил (Франция); Кембриж университети, 1209 йил (Англия) ташкил этилган вақтдан бошлаб, XIX асрнинг бошига

³¹ Педагогика. Изоҳли луғат / Тўлд. 2-нашр. М.Усмонбоева ва бошқа. – Т.: Наврўз, 2016. – 277-б.

қадар (АҚШ ва Европа давлатларида), XIX асрнинг иккинчи ярми (Шарқ мамлакатларида) анъанавий таълим асосий ўринни эгаллаган бўлса, инновацион таълим муҳотида муаммоли, индивидуал, ривожлантирувчи, табақалаштирилган, дастурий, лойиха, компьютер, масофавий, ҳамкорлик, интерфаол, инновацион ва модул таълими, шунингдек, ўйинга асосланган таълим³² устувор аҳамият касб этмоқда.

ОТМда ўқув ва мутахассислик фанларини ўқитишнинг замонавий тамойилларига асосланувчи таълим турларини танлашда уларнинг ўзига хослиги, характери (ижтимоий, гуманитар, ишлаб чиқариш, табиий ёки аниқ фан эканлиги), ўқув материалларининг моҳияти, талабада шакллантирилиши ҳамда ривожлантирилиши зарур бўлган билим, кўникма, малака ва касбий компетентлик сифатлари инобатга олинади.

Ўрганишлар натижасига таянган ҳолда айтиш мумкинки, тарих фанларининг ўзига хослиги, характери уларни ўқитишда муаммоли, ривожлантирувчи, лойиха, компьютер, масофавий, ҳамкорлик, интерфаол, инновацион ва модул, шунингдек, ўйинга асосланган таълим турларини танлаш ҳамда дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади (1-жадвал):

1-жадвал

Инновацион характердаги таълим турлари ва уларнинг тарих фанларини ўқитишдаги аҳамияти

| № | Таълим тури | Тарих фанларини ўқитишдаги аҳамияти |
|----|------------------------|--|
| 1. | Муаммол и таълим | Талабалар муқобил манбалар асосида тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиш сабаблари, бориши, оқибатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, тарихий воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг рўй беришида ички-ташқи омилларнинг таъсири, шунингдек, тарихий шахсларнинг ўрни, ролини жамоавий, гуруҳли, индивидуал таҳлилий баҳолаш малакаларига эга бўлади |
| 2. | Ривожлантирувчи Таълим | Архив материаллари, тарихий хужжатлар билан ишлаш асосида талабаларда тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини баҳолашга танқидий ёндашиш, улар юзасидан чуқур таҳлилий изланишни олиб бориш, индивидуал қарорлар қабул қилиш ва индивидуал баҳолаш қобилияти ривожланади |
| 3. | Лойиха таълими | Муайян тарихий воқеа, ҳодиса, жараёнлар моҳиятини кичик тадқиқотлар олиб бориш, ушбу тадқиқотлар натижасига оид маълумотларни турли илмий давраларда муҳокама қилиш, натижаларнинг эксперт сифатида тарихчи олимлар, |

³² Инновацион таълим технологиялари / Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2015. – 4-131-б.

| | | |
|-----|--------------------------|---|
| | | манбашунослар, илмий изланувчилар томонидан баҳоланишига эришиш орқали талабаларда тарихий мавзуларда кенг кўламда илмий тадқиқотларни олиб бориш лаёқатига эга бўлади |
| 4. | Компьютер таълими | Талабалар компьютер техникаси воситасида тарихий воқеа, ҳодиса, жараённи моделлаштириш (морфологик жадвал, кластер, синтезловчи диаграммаси, қиёсий таҳлилга асосланган жадвал шаклида ифодалаш), тарихий воқеа, ҳодиса, жараёнларга оид ахборотли маълумотларни визуал кўринишга ўтказиш, график органайзерларда ёритиш, улар бўйича электрон воситалар (электрон тақдимот, электрон плакат ва хронотоп, электрон шаклдаги дидактик ва интеллектуал ўйинлар, ностандарт тестлар)ни яратиш малакаларини ўзлаштиради |
| 5. | Модул таълими | Тарих фанларини, улар негизида муайян тарихий мавзуларни модул асосида ўзлаштириш талабаларда тегишли тарихий давр, воқеа, ҳодиса, жараён бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, билимларни зарур даражада ўзлаштириш имкониятини юзага келтиради |
| 6. | Масофавий таълим | Тарихий мавзулардаги on-line дарс, семинар ва тренинг, видео конференциялар воситасида ўқув материалларини ўзлаштириш, махсус таълим платформалари (Zoom платформи)дан фойдаланган ҳолда уларда бевосита иштирок этиш, республика ва хорижий давлатларнинг етакчи тарихчи олимлари, экспертлар, тадқиқотчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш имкониятига эга бўлади |
| 7. | Ҳамкорлик таълими | ОТМнинг тарихчи педагоглари, турдош ОТМда тарих йўналишида таълим олаётган магистр талабалар билан муайян мавзуларда кичик тадқиқотларни олиб бориш, улар билан ҳамкорликда илмий мақола, монографиялар тайёрлаш, илмий-тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш, тадқиқот натижаларини етакчи тарихчи олимлари, экспертлар, тадқиқотчиларнинг эътиборларига ҳавола қилиш, улар юзасидан муҳокамани ташкил этишга эришиш орқали талабаларда таҳлилий малакалар, ижодкорлик, креативлик сифатлари ривожланади |
| 8. | Интерфаол таълим | Жуфтликда, кичик ва катта гуруҳларда ишлаш, бу жараённинг ўзаро рақобатга, беллашувга асосланиши тарих фанларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиши, мотивациянинг кучайтириши талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигининг ошиши, самарали ижтимоийлашувига ўз таъсирини кўрсатади |
| 9. | Инновацион таълим | Талабаларда тайёр тарихий билимларни ўзлаштириш эҳтиёжи пасаяди, аксинча, тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини ўрганишга бўлган эҳтиёж, қизиқиш, мотивация кучаяди, ижодкорлик, креативлик сифатлари ривожланади |
| 10. | Ўйинга асосланган Таълим | Муайян тарихий даврга “визуал саёҳат” қилиш, ўзини тарихий жараёнлар иштирокчиси сифатида тасаввур қилиш орқали зарур билимлар ўзлаштирилади, ўзлаштирилган тарихий билимлар мустаҳкамланади, мавжуд билимларни амалиётда қўллаш малакалари ривожланади |

Анъанавий таълим тизимида ОТМда таълим (ўқитиш)нинг маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория машғулоти, назорат иши, синов ва имтиҳон каби шакллари устувор ўрин эгаллаган ҳамда уларнинг ташкил этилиши педагогнинг етакчилиги, таълим шаклининг доминант (бир хиллиги)га асосланган. Таълим эҳтиёжларининг ўзгариши, ОАВ ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг жадал ривожланиши табиий равишда ОТМда таълим (ўқитиш)да назарий ва амалий ўқув машғулотлари, синов ва имтиҳонларнинг ҳам инновацион шаклларда ташкил этиш эҳтиёжини қарор топтирди.

Инновацион таълим муҳотида ОТМда тарих фанларини ўқитишда таълимнинг қуйидаги замонавий шакллари³³ дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (амалий машғулот ва назорат шакллари тадқиқотчи томонидан таклиф этилмоқда) (2-жадвал):

2-жадвал

Таълим (ўқитиш)нинг инновацион шакллари

| Маъруза турлари | Семинар турлари | Амалий машғулот турлари | Назорат турлари |
|--|--|--|---|
| Ахборот-маъруза Муаммоли маъруза Визуал маъруза Онлайн маъруза Бинар маъруза Вебинар маъруза Хатоларга асосланган маъруза Маъруза-конференция Маъруза-маслаҳат | Семинар-суҳбат Маъруза ва рефератларни тинглаш ва муҳокама қилишга асосланган семинар Аралаш семинар (маъруза ва муҳокама) Семинар-мунозара Тарихий манбалар билан танишиш ва уларни шарҳлашга асосланган семинар Дидактик топшириқ ва кейсларни ечишга асосланган семинар Илмий тадқиқотларнинг натижаларини ўрганишга асосланган семинар Ўқув кейсларини ечишга асосланган семинар Семинар-экскурсия Семинар-коллеквиум Семинар- давра столи | Дидактик ўйинга асосланган амалий машғулот Ролли ўйинга асосланган амалий машғулот Ишчанлик ўйинига асосланган амалий машғулот Тренинг-амалий машғулот Таҳлилий характердаги топшириқларни бажаришга асосланган машғулот Ностандарт тестлар ечишга асосланган амалий машғулот | Дидактик ўйин топшириқларини бажариш Тарихий атамалар луғатини тузиш Ўқув кейсларини ечиш Лойиҳа тақдироти, эксперт мулоҳазаси, тарихий ахборотни ёдда сақлашга оид кўрсатма, талаба сўровини тайёрлаш Морфологик, концептуал ва тоифаловчи жадвал, идрок харитаси, кластер, синтез-диаграмма, қиёсий жадвалларни тузиш Тарихий хариталарни таққослаш Даражали тестларни ечиш |

³³ Организационно-методическое обеспечение учебного процесса в вузе / Учеб.-метод. пособие. – СПб.: Питер, 2011. – 216 с.

Инновацион таълим муҳитида ОТМнинг педагоглари ўқув материалнинг характеридан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этишга тайёргарлик кўришда таълим жараёнининг асосий, муҳим ташкилий масалаларини ижобий ҳал қилишга эътиборни қаратишлари лозим.

Тарих фанларини самарали ўқитишнинг асосий ташкилий масалалари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим ўрнини қайта белгилаш. Одатда ОТМда ўқув семестрининг бошида ўқув жадвалида тегишли ўқув машғулоти ўтадиган аудитория белгилаб қўйилади, аммо, шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ўқув материалнинг характерини инобатга олган ҳолда баъзан таълим ўрнини ўзгартириш талаб этилади. Бунинг учун педагог ўқув бўлимига мурожаат қилиши ва ташкилий жиҳатдан масалани ижобий ҳал қилишга эришиши керак.

2. Таълим вақтини қайта белгилаш. ОТМда одатда тегишли ўқув машғулотининг ташкил этилиш вақти ўқув жадвалига кўра семестрнинг аввалида белгилаб қўйилади. Бироқ, инновацион таълим муҳитининг энг муҳим жиҳатларидан бири – мобил (тезкор) ҳаракатланиш, фавқулотда ўзгаришларга мослашиш эканлигини инобатга олган ҳолда ўқув машғулоти вақтини ўқув материални ўзлаштириш учун аҳамиятли бўлган он-лайн дарслар, онлайн-конференция, онлайн-тренинг, вебинар, телевизион дарсларнинг узатилиш вақтига мослаштириб ўзгартириш мумкин.

3. Ўқув хоналари (аудиториялар)ни қайта танлаш ёки уларни мустақил равишда зарур даражада жиҳозлаш чора-тадбирларини белгилаш. Бу борада ҳал этиладиган вазифалар ўз-ўзидан икки гуруҳга ажратилади. Яъни:

А. Ўқув хонаси (аудитория)ни қайта танлаш: инновацион таълим муҳити ўқув хоналари (аудиториялар)ни замонавий техник воситалар, технологик қурилмалар билан жиҳозланишини талаб қилади. Ўқув материалнинг характери, уларнинг талабаларда назарий ёки амалий малакаларни ҳосил қилиш, ижодий қобилиятни ривожлантиришга хизмат қилишига кўра ўқув хонаси (аудитория) самарали танланиши зарур. Масалан, “Педагогика” фанидан “Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш. Ақлий тарбия” мавзусини ўрганишда педагог ўқув материлига оид энг муҳим маълумотларни ўзида жамлаган электрон тақдимот ёки видео дарсни таълим (масалан, Zoom) платформасига юклаши, машғулот учун ажратилган асосий вақтда эса талабалар, айниқса,

магистратурада таҳсил олаётган талабалар билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда мазкур вазирлик ҳузуридаги “Илғор технологиялар маркази” Давлат илмий муассасаси (аввалги “Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази” Давлат корхонаси (2011 йилда ташкил этилган); Тошкент шаҳри, эл. манзил: info@cht-tashkent.uz); Республика Фанлар Академиясининг тегишли илмий-тадқиқот институтлари, технопарк (технологик парк)ларга ўқув экскурсияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда мазкур вазирлик ҳузуридаги “Илғор технологиялар маркази” Давлат илмий муассасасининг вазифалари сирасида “академик, олий таълим ва тармок фанлари билан ҳамкорлик қилиш ва ҳамкорликда илмий-тадқиқотларни бажариш; халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш кабилар”нинг белгиланганлиги мазкур ташкилотларбилан ОТМ ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосида ўқув машғулотлари, хусусан, амалий машғулотларни ташкил этишда самарадорликка эришишга ёрдам беради.

Технопарк (технологик парк)лар ҳам замонавий ҳамда инновацион таълим муҳитида ОТМ ўзаро ҳамкорлик асосида самарали натижаларга эришишга ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, технопарк (технологик парк)лар “фан, таълим ва ишлаб чиқаришни илмий ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари, ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси кўринишида ҳудудий уюштириш шакли”³⁴ бўлиб, у “юқори малакали мутахассисларнинг бир жойга тўпланиши орқали илмий-техника ва техник, технологик ишланмаларини яратиш, уларни қўллаб-қувватлашни жадаллаштириш мақсадида ташкил этилади”³⁵. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар амалиётида кенг оммалашган технопарклар жамиятни иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. ва тарқалган. Кўпинча солиқ имтиёзларига эга бўлади.

³⁴ Технопарк // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/texnopark-uz>.

³⁵ Технопарк // <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/texnopark-uz>.

Касбий таълим, ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалар йўналишида фаолият юритаётган ОТМнинг республикада фаолияти кенг кўламда йўлга қўйилаётган технопарклар билан ўзаро ҳамкорликка эришиши ҳам амалий аҳамиятга эга: биринчидан, маъруза машғулотларида ўзлаштирилган назарий билимлар тўғрисида тўлиқ тасавурга эга бўлади; иккинчидан, талабалар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан танишади; учинчидан, талабаларда касбий фаолият ва уни ташкил этишга бўлган қизиқиши, мотивацияси ошади; тўртинчидан, талабаларда келгусида бу каби муассасаларда касбий фаолиятни олиб бориш истаги туғилади.

В. Ўқув хоналари (аудиториялар)ни мустақил равишда зарур даражада жиҳозлаш чора-тадбирларини белгилаш: инновацион таълим муҳити педагогдан таълим жараёнини ташкил этишга ижодий, креатив ёндашишни тақозо этади. Педагогнинг ижодкорлиги, креативлиги унинг ўрганиладиган ўқув материалнинг характеридан келиб чиққан ҳолда ўқув хоналари (аудиториялар)ни шахсий ташаббуси асосида жиҳозлашда ҳам намоён бўлади. Аксарият педагоглар ўқув хоналари (аудиториялар)даги мавжуд ўқув жиҳозлари, ўқув қуролларидан фойдаланиш билан кифояланади, бугунги кун талаби эса ўқув жиҳозларини ўзига хос (оригинал) ишланмалар билан бойитишни тақозо этади. Бу эса табиийки, таълим жараёнининг қизиқарли, самарали ташкил этилишини таъминлайди.

Ўқув хоналари (аудиториялар)ни мустақил равишда зарур даражада жиҳозлаш чора-тадбирларини белгилашда самардорликка эришишнинг бир неча йўллари мавжуд. Улар: педагогнинг ижодий, креатив қобилиятига таянган ҳолда индивидуал имкониятларга таянган ҳолда оригинал ишланмалар билан ўқув хоналари (аудиториялар)ни мустақил равишда зарур даражада жиҳозлаш; ўқув хоналари (аудиториялар)ни зарур даражада жиҳозлашда талабаларнинг имкониятларидан фойдаланиш; педагог ва талабалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида ўқув хоналари (аудиториялар)ни зарур даражада жиҳозлаш; ўқув хоналари (аудиториялар)ни зарур даражада жиҳозлашда кафедранинг имконияти ва кафедра аъзоларининг ёрдамига таяниш.

Айни ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозим, ўқув хоналари (аудиториялар)ни мустақил равишда зарур даражада жиҳозлашда

техник воситалар ёки ўқув қуроллари билан бойитиш назарда тутилади. Маълумки, техник воситалар моддий қийматга эга. Бироқ, бунинг учун педагог индивидуал ёки кафедра аъзолари умумий ҳолда уларни сотиб олиши талаб қилинмайди.

Ўқув хоналари (аудиториялар)ни жиҳозлашда замонавий техник воситаларга эга бўлишда кафедранинг интеллектуал салоҳиятига таяниш мумкин.

Бунинг энг самарали йўли кафедра аъзоларининг халқаро ёки республика миқёсида ташкил этиладиган инновацион ёки амалий тадқиқотлар лойиҳалари танловида иштирок этишидир. Анъанага кўра ушбу танловда иштирок этишда тадқиқотнинг олиб борилиши учун зарур бўладиган техник воситаларнинг рўйхати ҳам илова қилинади. Кафедранинг доимий равишда бу каби танловлардаги иштироки эса ўқув хоналари (аудитория)ларни жиҳозлаш чоратадбирларини белгилашда кўл келади.

Лойиҳа муаммоси, уни ҳал этиш вазифалари уларни ҳал этиш имконини берувчи воситалар мавжудлигини тақозо этади. Шу сабабли одатда лойиҳада зарур ўқув ва техник воситалар, шунингдек, технологик қурилмалар рўйхати, уларни сотиб олиш учун талаб этиладиган пул маблағининг қиймати кўрсатилади. Кўп ҳолатларда лойиҳаларнинг танловдан муваффақиятли ўтиши эса рўйхатда қайд этилган ўқув ва техник воситалар, технологик қурилмаларнинг харид қилиш имкониятини юзага келтиради. Табиий равишда лойиҳа муддати якунига етгач, сотиб олинган ўқув ва техник воситалар, технологик қурилмалар кафедра балансида қолади. Бундан кўринадики, ўқув хоналари (аудиториялар)нинг бугунги кун талабига мувофиқ зарур даражада жиҳозлашда кафедра аъзоларининг турли инновацион ва амалий танловларда фаол иштирок этиши, лойиҳаларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ МОҲИЯТИ

3-§. Инновацион таълим муҳиtida тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда интерфаол методларнинг ўрни

Замонавий ўқитиш тизимида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. ОТМда шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланиш талабаларнинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятларини тўла намоён этишга хизмат қилади.

Шахсга йўналтирилган таълим турлари инновацион характерга эга бўлиб, ўқитиш жараёни ноанъанавий, ностандарт ташкил этилади. Шу билан бирга таълим жараёнида талабаларнинг эркинлиги таъминланади, шу эса ўқитиш жараёнининг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Эркинлиги таъминланган шароитда эса талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги ортади.

Мавжуд шароитда интерфаол таълим – умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида кенг оммалашган шахсга йўналтирилган таълим турларидан бири саналади.

Мазкур таълимнинг асосий таянч тушунчаси “интерфаол” атамасидир. “Интерфаол” (ингл. “interact”; “inter” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ) тушунчаси луғавий нуқтаи назардан ўзаро, биргаликда, бирга ҳаракат қилиш маъноларни англатади³⁶.

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим³⁷. Ўқитиш нуқтаи назаридан интерфаол таълимнинг негизида “интерфаоллик” ётади. Интерфаоллик “таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларидир”³⁸. ОТМда ташкил

³⁶ Усмонбоева М., Арипова М., Мўминова Д. Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2019. – 5-б.

³⁷ Ўша манба. – 5-б.

³⁸ Ўша манба. – 5-б.

этиладиган ўқув фаолиятининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, интерфаоллик нафақат педагог-талабалар, талаба-талаба, талаба-талабалар ўртасидагина эмас, шу билан бирга талаба ҳамда ахборот технологиялари ўртасида юзага келадиган ўзаро мулоқоти жараёнида ҳам юзага келади.

Мазкур таълимнинг таркибий элементи интерфаол методлар саналади. “Таълим жараёнида талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим оловчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар интерфаол методлар саналади”³⁹.

Интерфаол методларнинг асосий ғояси “педагог ва ўқувчилар (талабалар) ўртасидаги диалог ёки суҳбатга асосланган ўзаро алоқа”⁴⁰ни ташкил этишдан иборат. “Ўқувчи (талаба)лар ўзларининг муваффақияти ва интеллектуал жиҳатдан мустақил эканлигини ҳис қилишга имкон берадиган юқори даражадаги қулай шароитни яратиш”⁴¹ мақсадини кўзловчи интерфаол методлар “нафақат педагог ва ўқувчилар (талабалар) ўртасида кенг қўламли ўзаро алоқани таъминлашга, шу билан бирга ўқувчи (талаба)лар ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳам йўналтирилган”⁴².

Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш таълим оловчиларни фикрлаш, таҳлил қилиш, муайян вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, ўқув материалларини биргаликда муҳокама қилиш асосида ўзлаштириш, ўқув маълумотларини график шаклда тизимли баён қилиш, ижодий ечимларни илгари суриш, мавжуд билимларни амалда қўллашга ўргатади.

ОТМда интерфаол методлардан фойдаланиш талабаларда “мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб

³⁹ Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: ТДПУ, 2012. – 140-141-б.

⁴⁰ Интерактивные методы обучения // https://spravochnick.ru/pedagogika/teoriya_obucheniya/interaktivnye_metody_obucheniya.

⁴¹ Ўша манба.

⁴² Ўша манба.

вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга” ёрдам беради⁴³.

Барча босқичларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам интерфаол методларни қўллаш мажбурий характер касб этмайди. Интерфаол таълимда ихтиёрийлик ва ижодий ёндашув тамойилларининг устуворлиги педагогга интерфаол методларни эркин танлаш имконини беради. Бироқ, интерфаол методларни танлашда ҳам ўқитишнинг анъанавий методларини танлашда намоён бўлгани каби муайян талаблар инобатга олинади. Интерфаол методларни танлаш инобатга олинishi зарур бўлган шартларга тўхталишдан аввал анъанавий таълимда бу борада қандай йўл тутилганлигига эътибор қаратилади.

Н.С.Малецкаянинг қуйидаги ёндашуви анъанавий таълимда ўқувчилар мисолида ўқитиш методларини танлашда инобатга олинishi зарур бўлган талаблар ҳақидаги тасаввурни бир қадар ойдинлаштиришга ёрдам беради: методнинг дарс мақсади ва унинг ҳар бир босқичига мос келиши; ўқув материалининг мураккаблик даражаси ва таркибий тузилмасини инобатга олиш; ўқувчиларнинг қисман-изланиш, изланишга асосланган ўқув фаолиятини ташкил этиш имкониятига эга бўлган интерфаол методларнинг барча турларидан фойдаланишни афзал билиш; ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятининг юқори даражаси; таълимнинг амалий методларига устувор аҳамият бериш: уларнинг улаши, айниқса, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи, билимларни амалиётда қўллашни талаб қилувчи дарсларда катта бўлиши зарур; билимларни шакллантирувчи, мустаҳкамловчи ва такомиллаштирувчи дарсларда кўргазмали ва амалий методларнинг ҳисобига оғзаки методлар ҳажмини камайтириш; методларни уларнинг компенсатор имкониятларини инобатга олган ҳолда ўзаро мувофиқлаштириш; ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари ҳамда тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш; методни қўллашга сарфланадиган вақтни оқилона тақсимлаш асосида ўқувчиларнинг самарали ўқув фаолиятини таъминлаш учун қулай имкониятларни яратиш⁴⁴.

⁴³ Усмонбоева М., Арипова М., Мўминова Д. Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2019. – 8-б.

⁴⁴ Малецкая Н.С. Дидактические условия выбора словесных, наглядных и практических методов обучения и их сочетания в структуре уроков разных типов: автореф. дис. канд. пед. наук. – Омск: 2000 // <http://nauka-pedagogika.com/pedagogika-13-00-01/dissertaciya-didakticheskie-usloviya-vybora-slovesnyh-naglyadnyh-i-prakticheskih-metodov-obucheniya-i-ih-sochetaniya-v-strukture-urokov>.

Айни ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоиз, бизнинг фикримизча, Н.С.Малецкая томонидан ўқитиш методларини танлашга қўйиладиган талаблар билан бу жараёнда ҳал қилинадиган педагогик вазифалар ўзаро қориштириб юборилган. Бу ўринда Н.С.Малецкаянинг ўқитиш методларини танлашнинг аниқ мезон (критерия)ларини кўрсатиб ўтиши мақсадга мувофиқ эди.

Ўқитиш методларини танлаш борасидаги Н.С.Малецкаянинг ушбу ёндашувини электрон манбалардан бирида келтирилган қуйидаги талаблар билан тўлдириш мумкин: жамоа (синф, гуруҳ)нинг шаклланганлик даражаси; таълим олувчиларнинг индивидуал ва шахсий ўзига хос хусусиятлари; таълим шароити ва воситалари; ўқитувчининг педагогик малака даражаси; кутилаётган натижа⁴⁵.

А.В.Павловнинг фикрига кўра, ўқитишда самарали бўлган интерфаол методларининг асосий белгиси – педагогнинг иш тартиби бўлиб, бунда у таълим олувчиларга тайёр билимларни бермайди, балки бунинг учун зарур даражада куч ишлатиш орқали ўқув материалининг ўзлаштирилиши учун шароит яратади⁴⁶.

Н.С.Малецкая ўқитиш методларини танлаш мақсадида педагог томонидан ташкил этилаётган ҳаракат қуйидаги мезонларга мос келиши керак, деб ҳисоблайди: дарснинг босқичининг дидактик мақсади; ўқув материали мазмунининг мураккаблиги; ўқувчиларнинг ўқув-билиш имкониятлари; ўқувчилар билиш фаолиятининг даражаси; таълим методларининг афзаллик ва камчиликлари; ҳамкорлик муносабатлари; таълим олиш мотивлари; эҳтиёж-мотивацион муҳит⁴⁷.

Таълим жараёнининг самарали ташкил этилишига кўрсатиладиган таъсирларни объектив ва субъектив омиллар сифатида гуруҳлаштириш асосида ўқитиш методларини танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидловчи ёндашув ҳам мавжуд. Ушбу ёндашувга кўра объектив ва субъектив омиллар қуйидаги тарзда гуруҳланади:

1. Замонавий таълим тизимининг ривожланиш анъаналарига жавоб берадиган амалда қўлланилаётган реал ўқитиш тамойиллари

⁴⁵ Общие условия выбора методов // https://studme.org/60645/pedagogika/obschie_usloviya_vybora_metodov.

⁴⁶ Павлов А.В. Выбор методов обучения на разных этапах образовательного процесса // <https://cyberleninka.ru/article/n/vybor-metodov-obucheniya-na-raznyh-etapah-obrazovatel'nogo-protssessa>.

⁴⁷ Малецкая Н.С. Дидактические условия выбора словесных, наглядных и практических методов обучения и их сочетания в структуре уроков разных типов: автореф.дис....канд.пед.наук. – Омск: 2000 // <http://nauka-pedagogika.com/pedagogika-13-00-01/dissertaciya-didakticheskie-usloviya-vybora-slovesnyh-naglyadnyh-i-prakticheskih-metodov-obucheniya-i-ih-sochetaniya-v-strukture-urokov>.

ва қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда методларни танлаш: муайян ўқув фани методикасининг ўзига хослиги; ўтказиладиган дарс мазмуни, мақсади ва вазифалари; дастур материалларини ўзлаштиришга ажратилган вақт; таълим муассасасининг моддий-техник имконияти (таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ўқув жиҳозлари, кўрсатмалар қуроллар, зарурий майдон ва бошқалар); муҳит шароити (географик муҳит, ижтимоий муҳит, микро ва макромуҳитлар); ўзлаштириш зарур бўлган ўқув материалларининг мазмуни ва талаблари, мураккаблиги.

2. Ўқув мотивациясининг шаклланганлик даражаси: ўқувчилар билиш фаоллигининг ривожланганлик ва ўқишга бўлган қизиқишлари даражаси; ўқувчиларнинг тайёрлик даражаси (ўзлаштирилган билимларнинг мавжудлиги, уларнинг кенглиги ва чуқурлиги, ранг-баранглиги, интеллектуал ривожланиш даражаси, ишчанлилиги, уюшқоқлиги, тарбияланганлиги, ўқув малакаларининг ривожланганлиги); ўқувчиларнинг ўзига хос (ёш, жинс, индивидуал фарқланиш, миллий, диний конфессияга мансублик, синф жамоаси орасида муносабат, минтақавий, ижтимоий (шаҳар, қишлоқ) фарқланиш) хусусиятлари ва ҳаётий тажрибаси.

3. Дарснинг типи ва таркибий тузилмаси: аввалги дарсларнинг ташкил этилишидаги ўзига хосликлар, синф ўқувчиларининг сонини ҳисобга олиш.

4. Муносабатлар, ўқув ҳамда тарбиявий ишларга раҳбарлик, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида юзага келадиган педагогик мулоқот услублари; ўқитувчининг имкониятлари ва ўзига хослиги: умумий ривожланганлик ва чуқур билимдонлиги, касбий педагогик маданияти, назарий ва амалий тайёргарлиги, методик маҳорати, амалий иш тажрибаси, индивидуал ўзига хосликлари⁴⁸.

Анъанавий таълим ўқитиш методларини танлаш И.Я.Лернер томонидан қайд этилган қуйидаги босқичларда амалга оширилган:

1. Таълим мақсадини, унинг ўрганилаётган мавзу ёки бўлимдаги ўрнини ўзида мужассам этган ўқув материали билан мос келиши; ушбу ўқув материалида акс этувчи таълим мақсадларини аниқлаш (мақсадли нуқтаи назар).

2. Умумий дидактик (назарий) тасаввур даражасида ўқув материалида таълим мазмунининг турларини белгилаш (мазмунли нуқтаи назар).

⁴⁸ Факторы выбора методов обучения // <https://paidagogos.com/vyibor-metodov-obucheniya-razvitie-metod.html>.

3. Дарснинг ҳар бир турини самарали ўзлаштиришда уларга мувофиқ келувчи таълимнинг дидактик методини танлаш (гностик ва психологик нуқтаи назар).

4. Ўқув материали мазмунининг қурилиши ва унда мазмунининг алмашиши мантиғига мос равишда таълимнинг дидактик методларининг ўзаро ўрин алмашишини белгилаш (мантиқий нуқтаи назар).

5. Ҳар бир метод учун ўқув материалига мувофиқ равишда предметли, амалий, интеллектуал воситалар мажмуини танлаш (моддий-асосли нуқтаи назар).

6. Ўқувчиларнинг эҳтиёж-ҳиссий муҳитини инобатга олган ҳолда танланган методлар, уларнинг ўзаро ўрин алмашиши тартибида таълим усуллари танлаш ва уларнинг бирлигига эришиш (бошқарув, тарбиявий нуқтаи назар)⁴⁹.

Г.С.Харханова томонидан олиб борилган тадқиқотда таълимнинг интерфаол методлари таълим оловчиларни муаммони ҳал қилишга бўлган мотивацияни шакллантириш борасидаги имкониятларига кўра уч гуруҳга ажратилади. Улар: кенг, ўрта ва тор имкониятга эга бўлган интерфаол методлар⁵⁰.

Л.Н.Вавилова, О.А.Голубкова, Т.С.Панина, А.Ю.Прилеполар эса таълимнинг интерфаол методларини уларнинг коммуникацион вазифаларига кўра қуйидагича гуруҳлайди:

1) баҳс-мунозарага асосланувчи методлар (диалог, гуруҳли баҳс-мунозара, ҳаётий вазиятларни танлаш ва таҳлил қилиш);

2) ўйин характеридаги методлар (дидактик ўйинлар, ижодий, шу жумладан, ишчанлик ва ролли ўйинлар, ташкилий-фаолиятли ўйинлар, рақибнинг ҳаракатига фаол қаршилик кўрсатишни тақозо қилувчи (масалан, шахмат, шашка) ўйинлар);

3) психологик (Т.С.Панина, Л.Н.Вавиловаларнинг ёндашувига кўра эса тренинг) характерга эга интерфаол методлар (сенситив ва коммуникатив тренинг, эмпатия).

И.В.Курышева эса интерфаол методларни гуруҳлаштиришда уларни қўллаш вақтида иштирок этувчи субъектлар ҳамда фойдаланиладиган воситалар нуқтаи назаридан ёндашади. Бунинг натижасида интерфаол методлар қуйидагича гуруҳланади: 1) “ўқувчи – ўқувчи – ўқитувчи” ўртасида қўлланиладиган интерфаол методлар; 2) “ўқувчи – компьютер – ўқитувчи” ўртасида

⁴⁹ Ситаров В.А. Дидактика / Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. зав. Под ред. В.А.Сластенина. – 2-е изд. – М.: Издат.центр “Академия”, 2004. – С. 237-238.

⁵⁰ Харханова Г.С. Интерактивные методы обучения как средство формирования мотивации конфликта у школьников: дис. ... канд. пед. наук. – Калининград: 1999. – С. 25.

қўлланиладиган интерфаол методлар; 3) “ўқувчи – ўқув дарслиги – ўқув қўлланма” ўртасида қўлланиладиган интерфаол методлар.

Интерфаол методларни уларнинг назарий ва амалий йўналтирилганлиги, тури ва характеридан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин

(3-жадвал):

3-жадвал

Интерфаол методларнинг таснифи

| I. Турига кўра: | | | | | | |
|-----------------------|--------------|-------------------------|-----------|---------|-------------------|-----------|
| Интерфаол метод | | Фаол ўқитиш стратегияси | | | График органайзер | |
| II. Характерига кўра: | | | | | | |
| Таҳлилий | Коммуникатив | Ижодий | Имитацион | Тренинг | Тадқиқий | Баҳоловчи |

Жадвалда келтирилганидек, турига кўра интерфаол методлар метод, таълим стратегияси ва график органайзер тарзида уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Улар қуйидаги жиҳатларига кўра бири-биридан фарқланади:

1. Интерфаол метод – таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро мулоқоти, улар ўртасида юзага келадиган интерфаоллик асосида аниқ таълимий мақсадга эришиш йўли, усули. Бу гуруҳдаги интерфаол методларни қўллашда аниқ таълимий мақсад кўзланади. Масалан, “Блиц-сўров” методи қўлланилганда мақсад ўқитувчи томонидан берилган қисқа, аниқ саволга талабаларнинг қисқа, лўнда, аниқ жавоб қайтаришига эришишдир.

2. Фаол ўқитиш стратегияси (юн. “strategiya” < “stratos” – қўшин + “ago” бошлаб бораман) – натижа бевосита талабаларнинг тайёргарлик, билим ва фаоллик даражаси, улар ўртасида ўзаро мулоқот, интерфаоллик асосида таъминланадиган, шу боис самарадорликка эришишни аввалдан башоратлаш имконини бермайдиган интерфаол методлар.

Аксарият ҳолатларда “таълим стратегияси” тушунчаси “фаол ўқитиш стратегияси” атамасининг муқобили сифатида қўлланилади. Аммо бундай ёндашиш тўғри эмас. Бинобарин, “таълим стратегияси” тушунчаси фаол ўқитиш стратегияси” атамасига нисбатан кенг маънони ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, таълим стратегияси – узлуксиз таълим тизими ёки унинг муайян босқичи (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, қўшимча таълим)да амалга ошириладиган стратегик (узок муддатли) мақсадларни амалга

оширишга қаратилган педагогик ҳаракатларнинг режаси бўлиб, у таълим соҳасидаги “устувор стратегик вазифаларни, ресурсларни ва стратегик мақсадларга эришиш босқичларининг изчиллигини белгилаб беради”⁵¹.

Таълим стратегиясининг вазифаси “асосий мақсадга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш”⁵² дан иборат. “Ҳаракат воситаси сифатида стратегия, айниқса, ресурслар етарли бўлмаган вазиятларда асосий мақсадга тўғридан тўғри эришиш талаб этилганда ниҳоятда зарур”⁵³ дир.

ОТМда фаол ўқитиш стратегия қўллашда педагогнинг асосий вазифаси талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини йўналтириш, жуфтлик ёки кичик гуруҳларни ўрганилаётган масала бўйича оригинал ечимларни таклиф этишга рағбатлантириш, зарур ўринларда методик маслаҳатлар бериш, муҳокамалар жараёнида ечимлар юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштиришдан иборат.

Фаол ўқитиш стратегияси педагогик жамоатчиликка талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини таъминлаган ҳолда ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва муваффақиятли бошқариш имконини берувчи педагогик ҳаракат режаси ёки ўқув модели бўлиб хизмат қилади. Бу турдаги ўқитиш стратегиясида қуйидаги тамойилларнинг устуворлиги таъминланади: “фаол ва ўз-ўзини бошқарувчи ўқитиш; талабаларнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда тадқиқотчилик амалиётини олиб бориш малакаларига таяниш; рефлексивликка йўналтирилганлик; ўқитиш жараёнидаги интерфаоллик ва кооперация (кўплаб талабаларнинг ўқув муаммоларини ечишда иштироки)”.

Бошқа таълим методлари каби фаол ўқитиш стратегияси ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Улар: “педагог ва талабанинг субъект-субъект муносабатларига асосланганлик; ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаётган билимларни лойиҳалаш; ўз-ўзини баҳолаш ва қайтар алоқадан фойдаланиш; талабаларнинг фаоллигига таяниш”.

ОТМда фаол ўқитиш стратегияларини қўллаш қуйидаги натижаларга эришиш учун шароит яратади: “талабалар томонидан билимларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлайди; таълим

⁵¹ Понятие стратегии. Классификация стратегий. Выбор стратегии // <http://www.ereport.ru/articles/strplan/strategy.htm>.

⁵² Стратегия // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Стратегия>.

⁵³ Стратегия // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Стратегия>.

олувчиларнинг мотивациясини ривожлантиради; ўқитиш жараёнига индивидуал ёндашишга имкон беради; ўқув гуруҳларида ижтимоий-психологик тўсиқларни бартараф этади ва ўзаро ҳамкорликни қарор топтиради; ўқув жараёнининг мазмунини педагогнинг ахборот-методик малакаси ҳисобига эмас, балки талабанинг интеллектуал ресурслари ҳисобига такомиллаштиради; талабаларни ўқув стандартлари бўйича ажратилган вақт, сусткашликлари нуқтаи назаридан талабаларни танг аҳволга солмаган ҳолда муҳокама қилинаётган масалаларнинг улар томонидан чуқур англанишига ёрдам беради”.

3. График органайзер – ўзининг график (визуал) кўринишига эга интерфаол методлар бўлиб, улар ёрдамида талабалар ўқув материали ёки унинг муайян қисмига оид маълумотларни яхлит ёки қисман кўргазмали тарзда ифодалайди. Бошқача айтганда, график органайзерлар “ўқув ахборотларини ёдда сақлаш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш ёки қўллашда самарадорликка эришиш учун уларни қоғоз варағи ёки компьютер экранида ёритиш”га ҳамда билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш жараёнини осонлаштиришга хизмат қилади.

Кўп ҳолатларда таълим жараёнида қўлланиладиган график органайзерлар метод эмас, балки педагогик восита ёки усул сифатида ҳам эътироф этилади. Масалан, график органайзерлар “билим, тушунча, фикр ёки ғояларни, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларни ифодалаш учун фойдаланиладиган визуал рамзлардан иборат педагогик восита”. Ёки график органайзерлар “йирик ҳажмдаги ахборотларни мантиқийлик асосда тартиблаштиришнинг тасвирий усули” бўлиб, улар талабаларга “мураккаб маълумотларни образли асосда осон тушуниш учун схема тарзида тақдим этилади”.

Айни ўринда ушбу ёндашувни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

График органайзерларга:

1) педагогик восита сифатида ёндашишнинг сабаби вақтни тежаш, талабаларнинг асосий эътиборини таҳлил қилинаётган масалага қаратиш мақсадида график органайзерлар уларнинг эътиборига иш қоғози шаклида тақдим этилади; иш қоғозлари эса ўз моҳиятига кўра восита саналади;

2) “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” ўқув фанидан “Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари” мавзусини ўрганишда

талабаларнинг эътиборига иш қоғози сифатида “Венн диаграммаси” қуйидагича тақдим этилади:



2) “усул” сифатида ёндашишнинг сабаби улар аниқ таълимий мақсадга эришиш жараёнида эпизодик тарзда қўлланилади (зеро, усулнинг методдан фарқи унинг эпизодик жиҳатдан қўлланишидир).

ОТМда график организаерлардан фойдаланиш ҳам муайян натижаларни

қўлга киритишга ёрдам беради. Яъни: “визуал, шунингдек, матн шаклида бўлишидан қатъий назар маълумотларни ёдда сақлашни яхшилайти; ўқилганларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради; ўзлаштириш, хусусан, таълим олишда қийинчиликларга дуч келадиган талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини оширади; талабаларнинг танқидий фикрлаш малакаларини мустаҳкамлайди”; “танқидий таҳлил, таққослаш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, ҳодисаларни таснифлаш, мантиқий ва танқидий мушоҳада юритиш, асар юзасидан хулосалар чиқариш... малакаларини ривожлантиради”.

Сўнгги йилларда интерфаол таълим технологияларини бир неча тур ва гуруҳларга бўлиб ўрганиш анъанаси шаклланмоқда.

Қандай тур ва характерда бўлишидан қатъий назар интерфаол методлардан жуфтликда, кичик гуруҳ ва катта гуруҳда қўллай имконияти мавжуд.

Турига кўра ажратилган интерфаол методларнинг гуруҳларига қуйидаги методлар мисол бўла олади (4-жадвал):

4-жадвал. Турига кўра ажратилган интерфаол методларнинг гуруҳларига мансуб методлар

| № | Гуруҳлар | Уларга тааллуқли методлар |
|----|-------------------------|--|
| 1. | Метод | “Баҳс-мунозара”, “Барча омилларни ҳисобга ол!” (Боҳо), “Давра столи”, “Дебат”, “Блиц сўров”, “Кейс-стади” (ёки ўқув кейслари), “Савол-жавоб”, “Сухбат”, “Моделлаштириш”, “Ялпи фикрий ҳужум” ва бошқалар |
| 2. | Фаол ўқитиш стратегияси | “Ажурли арра”, “Асалари галаси”, “АЖИЛ” (Амалий жамоавий ижодий лойиҳалар), “Ақлий ҳужум”, “Баҳс-мунозара”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Гугурт доналари”, “Дельфи”, “Елпиғич”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, Имак (“Ишонтириш мактаби”), КБИ (“Кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш”), “Кичик эссе”, “Мантиқий чалкаш занжир”, “Музёра”, “Синквейн”, “Скарабей”, “Синдикат”, “ФСМУ” (фикр, сабаб, муносабат, умумлаштириш), “Ягона давра”, “6x6x6” ва ҳоказолар |
| 3. | График органайзер | “Балиқ скелети”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Концептуал жадвал”, “Кубик”, “Нима учун?”, “Нилуфар гули”, “SWOT-таҳлил” (кучли жиҳат, кучсиз жиҳат, имконият, таҳдид), “Т-жадвал”, “Тоифалаш”, “Қандай?”, “Қарорлар шажараси” ва бошқалар |

Характерига кўра гуруҳланган интерфаол методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (5-жадвал):

5-жадвал


Характерига кўра ажратилган интерфаол методларнинг гуруҳларига мансуб методлар

| № | Гуруҳлар | Уларга мансуб методлар |
|----|--------------|---|
| 1. | Таҳлилий | “Аквариум”, “Балиқ скелети”, “Барча омилларни ҳисобга ол!”, (БОҲО), “Бешинчиси ортикча”, “Венн диаграммаси”, “Галерея”, “Елпиғич”, “Инсерт”, “Кластер”, “Концептуал жадвал”, “Кубик”, “Мантиқий чалкаш занжир”, “Нима учун?”, “Нилуфар гули”, “SWOT-таҳлил” (кучли жиҳат, кучсиз жиҳат, имконият, таҳдид), “ФСМУ” (фикр, сабаб, муносабат, умумлаштириш), “Т-жадвал”, “Тоифалаш”, “Қандай?”, “Қарорлар шажараси”, “Қарама-қарши муносабат”, “Кейс-стади” (ёки ўқув кейслари) ва ҳоказолар |
| 2. | Коммуникатив | “Ажурли арра”, “Асалари галаси”, “Ақлий ҳужум”, “Ялпи фикрий ҳужум”, “Музёра”, “Ягона давра” ва бошқалар |
| 3. | Ижодий | “Бумеранг”, “Кичик эссе”, “Зиг-заг”, “Муносабат”, “Мусбат, манфий, қизиқарли” (ММК), “Моделлаштириш”, “Олтита фикрловчи қалпоқча”, “Ротация”, “САД” (учлик – самарали, ахлоқий, дидли), “Синдикат”, “Скарабей”, “Ташвиқот гуруҳи”, “Чархпалак” ва ҳоказолар |
| 4. | Имитацион | Дидактик, интеллектуал, ролли, ишбилармон ва компьютер ўйинлари |
| 5. | Тренинг | “Мулоқот”, “Имак” (“Ишонтириш мактаби”, “КБИ” (Кузатиш, баҳслашиш, ишонтириш) ва бошқалар |
| 6. | Тадқиқий | “АЖИЛ” (Амалий жамоавий ижодий лойиҳалар), кичик тадқиқот, лойиҳа, “Синквейн” ва ҳоказолар |
| 7. | Баҳоловчи | “Блиц сўров”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ), “Гугурт доналари”, “Дельфи”, “Зинама-зина”, “Кунгабоқар”, “Юмалоқланган қор”, “Портфолио” ва бошқалар |

Айни ўринда “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” ўқув фани⁵⁴ни ўқитишда интерфаол методлар (интерфаол метод, ўқитишнинг фаол стратегиялари, график органайзерлар)дан фойдаланишга оид мисоллар келтирилади.

1. “Давлат бошқарувининг назарий-методологик асослари” мавзусини ўрганишда “**Барча омиллари ҳисобга ол!**” (БОҲО) методидан фойдаланиш самарали саналади. Бунинг учун педагог талабаларга давлат моҳиятини ифодаловчи асосий ва қўшимча белгиларни баён этиш топшириғини беради. Сўнгра ижодий ёндашган ҳолда талабаларнинг эътиборига қуйидаги шаклдаги (ёки ўзи мустақил шакллантирган вариантдаги) иш қоғозини тақдим этиши мумкин:


Давлат моҳиятини ифодаловчи белгилар
Иш қоғози



Талабалар академик гуруҳ аъзоларининг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда жуфтликда, кичик гуруҳларда топширикни бажаради. Муҳокамалар жараёнида жуфтлик ёки кичик гуруҳнинг ечимлари билан танишгандан сўнг педагог ўзининг қуйидаги вариантдаги ечимини тақдим этади. Бундан кўзланган мақсад – талабаларга мустақил равишда ўз-ўзини баҳолаш, йўл қўйилган хатоларни аниқлаш, камчиликларни бартараф қилиш имкониятини яратишдан иборат. Педагогнинг ечими қуйидагича:

⁵⁴ “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” ўқув фанидан ЎУМ / Тузув.: Х.К.Боймирзаев. – Наманган: Наманган ДУ, 2020. – 320 б.

Давлат моҳиятини ифодаловчи белгилар



2. “Давлат бошқарувининг назарий-методологик асослари” мавзусини ўрганишда **“Тоифалаш” график органайзерини** қўллаш ҳам кутилган натижани таъминлайди. Бунда педагог талабаларга тоифавий ёндашув асосида илк (қадимги) бошқарув тизимида давлатнинг асосий функцияларини белгилашдан иборат ўқув топшириғини беради. Ушбу топширикни бажариш учун талабалардан иборат жуфтлик, кичик ёки катта гуруҳларга қуйидаги иш қоғозини тақдим этади:

Илк (қадимги) бошқарув тизимида давлатнинг асосий функциялари (иш қоғози)

| № | Асосий функциялар | Вазифалар |
|----|-----------------------|-----------|
| 1. | Иқтисодий функция | |
| 2. | Ижтимоий функция | |
| 3. | Ҳарбий-сиёсий функция | |
| 4. | Худудий функция | |

Ечимлар юзасидан ташкил этилган муҳокамалардан сўнг педагог ўз вариантини тақдим этади. Яъни:

Илк (қадимги) бошқарув тизимида давлатнинг асосий функциялари

| № | Асосий функциялари | Вазифалар |
|----|-----------------------|--|
| 1. | Иқтисодий функция | Дехқончилик ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш; жамоа хўжаликларида ер, сувни тақсимлаш; қурилиш ва суғориш ирригация ишларини йўлга қўйиш; қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш; маҳсулот айирбошлаш, савдо-сотик алоқаларини ташкил этиш шулар сирасига киради |
| 2. | Ижтимоий функция | Жамоаларда ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш; мунозарали масалаларни ҳал қилиш; жамоанинг ички муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш; жамоанинг ташқи муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш |
| 3. | Ҳарбий-сиёсий функция | Ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш; ҳарбий қўшинларни ташкил этиш; воҳалар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш; туман ва воҳалар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш; мунозарали масалаларни ҳал қилиш |
| 4. | Худудий функция | Воҳа, туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ жамоаларини назорат қилиш ва бошқариш; туман аҳолиси (бир неча қишлоқ жамоалари)ни назорат қилиш ва бошқариш; вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ва бошқариш |

3. Тадқиқотни олиб бориш даврида диссертант томонидан интерфаол характердаги фаол ўқитиш стратегияси ҳам асосланди. Ушбу стратегия “**Визуал хронотоп**” деб номланиб, у “вақт-макон” тамойили бўйича муайян тарихий жараён моҳиятини ёритишга хизмат қилади. “Визуал хронотоп” стратегияси ўзининг моҳиятига кўра талабаларни кичик гуруҳларда ўқув топшириғи юзасидан ечимларни топиш, мантиқий ва ижодий фикрлашга йўналтириш имкониятига эга. Тадқиқотни олиб бориш чоғида мазкур стратегиядан “Ўзбекистонда илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” мавзусини ўрганишда фойдаланилди.

Стратегиядан фойдаланишда қуйидагича йўл тутилди: талабалар академик гуруҳнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда иккита катта гуруҳларга ажратилди; гуруҳларнинг ҳар бирига бир хил мазмундаги, аммо, алоҳида-алоҳида тарихий жараёнларнинг моҳиятини ёритишдан иборат ўқув топшириғи берилди; гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилгач, муҳокама ташкил этилиб, рақиб гуруҳлар бир-бирларининг ечимларини ўзаро баҳолади; педагог билдирилган фикрлар ва ўзининг шахсий ёндашуви асосида гуруҳларнинг ишига яқуний баҳо берди.

Ўқув топшириғи: Жанубий Ўзбекистон худудида кечган энг қадимги

ўтроқ деҳқончилик жараёнларининг умумий моҳиятини ёритиш:

1-гуруҳ: Сополли босқичи.

2-гуруҳ: Жарқўтон босқичи.

Гуруҳларга қуйидаги иш қоғозлари тақдим этилди:

**Жанубий Ўзбекистон худудида кечган энг қадимги
ўтроқ дехқончилик жараёнларининг умумий моҳияти
1-гурух**

| Жараён босқичи | Вақти | Макони | Тузилиши | Асосий объектлари | Хўжалик фаолияти | Умумий маданий бирлик номи |
|--|-------|--------|----------|-------------------|------------------|----------------------------|
| Сополли босқичи (Сополли маданияти; Дашли маданияти) | | | | | | |

2-гурух

| Жараён босқичи | Вақти | Макони | Тузилиши | Асосий объектлари | Хўжалик фаолияти | Бошқарув шакли |
|------------------|-------|--------|----------|-------------------|------------------|----------------|
| Жарқўтон босқичи | | | | | | |

Тажриба гуруҳларида бажарилган ушбу ўқув топшириғи юзасидан гуруҳлар томонидан қуйидаги ечимлар тақдим этилди:

**Жанубий Ўзбекистон худудида кечган энг қадимги
ўтроқ дехқончилик жараёнларининг умумий моҳияти
1-гурух**

| Жараён босқичи | Вақти | Макони | Тузилиши | Асосий объектлари | Хўжалик фаолияти | Маданий бирлик номи |
|--|--------------------------|--|--|--|--|----------------------------------|
| Сополли босқичи (Сополли маданияти ; Дашли маданияти) | Мил.ав. 1700-1500 йиллар | Амударё -нинг ўнг қирғоғи (Ғарбий қисмида) | Икки қисмли тузилиш: 1) мустақкам марказий қисм; 2) унинг атрофида мустақкамлан-маган маскан | Катта бўлмаган майдон; марказлашган, йўлаклари билан ажралиб туради-ган 8 та кўп хонали турар-жой; бўлма (отсек)-лари бўлган ҳимоя деворлари | Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик (кулолчилик, металлга ишлов бериш) | Намозгоҳ тарихий-маданий бирлиги |

2-гурух

| Жараён босқичи | Вақти | Макони | Тузилиши | Асосий объектлари | Хўжалик фаолияти | Бошқарув шакли |
|------------------|--------------------------|---|--------------------|--|--|-------------------------|
| Жарқўтон босқичи | Мил.ав. 1500-1350 йиллар | Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқаси | Бир қисмли тузилиш | Арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон | Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик (кулолчилик, металлга ишлов бериш) | Беқарор сиёсий бирлашма |

4. “Морфологик кути” график органайзерини ҳам “Давлат бошқарувининг назарий-методологик асослари” мавзусини ўрганишда самарали қўллаш мумкин. Метод ёрдамида талабалар томонидан “Давлат бошқарувининг назарий-методологик асослари” мавзусининг ягона жадвалда аниқ, равшан баён этилишига эришилади. Педагог талабалар кичик ёки катта гуруҳларда топшириқни давлат бошқарувининг умумий моҳиятини тўлақонли ёрита олишлари учун педагог аввалдан иш қоғозини тайёрлайди.

Талабаларга топшириқ берилганидан сўнг педагог қуйидаги шаклдаги иш қоғозини тақдим этиши мумкин:

Давлат бошқарувининг умумий моҳияти (иш қоғози)

| | | | |
|---|--|--|--|
| I. Давлатнинг белгилари | | | |
| A. Асосий белгилар | | | |
| | | | |
| B. Қўшимча белгилар | | | |
| | | | |
| II. Давлатнинг асосий функциялари | | | |
| | | | |
| III. Давлатнинг асосий бошқарувчилик вазифалари | | | |
| | | | |
| | | | |
| IV. Давлат бошқарувининг асосий тизимлари | | | |
| | | | |
| V. Ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан давлат бошқаруви шакллари | | | |
| | | | |
| VI. Мулк шаклларида фойдаланиш мезонларига кўра бошқарув турлари | | | |
| | | | |
| VII. Давлат тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар турлари | | | |
| | | | |
| VIII. Давлат бошқарувидаги ваколатларнинг турлари | | | |
| | | | |
| IX. Бошқарув фаолиятининг ҳуқуқий асослари | | | |
| | | | |
| X. Муваққат ҳаракат меъёрларининг миқёсига кўра бошқарув турлари | | | |
| | | | |

Тадқиқотни олиб бориш даврида тажриба гуруҳларида иккита катта гуруҳда талабалар томонидан “Морфологик кути” методини қўллаш асосида “Давлат бошқарувининг назарий-методологик асослари” мавзуси бўйича давлат бошқарувининг умумий моҳияти визуал шаклда ёритилди:

Давлат бошқарувининг умумий моҳияти
Топшириқнинг бажарилиши (намуна)

| | | | | | |
|---|----------------|---|---|-----------------------------------|---|
| I. Давлатнинг белгилари | | | | | |
| A. Асосий белгилар | | | | | |
| Худуд | Ҳокимият | Аҳоли | Мустақиллик | Солиқ тизими | Давлат рамзлари |
| B. Қўшимча белгилар | | | | | |
| Миллий тил | Қуролли Кучлар | Қонунларни яратиш | Ташқи сиёсат | Ички Сиёсат | Ижтимоий-маданий, иқтисодий инфратузилма |
| II. Давлатнинг асосий функциялари | | | | | |
| Иқтисодий функция | | Ижтимоий функция | | Ҳарбий-сиёсий функция | Худудий функция |
| III. Давлатнинг асосий бошқарувчилик вазифалари | | | | | |
| Раҳбарлик | | Мувофиқлаштириш | | Ташкил этиш | Назорат |
| Социумни сақлаш ва ривожлантириш юзасидан қарорлар қабул қилиш | | Давлатнинг тузилиши ва фаолиятини тартибга келтириш | | Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш | Фуқароларнинг ижтимоий фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратиш |
| IV. Давлат бошқарувининг асосий тизимлари | | | | | |
| Бошқарувчи тизим | | Бошқариладиган тизим | | Ўзаро ҳамкорлик тизими | |
| V. Ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан давлат бошқаруви шакллари | | | | | |
| Субординация | | | Мувофиқлаштириш | | |
| VI. Мулк шаклларида фойдаланиш мезонларига кўра бошқарув турлари | | | | | |
| Федерал бошқарув | | Минтақавий Бошқарув | | Муниципал Бошқарув | Хусусий (корпоратив) бошқарув |
| VII. Давлат тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар турлари | | | | | |
| Моддий (бошқарув) характерга эга ҳуқуқий муносабатлар | | | Процессуал (бошқарув қоидаларини тартибга солувчи) ҳуқуқий муносабатлар | | |
| VIII. Давлат бошқарувидаги ваколатларнинг турлари | | | | | |
| Вазифа-ваколатлар | | | Идоравий ваколатлар | | |
| IX. Бошқарув фаолиятининг ҳуқуқий асослари | | | | | |
| Буйруқ-кўрсатма | | Тақиқлаш | | Ижозат | |
| X. Муваққат ҳаракат меъёрларининг миқёсига кўра бошқарув турлари | | | | | |
| Стратегик бошқарув | | Тактик бошқарув | | Тезкор бошқарув | |

6. Тажриба-синов ишлари “Авесто” – давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба” мавзусини ўрганишда “**Идрок харитаси**” график органайзер⁵⁵ дан фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди. Бунда қуйидагича йўл тутилди: гуруҳ талабалари умумий сондан келиб чиққан ҳолда иккита гуруҳга бириктирилди; гуруҳларга бир хил мазмун ва характердаги ўқув топшириғи берилиб, уни бажаришда вақтни тежаш мақсадида педагог томонидан тайёрланган иш қоғози тақдим этилди; топшириқнинг бажарилиши учун вақт ҳажми белгиланди; гуруҳлар

⁵⁵ 10 лучших методов генерирования идей // <https://4brain.ru/blog/методы-генерирования-идей>.

томонидан ўқув топшириғи бажарилди; белгиланган вақт якунига етгач, ҳар икки гуруҳнинг ечими муҳокама қилинди; муҳокама жараёнида ечимларнинг камчиликлари аниқланиб, бартараф қилинди; жараёнга якун ясади.

Б.Эшов муаллифлигида 2012 йилда “Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи” фанидан яратилган дарслик⁵⁶да ОТМда “Авесто” – давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба” мавзусини ўрганиш учун қуйидаги режа таклиф этилган: 1. Заратуштра ва зардуштийлик. 2. “Авесто”да ижтимоий тизим ва сиёсий ғоялар. 3. “Авесто”да ҳуқуқий тартиб.

Тадқиқотни олиб боришда ушбу мавзу бўйича ташкил этилган маъруза машғулоти Б.Эшов томонидан таклиф этилган ўқув режага асосланган ҳолда ўтказилди. Шу боис машғулотда тажриба гуруҳининг талабалари ушбу ўқув режаси асосида амалий топшириқларни бажаришга жалб этилди.

Машғулотнинг мавзуси, кичик гуруҳларга бериладиган ўқув топшириқлари, уларни бажариш учун тавсия этиладиган интерфаол метод (“Идрок харитаси”) ҳақида талабалар “Авесто” – давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба” мавзусини ўрганишга йўналтирилган маъруза машғулоти жараёнининг якуний босқичида аввалдан огоҳлантирилди. Огоҳлантиришдан мақсад талабаларнинг аввалдан ўзаро кичик гуруҳларга бириккан ҳолда “Авесто”нинг умумий, зардуштийлар давлатини бошқариш ҳамда “Авесто”нинг маънавий-ҳуқуқий асосини ёритишга хизмат қилувчи таянч тушунчаларни тизимлаштиришларига эришиш эди.

Маъруза машғулотининг ушбу қисмида талабаларга “Идрок харитаси” методи, унинг дидактик имконияти тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилди:

1974 йилда англиялик психолог Тони Бьюзен томонидан асосланган “**Ментал харита**” (ёкм бизда кенг оммалашган номи “**Идрок харитаси**” ГОнинг асосий моҳияти ўрганилаётган мавзу бўйича таянч тушунчаларни тизимлаштириш ва муайян белгилари, моҳиятига кўра гуруҳлаштиришдан иборат. Бир қарашда ушбу метод “Кластер” график органайзерига ўхшайди. Аммо, улар ўртасидаги энг муҳим фарқ – таянч тушунчаларнинг кластерлар ёки

⁵⁶ Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Т.: Университет, 2012. – 120-131-б.

йўналиш чизиқлари (“шоҳлар”; хаританинг йўналишини белгиловчи чизиқлар) ёрдамида ифодаланиши саналади.

Моҳиятига кўра, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”)ни “чизиш” янги ассоциацияларнинг юзага келишига имкон яратади, ҳосил бўлган умумий образ эса муаммо моҳиятини ифодаловчи тушунчаларнинг узоқ вақт ёдда сақланишига ёрдам беради.

Таълим жараёнида “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) график органайзеридан фойдаланиш қуйидаги натижаларни кафолатлайди: ўқувчилар фикрлашга ўрганади; уларда таҳлил қилиш қобилияти шаклланади (ривожланади); ўқувчилар мавжуд билимларни тизимлаштиришга ўрганади.

Амалий машғулотда қуйидаги босқичларда ташкил этилади: 1-босқич. Педагог томонидан аввалдан (“Авесто”нинг умумий асосини визуал ёритиш; Зардуштийлар давлат бошқарувининг асосларини визуал тавсифлаш; “Авесто”нинг маънавий-ҳуқуқий асосини визуал ифодалаш каби) ўқув топшириқлари шакллантирилди. 2-босқич. Академик гуруҳнинг жами талабалари тенг миқдорда учта кичик гуруҳга бириктирилди. 3-босқич. Ҳар бир кичик гуруҳ маъруза машғулотида ўзига топширилган мавзу бўйича тайёрланган ўқув лойиҳасини тақдим этди. 4-босқич. Барча кичик гуруҳлар томонидан ўқув лойиҳасининг тақдимоти яқунланган барча ишланмалар умумий тарзда муҳокама қилинди. 5-босқич. Кичик гуруҳларнинг ишлари (ўқув лойиҳалари) баҳоланди ва энг яхши лойиҳа аниқланди. 6-босқич. Педагог раҳбарлигида кичик гуруҳларнинг лойиҳалари қайта кўриб чиқилиб, мукаммаллаштирилди. 7-босқич. Амалий машғулотга яқун ясалди.

Кичик гуруҳларга қуйидаги ўқув топшириғи берилади:

1-гуруҳ: “Авесто”нинг умумий асосини визуал ёритиш;

2-гуруҳ: Зардуштийлар давлати бошқарувининг асосларини визуал тавсифлаш;


3-гуруҳ: “Авесто”нинг маънавий-ҳуқуқий асосини визуал ифодалаш.

Амалий машғулотнинг якунида кичик гуруҳлар томонидан бажарилган ва мукаммаллаштирилган ўқув лойиҳалари қуйидаги кўринишга эга бўлди:


“Авесто”нинг умумий асоси (1-гурух)



Зардуштийлар давлати бошқарувининг асослари (2-гурух)



“Авесто”нинг маънавий-ҳуқуқий асоси (3-гуруҳ)



6. Тажриба-синов ишлари “Ўрта Осиёда Аҳамонийлар даври бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар)” мавзусини ўрганишда “Тезис-органайзер” ГОни қўллаш самарали деб топилди. “Тезис-органайзер” ГО диссертант томонидан асосланди. ГОнинг мақсади: ҳажм жиҳатдан йирик бўлган ўқув материални қисқа тезисларда визуал ифодалаш орқали унинг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун шароит яратишдан иборат. “Тезис-органайзер” ГОнинг дидактик имконияти талабаларда мавзуга доир таянч тушунчаларни умумлаштириш, уларни муайян белгилари орқали гуруҳлаштириш йирик ҳажмли ўқув ахборотини қисқа маълумотнома кўринишига келтириш малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда кўзга ташланади. Жумладан, “Ўрта Осиёда Аҳамонийлар даври бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар)” мавзусини ўрганишда “Тезис-органайзер” моҳиятини қуйидаги ГО (иш қоғози)да ёритиш мумкин:

Аҳамонийлар давлати бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар) (иш қоғози)

| Муҳим белгилар | Таркибий тузилмаси, моҳияти |
|-----------------------------|-----------------------------|
| Олий ҳокимият | |
| Худуди | |
| Худудий бўлиниш | |
| Сатрапнинг яшаш макони: | |
| Кўшин таркиби: | |
| Кўшин қисмлари: | |
| Кўшин раҳбарлари: | |
| Ҳарбий қисмлар | |
| Манзилгоҳлар ва меъморчилик | |
| Солиқ тизими | |
| Дехқончилик | |
| Чорвачилик | |
| Савдо-сотик | |
| Қишлоқ хўжалик | |
| Тасвирий санъат | |

Таълим жараёнида “Тезис-органайзер” ГОни қўллаш ҳам бир неча босқичда амалга оширилади. Хусусан: академик гуруҳнинг талабалари уларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда иккита катта гуруҳга бириктирилди; гуруҳларга бир хил мазмун ва характердаги ўқув топшириғи берилди; топшириқни бажаришда вақтни тежаш мақсадида педагог томонидан тайёрланган иш қоғози тақдим этилди; топшириқнинг бажарилиши учун вақт ҳажми белгиланди; гуруҳлар томонидан ўқув топшириғи бажарилди; белгиланган вақт якунига етгач, ҳар икки гуруҳнинг ечими муҳокама қилинди; муҳокамалар жараёнида ечимларнинг камчиликлари аниқланиб, бартараф қилинди; педагогик жараёнга яқун ясади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тажриба гуруҳларининг талабалари кичик гуруҳларда томонидан “Аҳамонийлар давлати бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар)” мавзусида бўйича қуйидаги “Тезис-органайзер” Гуруҳларга тақдим этилди (намуна):

Аҳамонийлар давлати бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар)

ИШ ҚОҒОЗИ

| | |
|-----------------------------|--|
| Олий ҳокимият | Шаҳаншоҳ; хазарпат (минг боши), дапирпант (мирзо боши) |
| Худуди | Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Миср |
| Худудий бўлиниш | 20 та маъмурий-қарам сатрапиялар (шаҳаншоҳ ноиблари) Парфия, Гиркания, Орийлар ўлкаси, Хоразм ва Сугдиёна – 1 та сатрапия |
| Сатрапнинг яшаш макони: | Шаҳаншоҳ саройи ва марказий бошқарув аппарати: иккита ёрдамчиси, девонхонаси ва мирзалари: худуднинг бош қозиси |
| Қўшин таркиби: | 1. “Ўлмас” полк (10 минг қўшиндан иборат армия) 2. Пиёда қўшинлар; 3. Отлик суворийлар; 4. Сатрапиялар қўшинлари; 5. Юнон ёлланма қўшинлари; 6. Кўнгиллилар қўшинлари |
| Қўшин қисмлари: | 10 кишилик қисм (қисм раҳбари – бошлик) 100 кишилик қисм (қисм раҳбари – бошлик) 1000 кишилик қисм (қисм раҳбари – бошлик) 10000 кишилик қисм (қисм раҳбари – бошлик) Мажбурий ҳарбий хизмат |
| Қўшин раҳбарлари: | Олий бош қўмондон – шаҳаншоҳ Хазарпат-мингбоши |
| Ҳарбий қисмлар | Ҳарбий округ 4 та Ҳарбий гарнизон 1 йилда 1 марта қўшинларни кўриги |
| Солиқ тизими | Сатрапиялар бўйича солиқ миқдори кумуш талант (30 кг кумушга тенг) солиқ шакли пул солиғи ва маҳсулот Доро I даврида жорий қилинган ягона олтин дарик тартиби - 8,4 г; 1 дона дарик оғирлиги 5,6 г. 1 дона дарик 20 та кумуш тангага тенг зарб этиш олтин дарик подшо томонидан, кумуш тангалар айрим вилоятлар ҳукмдорлари томонидан Сунъий қўллардан - солиқ – сув пули |
| Манзилгоҳлар ва меъморчилик | Манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарлар меъморчилиги Кўҳна шаҳар – Марвдаги Говурқалъа Говурқалъа ўлчамларининг йиғиндиси 7,5 км. га тенг Марвнинг маркази Эрқалъа истехкоми Истехком баланд лой девор билан ўралган Ёздепа Елкендепе ҳаробаларининг узунлиги 500 метр, эни 300 метрга яқин Мустаҳкам девор Марказда истехком Сарой Қалъалиқир I Кўзалиқирнинг узунлиги 1000 метр, эни эса 500 метрдан зиёд Динғилжа яқинидаги манзилгоҳ 2600 кв. м. майдон 17 та хона Ерқўрғон 3 гектар бўлган алоҳида қалъа қўрғон (Сангиртепа) |
| Дехқончилик | Мавсумий табиий суғориш ўрнига сунъий суғориш Йирик магистрал каналлар Янги ерлар ўзлаштириш Дастлабки коризлар (ер ости суғориш каналлари) |
| Чорвачилик | Кенг ривожланган ҳунармандчилик Сопол ҳунармандчилиги Цилиндрсимон ва цилиндр конуссимон идишлар Кам ривожланган тўқимачилик, тошга ишлов бериш, суякни қайта ишлаш Темир буюмлар |
| Қишлоқ хўжалик | Ҳарбий бошпана вазифасини бажарувчи ва майдони 34-70 гектар бўлган |

| | |
|-----------------|--|
| | <p>йирик қалъалар (Ерқўрғон, Ўзунқир) Пахса – хом ғиштлари бўлмаган ҳамда майдони 2 гектаргача бўлган ярим ертўла ва ертўлалардан иборат қалъалар (Кўрғонтепа, Сомонтепа, Кўзатепа, Тўртбурчактепа ва бошқалар); Табиий-географик қурилишларга асосланиб, алоҳида турар-жойларга эга бўлган манзилгоҳлар (Даратепа, Қоровултепа) Қишлоқ уй-қўрғонлари (Саройтепа, Шўроб, Чоштепа) Хўжанд ва унинг ва трофларидан (ўрта асрлардаги Уструшона) Ширин, Муғтепа (Ўратепа шаҳрида) ва Нуртепа (Ўратепа шаҳридан шимолроқда) Кўхна шаҳарлардан ҳам аниқланган. (Қизилча), йирик манзилгоҳлар (Бандихон II), мураккаб мудофаа-режавий тузилишга эга кўрғонли шаҳарлар (Қизилтепа) пайдо бўлади. Бандихон II қалъа ва қалъанинг шимоли-шарқий томонида жойлашган мустақамланмаган манзилгоҳдан иборат. Поштепа Эйлатон кўхна шаҳри, Октом, Кунгай ва Ниёзботир</p> |
| Тасвирий санъат | <p>«Амударё хазинаси» (ёки «Окс хазинаси»)даги, Тахтисангин кўхна шаҳри (Окс ибодатхонаси) баъзи топилмалари, Помир ва Оролбўйи сақлари мазор-қўрғонларидаги бронза буюмлар ҳамда Фарғона сополлари Олтин пластинкалардаги нақшлар «Амударё хазинаси» дан 50 дан зиёд Тахтисангиндан 3 та Қадимги Чоч худудларида дастасида қуш бошининг нақши бор қуйма Бронза пичоқ «Скиф-сибир услуби» ёдгорликларидан Помир ва Оролбўйи мазор-қўрғонларида от-улов анжомлари, қуйма бронза қозонлардаги тасвирлар, ханжар дастасидаги турли тасвирлар Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари: Ўзунқир, Ерқўрғон, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Афросиёб, Хўжа Бўстон каби 50 дан зиёд кўхна Шаҳар ва манзилгоҳлар Хоразм иншоотлари</p> |
| Савдо-сотик | <p>Савдо алоқалари Ташқи савдо Кичик Осиёдаги Эфес шаҳридан Бактрияга, ундан Ҳиндистонга кетувчи савдо йўллари Савдо муомаласи: маҳаллий тангалар Кичик Осиё ва юнон тангалари</p> |

7. Тажриба-синов ишлари даврида, шунингдек, маъруза (амалий) машғулотида “Қадимги Бактрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари” мавзусини ўрганишда “**Блиц-сўров**” методидан ўринли фойдаланилди. “Блиц-сўров” методи маъруза машғулотларининг боши ёки якунида ўтилган ёки янги мавзунинг талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Амалий машғулотларда эса “Блиц-сўров”, табиий равишда, талабалар ўрганилган мавзу бўйича қандай тайёргарликка эга эканлигини ташхислашга ёрдам беради.

Ушбу методдан самарали фойдаланиш ҳам педагогнинг методик тайёргарлигига боғлиқ.

Тадқиқотни олиб боришда маъруза машғулотида талабаларнинг эътиборига “Қадимги Бактрия, Хоразм ва Суғдиёна

давлатлари” мавзуси бўйича қуйидаги блиц саволлар тақдим этилди:

“Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари” мавзуси бўйича блиц саволлар

1. “Тарих” асарининг муаллифи –
2. “Бақтрия” сўзининг маъноси –
3. Беҳистун ёзувлари –
4. “Хоразм” сўзининг маъноси –
5. “Суғдиёна” –

Топшириқнинг бажарилиши (намуна)

1. “Тарих” асарининг муаллифи – Геродот
2. “Бақтрия” сўзининг маъноси – “Бахтар замин” (“Баҳодирлар юрти”)
3. Беҳистун ёзувлари – Беҳистун қояларидаги ёзув
4. “Хоразм” – “Сув эгалари” (“Мустақкам қўрғонли диёр”)
5. “Суғдиёна” – “Гава суғуда” (“Ҳосилдор воҳалар ўлкаси”)

8. Синов даврида тажриба гуруҳларида таълим жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этишга қаратилган ҳаракатлар доирасида “Амир Темур давлатининг ташкил топиши” мавзусини ўрганишда **“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”) ГОдан** фойдаланилди.

“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”) ГО билан ишлашда қуйидагича йўл тутилади: 1) педагог ёзув тахтаси ёки плакатда уч банддан иборат жадвал (иш қоғози)ни тасвирлайди; 2) янги мавзунинг эълон қилади; 3) талабалардан жадвалнинг 1-банди (“Биламан” қисми)ни тўлдиришни сўрайди; 4) сўнгра янги мавзу бўйича ўқув режаси ҳамда таянч тушунчаларни эълон қилади; 5) педагог талабалардан жадвалнинг 2-банди (“Билишни хоҳлайман” қисми)ни тўлдиришни сўрайди; 6) педагог тақдим этилган ўқув режаси асосида янги мавзунинг моҳиятини очиқ беради; 7) сўнгра талабалардан жадвалнинг 3-банди (“Билиб олдим” қисми)ни тўлдиришни сўрайди.

Мазкур ГО талабаларнинг билимларини ташхислаш, уларни янги билимларни ўзлаштиришга психологик мослаштириш имкониятини таъминлайди. Шу билан бирга ГО ёрдамида талабалар ўз-ўзини (мавжуд билимлар даражасини) баҳолаш малакаларига эга бўлади.

Педагог дастлаб талабаларга ГОнинг моҳияти, у билан ишлаш қоидалари ҳақида тушунча бериб ўтди. Шунингдек, талабаларнинг эътиборига қуйидаги иш қоғози тақдим қилинди:

“Амир Темур давлатининг ташкил топиши”

ИШ ҚОҒОЗИ

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|----------------|--------------------------|--------------------|
| | | |

Тажриба даврида “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”) ГО қўлланилганда уч банддан иборат жадвал талабалар томонидан қуйидаги тарзда тўлдирилди:

Топшириқнинг бажарилиши (намуна)

“Амир Темур давлатининг ташкил топиши”

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|--|--|--|
| 1. Амир Темурни 2. Кеш вилоятини 3. Хўжаилғор қишлоғни 4. Қурилтой нима эканлигини 5. Лой жанги қачон, қаерда бўлганлигини 6. Сарбадорлар кимлигини 7. Мавлонзода кимлигини 8. Шоҳрух Мирзо кимлигини 9. Мирзо Улуғбек кимлигини | 1. Сиёсий тарқоқлик нималигини 2. Туғлуқ Темур ҳақида батафсил маълумотни 3. Амир Ҳусайн ҳақида батафсил маълумотни 4. Конирил воқеаси ҳақида батафсил маълумотни 5. А.Темур давлати бошқарувини 6. Анқара жанги ҳақида батафсил маълумотни 7. Сиёсий бошқарувга оид тажрибаларни 8. Маъмурий идора усулини 9. Бошқарув тизимларини 10. Ягона сиёсий тартибни 11. Ҳожи Барлос ҳақида батафсил маълумотни 12. Пирмуҳаммад ҳақида батафсил маълумотни 13. Ҳалил Султон ҳақида батафсил маълумотни 14. Жаҳонгир Мирзо ҳақида батафсил маълумотни | 1. Сиёсий тарқоқлик нималигини 2. Туғлуқ Темур ҳақида батафсил маълумотни 3. Амир Ҳусайн ҳақида батафсил маълумотни 4. Конирил воқеаси ҳақида батафсил маълумотни 5. А.Темур давлати бошқарувини 6. Анқара жанги ҳақида батафсил маълумотни 7. Сиёсий бошқарувга оид тажрибаларни 8. Маъмурий идора усулини 9. Бошқарув тизимларини 10. Ягона сиёсий тартибни 11. Ҳожи Барлос ҳақида батафсил маълумотни 12. Пирмуҳаммад ҳақида батафсил маълумотни 13. Ҳалил Султон ҳақида батафсил маълумотни 14. Жаҳонгир Мирзо ҳақида батафсил маълумотни |

9. Тажриба-синов ишлари жараёнида, яна шунингдек, “Кейс-стади” методидан ҳам фойдаланилди.

Таълимда муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш шахсда фикрлаш, ечимни илмий ва мантиқий асослаш, муайян хулосага келиш қобилиятини ривожлантиради. Шу сабабли ўқитиш

жараёнида ўқув кейсларидан фойдаланиш самарали саналади. Ўқув кейслари, шунингдек, талабаларда тегишли мавзуни пухта ўзлаштириш, мавжуд билимларни амалиётда қўллаш малакаларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

“Кейс-стади” технологияси (ингл. “case” – чемодан, “study” – муаммоли вазият) – талабаларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул ечимни топиш кўникмаларини шакллантирувчи технология; реал вазиятларни баён қилишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси. Ўқув кейслари муаммони ҳал қилишга “ҳар томонлама таҳлилий ёндашишни тақозо қилади” (“требуют всестороннего аналитического подхода”).

Таълим жараёнида ўқув кейсларидан фойдаланишда кейсни ечиш муҳим жараён саналади. Зеро, “кейсни ечиш – тақдим этилган вазиятни таҳлил қилиш ва унинг оптимал ечимини топиш” асосий жараён бўлиб, у талабаларда “таҳлил кўникмалари, танқидий тафаккурни ривожлантириш, назария-амалиёт бирлигини таъминлаш, муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намоён қилиш, қарорлар қабул қилиш, унинг оқибатларига доир фикрларни тақдим этиш, ноаниқлик мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш”га хизмат қилади.

Кейслар учун хос бўлган умумий жиҳатлар мавжуд. Улар: амалий йўналганлик; интерфаол характерга эгалик; амалий малакалар).

Ҳар қандай жараён маълум босқичларда амалга оширилади. Шунга кўра ўқув кейсларини ечиш қуйидаги тўрт босқичда кечади: 1) исследования предложенной ситуации (кейса); 2) сбора и анализа недостающей информации; 3) обсуждения возможных вариантов решения проблемы; 4) выработки наилучшего решения).

Ўқув кейслари талабаларда мавзуни ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотади. Бу эса ўқув фани асосларини ўзлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини ўқитишда ўқув кейсларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фан бўйича “Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини” мавзусини ўрганишда қуйидаги ўқув кейсларидан фойдаланилади.

1-кейс баёни. А.Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жараёнида қизиқ бир

далилга дуч келиш мумкин. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида келтирилишича, А.Темур ҳукмронлиги даврида ҳам ҳарбий парадлар ташкил этиб турилган. Асарда ҳарбий

парад жараёни куйидагича тасвирланади: “Темур шоҳона безатилган баландликда туриб, олти юздан иборат қўшин бирлашмаларининг парадини қабул қиларди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёғигача темир уст-бош кийиб, байроқ кўтариб, музыка садолари остида бир хилда шахдам кадам ташлаб борарди. Темур турган жойга яқинлашгач, ҳарбий қисмлар бошлиқлари ўз бўлинмаларидан ажралиб, Темурга яқин келиб унга таъзим қилар; мақтов сўзлари – мадҳи-сано айтиб, ўзини ва қўл остидаги аскарларни амирнинг “хайрли” ишига содиқ эканликларини билдирарди. Шуниси ҳам борки, ҳар бир ҳарбий қисмнинг кийими турлича, масалан, қизил ёки оқ, кўк ёки жигарранг ва ҳоказо рангларда эди. Айрим қисмларнинг кийими қайси рангда бўлса, барча қуроллари – тиркаш, камар, найза, ўқ узувчи қуроллар – сар ва ҳоказоларнинг қинлари ҳам ўша рангда эди”.

Манба: 1. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли / Ёзма манбалар маълумоти асосида. – Т.: Фан, 1994. – 33-б.

2. Мамажонов М. Миллий ҳарбий анъаналар ва уларнинг тарбиявий имкониятлари / Мет. тавсиянома. – Т.: ЎзПФТИ, 2007. – 12-б.

Кейс топшириғи. Юқорида келтирилган матн билан танишиб чиқиб, соҳибқирон Амир Темур даврида ташкил этилган ҳарбий параднинг замонавий ҳарбий парад билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини аниқланг.

Ўқитувчининг жавоби. Соҳибқирон Амир Темур даврида ташкил этилган ҳарбий параднинг замонавий ҳарбий парад билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари куйидагилардир: Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳарбий парадларни ташкил этиш анъана бўлган; парад чоғида ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари ўз қўмондонларига қўшиннинг маросимда ҳозир бўлганлиги тўғрисида ҳисоб берганлар; қўмондонга мадҳу-сано айтиш анъанаси (бугунги кундаги “Генералга соғлиқ-саломатлик тилаймиз”, “Ватанимга хизмат қиламан” тарзида билдирилувчи тилаклар) ўша даврда ҳам мавжуд бўлган; қўшин ҳарбий парадда ўзининг маросим либосида иштирок этган; қўшин таркибига кирувчи ҳар бир бўлинма ўзигагина хос бўлган либосга эга бўлган; ҳарбий парадда ҳар бир бўлинма ўз байроқлари билан иштирок этиб, белгиланган майдон бўйича мусиқа садолари остида шахдам кадам ташлаб ўтган.

2-кейс баёни. А.Темур шахсининг улуғланишининг асосий сабаблардан бири унинг қўшинга ва навкарларга кўрсатган чексиз ҳурматиدير. Бу хусусида А.Темур қуйидаги фикрларни билдиради: “Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърақа-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга (паноҳ истаб) келганда уни кадрлаб, ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим”.

Манба: Амир Темур ўғитлари / Тўплаб нашрга тайёрловчилар Б.Аҳмедов ва А.Аминов. – Т.: Наврўз, 1992. 11-б.

Кейс топшириғи. Соҳибқирон Амир Темурнинг юқорида келтирилган фикрларига таяниб, унинг қўшин ва навкарларга муносабатида қандай йўналишлар устувор бўлганлигини кўрсатинг.

Ўқитувчининг ечими. А.Темур ҳарбий меросида унинг қўшин ва навкарларга муносабатида қуйидаги йўналишлар устувор бўлган: қўшин ва навкарларга кўрсатилган ҳурмат; жангда мардлик кўрсатган навкарларни рағбатлантириш; кекса сипоҳийларни улуғлаш; навкарлар хатти-ҳаракатларининг оқибатларини таҳлил қилиш; жанг натижаларини кафолатловчи ғоялар; ғаним аскарлари ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш.

3-кейс баёни. А.Темур армиясидаги жангчиларга доимий маошлар тўланган.

Маошнинг ҳажми хизматни қандай олиб борилишига боғлиқ бўлган. Қолаверса, қўшинда ўрнатилган тартибни бузганлиги учун жангчиларга нисбатан интизомий жазо қўлланилган. Интизомий жазонинг шаклларида бири сифатида жангчининг маошидан маълум қисм ушлаб қолинган.

Манба. Темур тузуклари / Форс. А.Соғуний, Х.Караматов тарж. Б.Аҳмедов

тахрири остида.– Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.

Кейс топшириғи. “Темур тузуклари” асари билан танишиб чиқиш асосида жангчиларга тўланган маош, шунингдек, интизомий жазо шакли сифатида ушлаб қолинган маош миқдорини аниқланг.

Ўқитувчининг ечими. Амир Темур қўшинида жангчиларга қуйидаги миқдорда маош тайинланган:

| № | Жангчи тоифаси | Маош миқдори |
|----|----------------|--|
| 1. | Оддий аскар | 2 тадан 4 тагача отнинг баҳоси миқдорида |
| 2. | Ўн беги | Ўзига тегишли ўнликнинг маошига тенг миқдорида |
| 3. | Юз беги | Олтита ўнликнинг маошига тенг миқдорида |

Интизомий жазо шаклларида бири сифатида маошнинг ўндан бир қисми ушлаб қолинган.

4-кейс баёни. Амир Темур ўз қўшинига етакчилик қилувчи шахсларни ўта талабчанлик билан танлаган ва жангу жадалларда улар билан маслаҳатлашган ҳолда иш кўрган. Шу боис қўшинга етакчилик қилган уч юз ўн уч амирларнинг барчаси ҳарбий маҳоратда тенгсиз, ақлу-заковатда беназир шахслар бўлган.

Кейс топшириғи. “Темур тузуклари” асари билан танишиш асосида юқоридаги фикрни тасдиқловчи маълумотлар келтирилган ўринни топинг.

Манба. Темур тузуклари / Форс. А.Соғуний, Х.Караматов тарж. Б.Аҳмедов таҳрири остида.– Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.


Ўқитувчининг ечими. “Темур тузуклари” асарида келтирилган ушбу маълумотлар юқоридаги фикрни тасдиқлайди: “Уч юз ўн уч амирларимнинг бариси ақл-хуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни маҳлуб этувчи кишилар эди. Жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўлоёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади. Амирликдан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур”.

5-кейс баёни. Буюк соҳибқирон Амир Темур ўз қўшинининг таркиби жанговар жиҳатдан ҳам қатъий тузилмага эга бўлишига эришган. Қўшиннинг жанговар таркибга эгаллиги жангларда ғалабани қўлга киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Кейс саволи. Амир Темур қўшининг жанговар таркибини ташкил этувчи қуйидаги элементлар асосида армиянинг жангдаги позициясини шакллантиринг:

| | |
|-------------------------|---------------------------|
| 1. Манглай. | 6. Ўнг қанот. |
| 2. Манглайнинг ҳимояси. | 7. Чап қанот. |
| 3. Чап қанот хировули. | 8. Ўнг қанот. |
| 4. Ўнг қанот хировули. | 9. Марказ (асосий кучлар) |
| 5. Чап қанот | |

Ўқитувчининг ечими.



Тажриба-синов ишлари жараёнида, шунингдек, “Авесто” – давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба” мавзусига оид ўқув кейслари ҳам тайёрланиб, таълим амалиётида фойдаланилди.

6-кейс баёни. “Авесто” асарида келтирилган кўплаб маълумотлар ҳатто шу даврда ҳам шахсни ижтимоийлаштириш масалаларига эътибор қаратилганлигини тасдиқлайди.

Манба. 1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (А.Маҳкамов тарж.). – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 2001. – 70 б.

2. Педагогика тарихи / К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 488 б.

Кейс саволи ва топшириғи. Мазкур фикрнинг тасдиғини нималарда кўриш мумкин? Фикрингизни далиллар билан асосланг.

Ўқитувчининг ечими. Фикрнинг тасдиғини қуйидаги мисоллар билан асослаш мумкин: айрим, масалан, кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинланган. Бир йўла икки-уч нафар фарзанд кўрган аёлларга эса турли мукофотлар берилган. Шунингдек,

ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик қилиш асосий инсоний бурч ҳисобланган.

Бу ҳолатлар зардуштийлар даврида ҳам шахсни ижтимоийлаштиришга эътибор қаратилганлигини тасдиқлайди.

7-кейс баёни. Зардушт дунёни яхшилик ва ёмонлик дунёси тарзида иккига бўлади. Бу икки дунё ўртасида бир-бирига қарама-қарши ғоялар устувор бўлиб, улар ўртасида доимо кураш кетади. Яхшиликнинг ғалаба қилишини истаган Зардушт ўз ғояларини илоҳий қарашлар билан бойитади. У ўз даврида икки худолик ғоясини кўтариб чиқади. Аста-секин у пайғамбар даражасига кўтарилади ва ўзини Ахура-Мазда, яъни, Олий Тангри элчиси дея эълон қилади. Зардушт ғояларининг илоҳийлик касб этиши ижтимоий муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши учун хизмат қилиниши зарур эди.

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (А.Маҳкамов тарж.). – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 2001. – 70 б.

2. Педагогика тарихи / К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 488 б.

Кейс саволи. Сизнинг фикрингизча, Зардушт ғоялари қандай ижтимоий муаммоларнинг олинди олиш ва уларни батараф этишга хизмат қилиши зарур бўлган?

Ўқитувчининг ечими. Зардушт яшаган даврда кишилар кўп худоликка сиғинарди. Бу эса жуда кўпла қурбонликлар қилишни тақозо этган. Бу эса чорва молларининг қирилиб кетиши, натижасида турли қабилалар ўртасида низоларнинг келиб чиқишига олиб келаётган эди. Зардушт ана шу муаммонинг олдини олиш чораларини излади ва ўз таълимотини тарғиб қила бошлайди. Зардушт худодан келган ваҳий орқали кўп худоликка қарши якка худоликни тарғиб қила бошлайди.

8-кейс баёни. “Авесто” асарида чорвадорлар улуғланади. Чорвадор такводор, одил ва оқил бўлса, атрофдагиларнинг ҳурматларига сазовор бўлади. Ва албатта, катта поданинг эгасига айланади. Шунингдек, деҳқонларнинг меҳнати шарафланади. Чунки деҳқонлар ризқ ундиради. Асарда кўчманчилар “ахлоқсиз махлуқлар”га қиёсланади.

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (А.Маҳкамов тарж.). – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 2001. – 70 б.

2. Педагогика тарихи / К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 488 б.

Кейс саволи. Сизнингча, кўчманчиларнинг “ахлоқсиз маҳлуқлар”га қиёсланишининг сабаби нимада?

Ўқитувчининг жавоби. Кўчманчилар одамларни талайди, молини ҳайдаб кетади. Серҳосил яйловларни яксон этадилар, яхшилик ҳомийларига ҳужум қилади. Шу сабабли улар азоб-укубатларга лойиқ.

9-кейс баёни. Инсоният асрлар давомида бахтли-саодатли яшашга интилиб келган. Шу сабабли ахтли, саодатли, фаровон ҳаёт кечириш мумкин бўлган жойни, ҳудудни излаб келган. Зардушт Ахура Маздадан дунёда шодлик ва бахт макони, энг севимли жой қаерда эканлигини сўрайди. Ахура Мазда бундай жой, ҳудуд қаерда эканлигини айтади.

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик (А.Маҳкамов тарж.). – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 2001. – 70 б.

2. Педагогика тарихи / К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 488 б.

Кейс топшириғи. Асар ғояларини ёдга олган ҳолда Ахура Мазда томонидан шодлик ва бахт макони, энг севимли жой деб дунёнинг қаери айтилганлигини айтинг.

Ўқитувчининг ечими. Ахура Мазда томонидан дунёнинг шодлик ва бахт макони, энг севимли жойи дея қуйидаги ҳудуд кўрсатилади: У шундай жойки, кишилар у ерда уй-жой қуради, оташкада (ибодатхона)лар барпо этади, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, бола-чақали бўлади. Мен ҳар иккала қўли билан меҳнат қилувчи кишини қўллайман, унинг ишига барор, ҳосилига барака бағишлайман.

Шундай қилиб, инновацион характердаги таълим турлари орасида интерфаол ўқитиш ўзига хос ўрин тутди. Интерфаол таълимнинг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўзининг дидактик имкониятига кўра интерфаол методлар талабаларнинг тегишли фанлар асосларини ўрганишга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишларини ошириш, мотивациясини кучайтиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширади. Шу боис тадқиқот жараёнида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини бўйича ташкил этилган ўқув машғулотида интерфаол методлардан мақсадли, самарали фойдаланишга эътибор қаратилди. Ўқув фани доирасида муайян мавзуларни ўрганишда “Барча омилларни инобатга ол!” (БОҲО) методи, “Блиц-сўров”, шунингдек, “Тоифалаш”, “Морфологик

кути”, “Идрок харитаси”, “Тезис-органайзер”, “Визуал хронотоп” ҳамда “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”), “Кейс-стади” каби интерфаол методларнинг самарали эканлиги тажриба-синов ишлари жараёнида тасдиқланди. “Кейс-стади” методи ҳам ўқитишда самарадорликни таъминловчи методлардан биридир. У ўзининг дидактик имкониятига кўра талабаларда ўқув-билиш фаоллигини, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, фанга бўлган қизиқишни уйғотади.

4-§. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда компьютер технологиясидан фойдаланиш

Глобаллашув даври барча соҳаларда ахборотларнинг тезкор алмашинуви рўй бериши учун шароит яратмоқда. Ахборотларнинг тезкор узатилиши, қисқа мудда кенг кўламга ёйилишида компьютер технологиясининг ўрни ва роли беқиёс. Компьютер технологиясининг техник, технологик ҳамда функционал имкониятларига эгаллиги ахборотларни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш ҳамда узатишда самарадорликка эришиш имконини беради. Қолаверса, компьютер технологиясининг мавжуд имкониятлари ахборотларни муайян аудиторияга мослаштириш, фойдаланувчилар томонидан осон ва тез қабул қилинишини таъминлайди. Айнан мана шу жиҳатдан сўнгги йилларда таълим жараёнида ҳам компьютер технологиясидан мақсадли, самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анъанавий ўқитишдан фарқли замонавий таълимни ташкил этишда инновацион ёндашувга таяниш мақсадга мувофиқдир. Инновацион ёндашув моҳияти “шахснинг билиш фаолияти усуллари фаол ўзлаштиришга йўналтириш, таълим жараёнини шахснинг талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш, ўқитишнинг шахс томонидан ўз-ўзини намоён қилишига имкон беришини таъминлаш”⁵⁷ да яққол кўзга ташланади. Мазкур ёндашув ўқитишнинг инновацион ўзгаришлар асосида ташкил этилиши, яъни, янги авлод дарсликларига асосланиш, матнли ўқув ахборотларини визуал шакл (расм, чизма, схема, жадвал, диаграмма, график органайзер)да тақдим этиш, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга ёрдам берадиган ўқитиш

⁵⁷ Пешня И.С. Инновационные подходы к обучению в современном образовательном процессе // <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-podhody-k-obucheniyu-v-sovremennom-obrazovatelnom-protssesse>.

шакллари, метод, восита ва технологияларини танланиши, “ўқитиш жараёнида субъект-субъект муносабатларини юзага келтирадиган ностандарт”⁵⁸ ликка эришишни талаб қилади.

Инновацион ёндашиш педагоглар томонидан ўқитиш жараёнида замонавий компьютер технологиясининг қўлланилиши билан ҳам белгиланади. Бинобарин, “замонавий компьютер технологиялари интерфаоллик тамойилига кўра виртуал борликдан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг мутлақо янги методикасини яратишга имкон беради”⁵⁹.

Компьютер технологиясининг техник, технологик ва функционал имкониятлари уларнинг таълим жараёнининг самарали кечишига ёрдам берадиган муайян компьютер дастурларига эгаллиги асосида намоён бўлади. Педагогик ва илмий-педагогик фаолиятни олиб бориш жараёнида компьютер технологиясининг мавжуд имкониятларини ўрганиш асосида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини компьютер технологиясининг Power Point, Hot Potatoes, MyTestX Tests дастурлари, интерфаол плакатлар ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, талабалар томонидан ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилишига эришиш, уларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш, билим ва малака даражасини баҳолашга хизмат қилиши аниқланди. Айни ўринда бу дастурларнинг таълим самарадорлигини ошириш, талабаларнинг ўқув фаолиятини яхшилаш, билим ва малакалари даражасини қисқа муддатда аниқлаш ва баҳолашдаги ўрни тўғрисида сўз юритилади.

I. Power Point дастури. Ушбу дастур Microsoft Office пакетида тақдим этиладиган дастур бўлиб, у сифатли ҳолда тақдимотларни тайёрлаш ва намоёиш этиш учун хизмат қилади⁶⁰. Шунинг ҳам айтиб штиш жоизки, Power Point дастури Microsoft Office пакети ҳолатидагина эмас, балки алоҳида ҳам тақдим этилади. Дастурнинг кенг имконияти унинг ёрдамида бизнес-тақдимот, Интернет-тақдимот, маъруза, сотувга қўйиладиган маҳсулотларни⁶¹, шунингдек, турли – иқтисодий, молиявий, ижтимоий, маданий характердаги лойиҳаларнинг тайёрланиши, натижаларнинг тегишли

⁵⁸ Шайдулина А.А., Мамадалиев О.О. О применении инновационных подходов в процессе обучения // Ж. Молодой ученый. – Чита: - №6 (110), - С. 839.

⁵⁹ Инновационный подход обучения, как фактор развития профессиональной компетентности / М.М.Тлиш и др. // Междунар.ж. Экспериментальная образования. – М.: 2015. – № 4. – С. 242.

⁶⁰ Основы Power Point / Часть 1. – М.: Владос, 2002. – С. 19.

⁶¹ Тот источник. – С. 20.

соҳа жамоатчилиги ёки омма эътиборига ҳавола қилинишини таъминлайди.

Дастур ёрдамида тайёрланадиган маҳсулот тақдимот бўлиб, у слайдлар тўплами асосида намоён бўлади. Бошқача айтганда, тақдимот ахборотларнинг слайдлар ёрдамида намойиш қилиниши саналади. Агар ахборотлар Word дастурида алоҳида саҳифаларга жойлаштирилса, Power Point дастурида слайдлардан ўрин олади.

Тақдимот Power Point дастури ёрдамида яратилган файллардир. Ушбу файллар, одатда, “Мои документы” (“My documents”) папкасига сақланади⁶².

Маълумки, компьютер дастурларида ахборотлар кенгаймаларда ифодаланади. Word дастурида .doc, Excel .xls, электрон ҳужжатлар (Portable Document Format) .pdf да ифодаланса, Power Point дастури .ppt кенгаймада сақланади.

Power Point дастурида ишлаш бир қатор афзалликларга эга: слайдларга ҳам матнли ҳам график ахборотларни, расм, жадвал ва диаграммаларни жойлаштириш, шрифтларни, ёзув услубини ҳамда слайдларнинг ўрнини осон ўзгартириш, зарур бўлмаган ахборотларни олиб ташлаш, янги маълумотларни киритиш, тақдимот дизайни (фонини, ёзувлар ранги, ўлчами ва шакли)ни янгилаш, тақдимотни электрон почта ёки Telegram орқали юбориш ва бошқалар.

Дастурда тайёрланган маҳсулот – тақдимотни намойиш қилиш учун қуйидаги компьютер жиҳозлари (қурилмалари) талаб этилади: компьютер монитори, проектор, диапроектор, Интернет ёки интранет (intranet)даги web-саҳифа, принтер.

Power Point дастури слайдлар макети, фон, ранглар схемаси, слайдлардан намуналар, шаблонлар каби тўпламга эга. Слайдларни яратишда

эса сарлавҳа ва матн, ёзувлар, фигура (матндаги чизма, схема, диаграмма, расм, мультифайл)лар.

Компьютер технологияси таркибий тузилмаси, дизайннинг такомиллашуви, технологик имкониятининг кенгайиши ўз навбатида Power Point дастурининг ҳам техник, технологик ҳамда функционал жиҳатдан ривожланиши учун шароит яратди. Бугунги кунга қадар Power Point дастурининг изчил такомиллашиб борган

⁶² Сохранение файла презентации // [https://support.microsoft.com/ru-ru/ office/сохранение-файла-презентации-34377c9c-a1e5-44e1-9c3f-e6e72ee6c541](https://support.microsoft.com/ru-ru/office/сохранение-файла-презентации-34377c9c-a1e5-44e1-9c3f-e6e72ee6c541).

97, 2000, 2003, 2007, 2010, 2013, 2016, 2017 ҳамда 2019 намуналари яратилган бўлиб, улардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

Тадақиқотни олиб бориш жараёнида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанининг ишчи-ўқув режасидан ўрин олган барча мавзулар (“Кириш. “Давлатчилик” тушунчаси ва унинг келиб чиқиши”, “Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларининг ташкил топиши”, “Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли”, “Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув (V-VIII аср ўрталаригача)”, “Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқаруви”, “Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда давлатчилик ривожини”, “Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузулиши ва давлат бошқаруви”, “Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши”, “Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида”, “Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши”)да тақдимотлар тайёрланди.

Power Point дастурида тақдимотларни тайёрлашда уларнинг дидактик талаблар – тақдимотнинг ўқув материали мазмунини тўла қамраб олиши, слайдлар сони таълим жараёнининг вақт бюждетини қаноатлантириши, слайдларда имкон қадар матнли ахборотларнинг визуал шаклда ёритилиши, ўқув ахборотларининг қисқа, аниқ, лўнда ифодаланиши, слайдлар ўртасида мантиқий бирлик, ўзаро алоқадорликнинг таъминланиши, дизайнига кўра талабаларнинг эстетик эҳтиёжини қондириши, назарий методик жиҳатдан пухта асосни қондира олиши назарда тутилди.

Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, замонавий шароитда “рақамли шаклда тақдим этилаётган ўқув ахборотларига кўйиладиган талаблар анъанавий (қоғозда ифодаланадиган) маълумотларга тўла мос келиши керак: тасвирлар ўзига хос белгилар билан ифодаланиши, йирик ўлчамда бўлиши, аудитория томонидан аниқ қабул қилишини таъминлай олиши керак. Кўриш учун мўлжалланган образлар, шундай узатилиши керакки, таълим олувчилар уларнинг мазмунини оғзаки равишда худди ўзидек такрорлай ва берилган саволларга жавоб қайтара олишлари лозим. Шу боис электрон тақдимотда ўқув вазияти, материали учун аҳамиятсиз бўлган барча ортиқча тафсилотлар (“визуал спам”)ни ўчириб ташлаш зарур. Шунинг баробарида анимациялардан самарали фойдаланиш методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Рақамли таълим ресурсларини алмаштиришдаги

ортиқча анимациялар (кераксиз маълумот таъсирининг ёйилиши ва айланиши, “югирувчи” қаторлар ва бошқалар) ва экранга ахборотларни киритишда мазмунни қабул қилиш намойиш вақтида кўп вақтни талаб қилади, таълим олувчиларни чалғитади ва толиқтиради⁶³.

“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фани бўйича тайёрланган тақдимотлар куйидаги таркибий тузилмага эга бўлди: ўрганиладиган мавзу ҳамда машғулоти ташкил этадиган педагог ҳақида маълумот, ўқув режаси, таянч тушунчалар, ўқув режасига оид маълумотлар, назорат саволлари, ўқув топшириқлари, тест топшириқлари.

Тақдимотларни тайёрлашга матнли ахборотлардан имкон қадар фойдаланмаслик, матнли ахборотларни визуал шаклга ўтказиш, ўқув ахборотларни етказишда педагогнинг аудитория билан интерфаол мулоқотини таъминлаш, ўқув материалнинг муаммоли характер касб этиши, назорат саволларини камайтириш ҳисобига ўйин технологиялари – дидактик ўйинлар ёрдамида талабаларнинг ўқув материални дастлабки ўзлаштириш даражасини баҳолаш каби шартлар асосида эришилди.

Айни ўринда “Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини” мавзуси бўйича тайёрланган тақдимотнинг таркибий тузилмаси хусусида сўз юритилади.

1-слайд: Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини.

Маърузачи: ўқитувчи Х.К.Боймироев.

2-слайд. Машғулоти режаси:

1. Амир Темур давлатининг бошқарув асослари.
2. Бошқарув органлари ва лавозимлар.
3. Амир Темур давлатининг ҳарбий тизими.
4. Амир Темур давлатида ҳуқуқий муносабатлар моҳияти.

3-слайд. Амир Темур портрети.

4-слайд. Давлат органлари

5-слайд. Диний ҳокимият тизими

⁶³ Дьякова Е.Б. Способы методической адаптации электронных ресурсов для использования в обучении истории // https://www.herzen.spb.ru/img/files/m1cha/metodika/Sbornik_Gercenovskie_chneniya.pdf.

Диний ҳокимият тизими

1. Шайхулислом.
2. Аълам.
3. Қозикалон.
4. Садри аъзам.
5. Мухтасиб
6. Қозийи аҳдос.
7. Қози аскар.
8. Мударрис.
9. Мутавалли

6-слайд. Ижтимоий табақалар

Ижтимоий табақалар:


1. Саййидлар, олимлар ва шайхлар.
2. Катта тажрибага эга илмли кишилар.
3. Дуо қилувчи тақводорлар.
4. Лашкарнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлар.
5. Аскар ва халқ оммаси.
6. Давлат бошқарув ишларини пухта биладиган маслаҳатгўй, доно ва ақлли кишилар.
7. Вазирлар, котиблар, девон бошлиғи.
8. Тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар.
9. Муҳаддислар ва муаррихлар.
10. Тасаввуф вакиллари ва орифлар.
11. Ҳунармандлар ва санъаткорлар.
12. Ажнабий сайёҳлар ва савдогарлар

7-слайд. Мансаб ва унвонлар


Мансаб ва унвонлар:

Амин. Арзбеги. Баковул. Баковулбоши. Боварчи. Бахшийлар.
Битикчи. Вазир. Дафтардор. Девонбеги. Доруға. Додхоҳ. Жарчи.
Жуйбон. Зобит. Ихтисобчи. Зинбардор. Иноқ. Ичкилар. Иқто.
Ясағлик. Кўкалдош. Кулу. Калонтар. Кутвол. Кўрагон. Мавкаб.
Маҳди улё (Маҳди олия). Мажлиснавис. Мироҳўр. Мироб.
Мухтасиб. Оқо (оғо). Оталиқ. Парвоначи. Пос (посбон). Садр.
Садри аъзам. Соҳиби девон. Тавочи. Тархон. Уйўғлон. Хазинадор (хозин).
Хаттот. Ҳожиблар. Чухра. Чухрабоши. Шайхулислом. Шиқовул.
Шихна. Шуқурчи. Юртчи. Ясовул. Қозилар. Қўрбоши. Қушчи
(кушбеги). Қопучи. Қоровул. Фаррош

8-слайд. Амир Темур кўшинларининг бўлинмалари



9-слайд. Амир Темур кўшинида бўлинмаларнинг жойлашуви



10-слайд. Жангчи (жангчилар)нинг таъминоти

| Ҳарбий таъминот | | |
|---|---|-----------------------|
| 1 нафар жангчи | 10 нафар жангчи | 2 нафар суворий |
| Бир йиллик озиқ-овқат; камон; ўттиз ўқли садок (ўқдон); совут; найза; қалқон | 1 та чодир; қозон; кетмон; ўроқ; болта; бигиз; 2 та белкурак; 100 та игна; арқон; 1 та ошланган пишиқ тери | 1 та заҳира чопқир от |

11-слайд. Назорат саволлари (блиц-сўров):

| 1-гурух | 2-гурух |
|---|--|
| 1. А.Темур давлатидаги олий орган – 2. Даргоҳ негизидаги муассаса – 3. Холиса – 4. Ижтимоий табақалар сони – 5. Хушун – 6. Туманбоши – | 1. Даргоҳга раҳбарлик қилувчи шахс – 2. Ижроия органлари – 3. 9 та лавозимдан иборат – 4. Айл – 5. Ҳозора боши – 6. Қўшиннинг олдида борувчи қисм – |

12-слайд. Ўқув топшириқлари

| 1-гурух | 2-гурух |
|--|--|
| А.Темур қўшинининг Хабаргир, Авангард, Ясовул, Манглай, Канбул, Ўрдагоҳ, Изофа, Баронғор, Жавонғор, Марказ қисмларининг жангдаги ҳаракатланиш ўрнини белгиланг | 1 ва 10 нафар жангчи ҳамда 2 та суворийнинг таъминотини кўрсатинг |

II. Hot Potatoes дастури. Қобикли дастур саналанадиган Hot Potatoes ўзининг техник, технологик ҳамда функционал имкониятига кўра замонавий таълимни модернизациялаш жараёнида муҳим амалий аҳамият касб этади. Ушбу дастур “педагогларга мустақил ёки дастурлаш соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда интерфаол топшириқларни тайёрлаш имкониятини тақдим этади”⁶⁴.

Дастур 1997-2003 йилларда Канадада Виктория номли гуманитар таълим университетининг Ахборот технологиялари марказида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида ОТМда

⁶⁴ Бовтенко М.А. Методические материалы к курсу “Компьютерная лингводидактика”. Рекомендации по созданию интерактивных упражнений с помощью универсальной программы-оболочки “Hot Potatoes” (Версия 6.0. 1998-2003) / Для начинающих пользователей. – Новосибирск: Новосибирский ГУ, 2004. – С. 4-5.

ўқитиладиган барча фанлари бўйича турли мураккабликдаги ўқув топшириқлари шакллантирилади⁶⁵.

Таълим жараёнида Hot Potatoes дастуридан фойдаланишнинг дидактик аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида “матнли, графикли, аудио ва видео ахборотлардан фойдаланган ҳолда турли тилларда барча ўқув фанлари бўйича 10 та турдаги ўқув машқларини яратиш мумкин”⁶⁶.

Дастурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, “шакллантирилган ўқув топшириқлари веб саҳифаларда стандарт ўлчамда сақланади. Улардан фойдаланиш учун таълим олувчиларга веб-браузер керак бўлади. Шу сабабли таълим олувчиларнинг ўзларига Hot Potatoes дастурига эга бўлиш талаб қилинмайди. Педагогларгина ушбу дастурга эга бўлишлари керак, чунки айнан улар Hot Potatoes дастури ёрдамида ўқув топшириқларини шакллантиради ва таҳрир қилади⁶⁷.

Hot Potatoes дастури турли мураккабликдаги ўқув топшириқларини тезкор шакллантириш имкониятини таъминлайди. Бунинг учун дастурда қуйидаги ўқув топшириғини шакллантирувчи 5 та блокдан иборат мустақил дастурлар мавжуд:

1. Jquiz – Викторинани ташкил этишга имкон берувчи дастур; унинг ёрдамида кўп вариантли (асосан, тўртта) жавобларни тақдим этувчи саволларни тузиш мумкин.

2. JCloze – Бўш қолдирилган ўринларни тўлдиришга оид саволларни тақдим этувчи дастур.

3. JMatch – Ҳолатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатишга оид саволларни тақдим этувчи дастур; унинг ёрдамида 3ч турдаги ўқув топшириқларини шакллантириш имконияти мавжуд.

4. JCross – Ўқув материаллари асосида таълимий характерга эга дидактик ўйин – кроссвордларнинг шакллантирилишини таъминловчи дастур.

5. JMix – Изчилликни таъминлашга оид ўқув топшириқларини шакллантирувчи дастур⁶⁸.

⁶⁵ Ганцева С.В. Формирование экологических компетенций с использованием информационно-коммуникационных технологий // Известия Самарского научного центра РАН. – Т. 16. – Самара: 2014. - № 2 (3). – С. 547.

⁶⁶ Hot Potatoes (Martin Holmes, Half-Baked Software and the University of Victoria HCMC, 1998-2004)// <http://web.uvic.ca/hrd/hotpot>.

⁶⁷ Бовтенко М.А. Методические материалы к курсу “Компьютерная лингводидактика”. Рекомендации по созданию интерактивных упражнений с помощью универсальной программы-оболочки “Hot Potatoes” (Версия 6.0. 1998-2003) / Для начинающих пользователей. – Новосибирск: Новосибирский ГУ, 2004. – С. 6.

⁶⁸ Hot Potatoes (Martin Holmes, Half-Baked Software and the University of Victoria HCMC, 1998-2004)// <http://web.uvic.ca/hrd/hotpot>.

Тадқиқотни олиб боришда “Ўзбекистонда давлатчилик таризи” фанидан турли мавзуларда дидактик ўйин сценарийлари – кроссвордлар шакллантирилди. Айти ўринда улардан намуналар келтирилади.

“Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик тараққиёти” мавзусидаги семинар машғулотида Hot Potatoes дастури ёрдамида дидактик ўйин элементларидан бири бўлган кроссворд тайёрланди. “Амир Темур қўшинининг таркиби” номли кроссворд талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга ёрдам берди.

Айти ўринда ушбу кроссворд келтирилади.

“Амир Темур қўшинининг таркиби” номли кроссворд схемаси

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|--|---|---|--|---|--|---|--|--|--|--|--|----|--|
| 1 | 7 | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | 10 | |
| 2 | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | 8 | | 9 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | 4 | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | 5 | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | 6 | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Кроссворд саволлари

Энига:

1. Ўнг қанот бўлинма.
2. Айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси.
3. Чап қанот бўлинма.
4. Асосий, бош қисм.
5. Қўшиннинг асосий жанговар қисми.
6. Соқчилар бўлинмаси.

Бўйига:

6. Қўшиннинг олдиндаги қўриқчи қисми.
7. Қўмондоннинг жанг майдонидаги ўрни.
8. Қўриқчи аскарӣ бўлинмалар.
9. Заҳира қисмлар.
10. Қўшиннинг асосий жанговар қисми.

Кроссворд жавоблари:

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|--|
| Б | А | р | о | н | ғ | о | р | | | | | | | | | | |
| | в | | | | | | | | | | | | | | | И | |
| Х | а | б | а | р | г | и | р | | | | | | | | з | | |
| | н | | | | | | | | | | | | | | о | | |
| | г | | | | | | Ў | | | К | | | | | ф | | |
| Ж | а | в | о | н | ғ | о | р | | М | а | н | г | л | а | Й | | |
| | р | | | | | | д | | | н | | | | | | | |
| | д | | М | а | р | к | а | з | | б | | | | | | | |
| | | | | | | | г | | | у | | | | | | | |
| | | | | | Я | с | о | в | у | л | | | | | | | |
| | | | | | | | х | | | | | | | | | | |

Тажриба-синов ишлари жараёнида, шунингдек, “Амир Темур давлатининг солиқ тизими” номли кроссворд шакллантирилди ва ундан таълим жараёнида самарали фойдаланилди.

“Амир Темур давлатининг солиқ тизими” номли кроссворд схемаси

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|-----------|-----------|--|----------|-----------|--|--|--|--|----------|-----------|--|--|--|--|--|--|--|
| 1 | | | * | 11 | | | | | | 12 | | | | | | | |
| | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | 4 | 13 | | | | | | | |
| | 5 | | | * | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | |
| | 14 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | 8 | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | 9 | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Кроссворд саволлари

Энига:

1. Боғ ва дарахтзорлардан олинадиган солиқ.
2. Доруғалар фойдасига олинадиган солиқ.
3. Фавқулотда вазиятларда олинадиган солиқ.
4. Ҳарбий юришларда мағлуб этилган аҳолидан олинган солиқ.
5. Суғориладиган ерлардан олинадиган солиқ
6. Киримни ҳисобловчи молия ходими учун олинадиган солиқ.
7. Солиқ йиғувчилар учун тўланадиган солиқ.
8. Яйловлардан олинадиган солиқ.
9. 200-250 м² ҳажмдаги ер майдонидан олинадиган солиқ.
10. Маҳаллий савдогарлар тўлайдиган солиқ.

Бўйига:

11. Ҳосил миқдорини белгиловчи маъмур учун тўланадиган солиқ.
12. Ҳосилнинг 25-33% ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи.
13. Тўпланган бойликдан олинадиган даромад солиғи.
14. Сув солиғи.

Кроссворд жавоблари

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| М | о | л | * | С | а | р | д | а | р | а | Х | т | | | | | | | | |
| | | | | о | | | | | | | и | | | | | | | | | |
| | | | | ҳ | | | | | | Д | о | р | у | ғ | о | н | а | | | |
| А | в | о | р | и | з | о | т | | | | о | | | | | | | | | |
| | | | | б | | | | | | | Ж | у | З | ь | я | | | | | |
| | | | | и | | | | | | | | | а | | | | | | | |
| | М | о | л | * | с | у | в | л | о | қ | | | к | | | | | | | |
| | | | | ж | | | | | | | | | З | о | б | и | т | о | Н | а |
| | М | у | х | а | с | с | и | л | о | н | а | | т | | | | | | | |
| | и | | | м | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | р | | М | о | л | * | ў | т | л | о | қ | | | | | | | | | |
| | о | | | н | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | б | | Т | а | н | о | б | о | н | а | | | | | | | | | | |
| | о | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | н | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Т | а | г | ж | о | й | | | | | | | | | | | | | | | |

III. MyTestXPro дастурий таъминоти. Замонавий шароитда олий таълим тизими талабаларнинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, энг самарали капитал сифатида талабанинг мавжуд

имкониятларини фойдали, унумли, мақсадли фаолиятга йўналтиришга хизмат қилиши зарур. Ўқув-билиш фаолиятини назорат қилиш олий таълим тизимида талабаларнинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш шарт-шароити ва натижасини баҳолашга имкон беради. Бунда тест топшириқларидан фойдаланиш кутилган натижаларни қўлга киритиш имкониятини яратади.

ОТМда талабаларнинг билим, кўникма, малака ва тажрибага эгалик даражасини баҳолашда турли баҳоловчи методлардан фойдаланилади. Уларнинг орасида тест сўрови алоҳида аҳамиятга эга. Тест “шахснинг билим, кўникма, малака, қобилиятлари ва бошқа сифатларини назорат қилишда тест ташхислашнинг муҳим шакли сифатида намоён бўлади... Сўнгги йилларда тест назорати билимларни баҳолаш методи сифатида тобора оммалашиб бормоқда”⁶⁹. Бу дастур “электрон тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва тестлар орқали билимларни бошқариш имконини берувчи дастурий таъминот”⁷⁰ бўлиб, у қисқа муддатда ностандарт “тестларнинг натижаларини тўплаш ва таҳлил қилиш”⁷¹ имкониятини яратади.

2003 йилда дастурчи А.С.Башлаков томонидан ишлаб чиқилган мазкур MyTestXPro дастурий таъминоти доимий равишда янгилашиб боради, фойдаланувчиларга янги ва кўпроқ имкониятлар тақдим этилади”⁷².

Таълимий имкониятларга эга кўплаб компьютер дастурлари орасида My TestX дастурий таъминоти ҳам таълим жараёнини самарали ташкил этишга ёрдам беради. Ушбу дастурий таъминот учт асосий таркибий қисмдан ташкил топган. Улар:

1. My Test Editor – синов муҳаррири; у ностандарт тестларни электрон шаклда тайёрлашга ёрдам беради.
2. My Test Student – синов модули.
3. My Test Server – синов журнали⁷³.

Глобал ахборотлашув муҳити вақтдан унумли фойдаланишни тақозо этади. Бинобарин, мавжуд ҳамда янги билимларни

⁶⁹ Чурина К.В., Зими́на Е.К. Тестирование как форма контроля результатов обучения // Ж. Молодой ученый. – Чита: 20015. – №9. – С. 1214.

⁷⁰ My TestX elektron dasturi bilan ishlash bo'yicha ko'rsatmalar // <https://buypeptides.ru/uz/dolgoletie/methodical-guide-to-work-with-the-electronic-program-my-testx>.

⁷¹ Kompyuterda testlarni ochish uchun dastur. MyTest – rus tilidagi eng yaxshi bepul test yaratish dasturi // <https://bumotors.ru/uz/programma-dlya-otkrytiya-testov-na-kompyutere-mytest---luchshaya-besplatnaya-rossiiskaya.html>.

⁷² MyTestXPro // <https://soft-file.ru/mytestxpro>.

⁷³ My TestX elektron dasturi bilan ishlash bo'yicha ko'rsatmalar // <https://buypeptides.ru/uz/dolgoletie/methodical-guide-to-work-with-the-electronic-program-my-testx>.

Ўзлаштиришда замонавий оламда вақт энг қиммат баҳоланади. ОТМнинг педагоглари ҳам вақтдан унумли фойдаланиш, уни тежаш ҳисобига ўз устида ишлаш, касбий компетентлик сифатларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, талабаларга билим бериш, уларнинг билим, кўникма, малакалари даражасини аниқлаш ва баҳолашда тезкорлик, самарадорликни кафолатловчи АКТдан фойдаланиш уларнинг кўшимча, захира вақт бюджетига эга бўлишларини таъминлайди. Бунда замонавий АКТнинг дастурий таъминоти педагоглар ва талабалар учун “яқин ёрдамчи” бўла олади.

Ҳар қандай ўқув топшириғини шакллантиришда педагог муайян шартларга мувофиқ ишлайди. Шунга кўра дастурий таъминот ҳам ностандарт тестларни тузишда маълум шартларга риоя қилиниши тақозо қилади. Улар: “мақсаднинг аниқлиги, қисқалиги, технологик жиҳатдан тўғри шакллантирилганлиги, топшириқни беришда ифода шаклининг мантиқийлиги, жавоблар учун аниқ жойларнинг мавжудлиги, жавобларни баҳолаш тартибининг бир хиллиги; топшириқлар элементларининг тўғри жойлаштирилганлиги; барча синалувчи-респондентлар учун муқобил равишда йўриқномаларнинг шакли ва топшириқнинг мазмунига кўра бир хиллиги”⁷⁴.

MyTestXPro дастурий таъминотига таянган ҳолда қуйидаги дидактик вазифалар ҳал қилинади “ҳар бир топшириқни уларнинг мураккаблик даражаси бўйича бериш; топшириқни беришда бир неча савол вариантларидан фойдаланиш; йўл-йўриқ кўрсатмаларини жойлаштириш имкониятини яратиш; белгиланган изчиллик асосида ёи тасодифан саволлар ва жавобларни ўрнатиш; ихтиёрий баҳолаш тизимини ўрнатиш; топшириқлар ва натижаларни ҳимоялаш тизимини яратиш”⁷⁵.

Муайян фан ёки ўқув модули бўйича ностандарт тестларни яратиш ҳам муаллифлик ёндашуви саналади. Чунки уларни яратиш учун педагог куч, вақт ва ҳатто имконият сарфлайди. Мазкур омиллар бозор муносабатлари шароитида ўзига хос долзарблик касб этади.

Шу боис яратилган ностандарт тестларни сақлаш ва муҳофазалаш талаб қилинади. Айнан мана шу мақсадга эришишда ҳам My TestX педагоглар учун қўл келади. Бинобарин, ушбу

⁷⁴ Показатели качества тестов // <http://refrend.ru/131501.html>.

⁷⁵ Компьютерное тестирование знаний MyTestXPro // <http://mytest.klyaksa.net/wiki/> Заглавная_ страница.

дастурий таъминот ёрдамида “яқунланган файллар химоя қилинади; файлларни очиш, таҳрирлаш, ўзини синаб кўриш учун турли паролларни ўрнатиш”⁷⁶ мумкинлиги сабабли мавжуд “тестни ҳеч ким бузолмайди ёки тўғри жавоблардан нусха олмайди”⁷⁷.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фани бўйича ностандарт тестлар тузилиб, улардан синов ва имтиҳонларни ташкил этишда фойдаланилди. Ностандарт тестларни тузишда 10 та турдаги топшириқдан фойдаланилди. Улар:

I. Бир танловли жавобни топишга оид:

1. Амир Темур неча ёшида билим олишга киришган?
 - a) 10 ёшида;
 - b) 9 ёшида;
 - c) 8 ёшида;
 - d) 7 ёшида.**
2. Амир Темурнинг давлат сиёсати қайси асарда ёритилган?
 - a) “Малфузоти Темурий” асарида;
 - b) “Темур тузуклари” асарида;**
 - c) “Воқиоти Темурий” асарида;
 - d) “Соҳибқирон Темур” асарида.

II. Кўп танловли жавобни топишга оид:

1. Амир Темур давлатида бошқарув тизими лавозимларини аниқланг. Жавобларни жадвалнинг тегишли ўрнига “ха” ёки “йўқ” сўзларини ёзиш орқали ифодаланг.

| | |
|-------------------------------------|---------------------------|
| 1. Давлат маслаҳатчиси | 8. Молия вазири |
| 2. Даргоҳ | 9. Қозикалон |
| 3. Кўмита бошлиғи | 10. Ишлаб чиқариш меҳнати |
| 4. Ҳарбий вазир | 11. Сарой вазири |
| 5. Бош вазир | 12. Солиқ нозири |
| 6. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири | 13. Мингбоши |
| 7. Жамғарма раҳбари | 14. Холиса |

⁷⁶ Kompyuterda testlarni ochish uchun dastur. MyTest – rus tilidagi eng yaxshi bepul test yaratish dasturi //https://bumotors.ru/uz/programma-dlya-otkrytiya-testov-na-kompyutere-myttest---luchshaya-besplatnaya-rossiiskaya.html.

⁷⁷ MyTestXPro // https://soft-file.ru/mytestxpro.

Жавоб:

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| | | | | | | | | | | | | | |

Жавоб:

| | | | | | | | | | | | | | |
|-----|----|-----|----|----|----|-----|----|-----|----|----|-----|-----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| йўқ | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | ҳа | йўқ | ҳа | йўқ | ҳа | ҳа | йўқ | йўқ | ҳа |

2. А.Темурнинг кўшинни бошқариш тартибига хос ҳолатларни белгиланг.

| Кўшинни бошқариш тартиби | | | | |
|---|--|---|--|--|
| Кўрсатилган вақтда (<i>миод вақти</i>) лагерга етиб келган жангчилар, жорий этилган тартибга кўра ўз жойларини эгаллаганлар ва кўшиннинг кўригига тайёргарлик кўрганлар | Соҳибқироннинг буйруғи бўйича донгдор командирлардан тўрттаси биринчи даражали кўмондон – <i>бегларбеги</i> лавозимига тайинланган | Кўшинда жангчиларнинг бўйсунуши “лейтенент-полковник” тизимида амалга оширилган | Ғанимнинг отрядини қириб ташлаган минг беги I - даражали амир унвони олган | Жангчиларга ҳарбий мукофот тегишли вазирлик таклифига мувофиқ берилган |
| А | В | С | Д | Е |

Жавоб:

| Кўшинни бошқариш тартиби | | | | |
|---|--|---|--|--|
| Кўрсатилган вақтда (<i>миод вақти</i>) лагерга етиб келган жангчилар, жорий этилган тартибга кўра ўз жойларини эгаллаганлар ва кўшиннинг кўригига тайёргарлик кўрганлар | Соҳибқироннинг буйруғи бўйича донгдор командирлардан тўрттаси биринчи даражали кўмондон – <i>бегларбеги</i> лавозимига тайинланган | Кўшинда жангчиларнинг бўйсунуши “лейтенент-полковник” тизимида амалга оширилган | Ғанимнинг отрядини қириб ташлаган минг беги I - даражали амир унвонини олган | Жангчиларга ҳарбий мукофот тегишли вазирлик таклифига мувофиқ берилган |
| А | В | С | Д | Е |

III. Изчиллик тартибини ўрнатишга оид:

| | |
|--------------|--|
| Шайхулислом | |
| Қозикалон | |
| Мухтасиб | |
| Қози аскар | |
| Мударрис | |
| Қозийи аҳдос | |
| Садри аъзам | |
| Мутавалли | |
| Аълам | |

Жавоб:

| | |
|--------------|---|
| Шайхулислом | 1 |
| Қозикалон | 3 |
| Мухтасиб | 5 |
| Қози аскар | 7 |
| Мударрис | 8 |
| Қозийи аҳдос | 6 |
| Садри аъзам | 4 |
| Мутавалли | 9 |
| Аълам | 2 |

IV. Ўзаро мувофиқликни топишга оид:

1. “Авесто” асарига тааллуқли атамаларни уларга тегишли тушунчалар билан гуруҳланг.

| | | | |
|----|---|---|---------------|
| 1. | “Авесто” асарида тасвирланган “Айриана Вайжо” мамлакати | A | Рай (Эрон) |
| 2. | Зардушт яшаган давр | B | Виштасп |
| 3. | Зардушт таъқиб туфайли қочган мамлакат | C | эр.ав. VI аср |
| 4. | Зардуштга ҳомийлик қилган шоҳ | D | Хоразм |

| | | | | |
|---------------|-----|-----|-----|-----|
| Жавоб: | 1- | 2- | 3- | 4- |
| Жавоб: | 1-D | 2-C | 3-A | 4-B |

2. А.Темур даврида давлати бошқаруви, диний ҳокимият ва ҳарбий қўшин тизимида фаолият юритган мансабдорларни уларнинг лавозими билан мосланг.

| | | | |
|----|---|---|---|
| 1. | Давлат бошқаруви тизимида фаолият юритадиган мансабдорлар | A | Қозикалон, садри аъзам, мухтасиб, қозийи аҳдос, қози аскар, мударрис, мутавалли |
| 2. | Диний ҳокимият тизимида фаолият юритувчи мансабдорлар | B | Сардор, ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбоши, амир, қўмондон |

| | | | |
|----|--|---|--|
| 3. | Ҳарбий кўшин тизимида фаолият юритган мансабдорлар | С | Даргоҳ, ҳарбий вазир, бош вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири, сарой вазири холиса |
|----|--|---|--|

Жавоб:

| | | |
|-----|-----|-----|
| 1- | 2- | 3- |
| 1-С | 2-А | 3-В |

V. Тасдиқнинг тўғрилиги ёки нотўғрилигини кўрсатишга доир:

Қуйида келтирилган Қўқон хонлигидаги сарой унвон ва мансабларига

оид таърифнинг қайси бири тўғри?

А. Оталиқ – хон ёки хонзоданинг мураббийси, уларнинг ҳомийлари.

В. Иноқ – эшик олдидаги соқчи, посбон, хон маҳрамлари ва соқчи-мулозимларининг бошлиғи.

С. Эшикоғаси ёки чехраоғаси – хон олдида фуқароларнинг хоҳиш-истак ҳамда мақсадларини баён этиш ҳуқуқига эга мансаб, сарой унвони.

Д. Парвоначи – хон номига келган хат ва аризаларни саройга олиб кириб, жавобини олиб чиқувчи.

Е. Шиғовул – саройга ташриф буюрган элчилар ва чопарларни хон ҳузурига бошлаб кирувчи амалдор.

Ғ. Ҳидоятчи – хоннинг хос мажлислари ва сафарларида хизматда бўлувчи амалдор.

Жавоблар: А, Д, Е,

VI. Керакли таърифни ифодалашга оид:

Хоразмшоҳлар давлат бошқарувида мавжуд бўлган мансаб ва лавозимларни таърифланг.

| № | Атама | Таърифи |
|----|--|---------|
| 1. | Бош ҳожиб (ҳожибул-кабир) | |
| 2. | Давотдор | |
| 3. | Амирул-аълам (аъламдор ёки яловбардор) | |
| 4. | Таштдор | |
| 5. | Чошнигир (баковул) | |

Жавоб:

| № | Атама | Таърифи |
|----|--|--|
| 1. | Бош ҳожиб ёки хожибул-кабир | Олий ҳукмдор билан боғлиқ масала, маросим ва маросимларнинг назоратига алоқадор ишларга жавобгар амалдор |
| 2. | Давотдор | Султоннинг хос котиби, фармонларини ёзувчи |
| 3. | Амирул-аълам (аъламдор ёки яловбардор) | Султоннинг байроқдори, султон туғининг соҳиби |
| 4. | Таштдор | Султонга тегишли ҳаммом ва ҳовузлар бошлиғи |
| 5. | Чошнигир (баковул) | Султон овқатдан заҳарланмаслиги учун дастурхон ёзилганда таомларни биринчи бўлиб татиб кўрувчи амалдор |

VII. Рақам (рақамлар) ёрдамида тўғри жойлаштиришга доир:

Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган қуйидаги давлатларни хронологик нуқтаи назардан жойлатиринг.


| | | | | |
|-----------------------|--------------------|----------------------|--------------------|-----------------------|
| Қадимги Бактрия | Кушонлар давлати | Даван давлати | Тоҳирийлар давлати | Ғазнавийлар давлати |
| Советлар даври | Сомонийлар давлати | Юнон-Бактрия | Амир Темур давлати | Аҳамонийлар |
| Турк хоқонлиги | Эфталитлар давлати | Қорахонийлар давлати | Қанғ давлати | Хоразмшоҳлар давлати |
| Араб халифалиги даври | Шайбонийлар даври | Чингизийлар давлати | Чор Россияси даври | Аштархонийлар давлати |

Жавоб:


| | | | | |
|-----------------------|--------------------|----------------------|--------------------|-----------------------|
| Қадимги Бактрия | Кушонлар давлати | Даван давлати | Тоҳирийлар давлати | Ғазнавийлар давлати |
| 1 | 6 | 5 | 10 | 13 |
| Советлар даври | Сомонийлар давлати | Юнон-Бактрия | Амир Темур давлати | Аҳамонийлар |
| 20 | 11 | 3 | 16 | 2 |
| Турк хоқонлиги | Эфталитлар давлати | Қорахонийлар давлати | Қанғ давлати | Хоразмшоҳлар давлати |
| 8 | 7 | 12 | 4 | 14 |
| Араб халифалиги даври | Шайбонийлар даври | Чингизийлар давлати | Чор Россияси даври | Аштархонийлар давлати |
| 9 | 17 | 15 | 19 | 18 |

VIII. Тасвирдан зарур ўринни топишга доир:

А. Темур кўшини таркибий қисмларининг жангдаги ўрнини кўрсатинг.



Жавоб:



IX. Ҳарфлар тартибини ўзгартиришга оид:

Бухоро амирлигидаги манғитлар сулоласи ҳукмдорлари номларини уларнинг ҳукмронлик даври бўйича алфавит тартибида тўғри белгиланг.

| Амир Насрулло | Амир Ҳайдар | Муҳаммад Раҳимбий | Амир Олимхон | Амир Музаффар | Дониёлбий |
|------------------|----------------|----------------------|-----------------|------------------|-----------|
| A | B | C | D | E | F |
| D | C | A | F | E | B |

Х. Тушириб қолдирилган ўринларни тўлдиришга доир:

1. _____ – отлик қисмларда жанг бошланиши жараёнида суворийларни муҳорабага солиш учун махсус ажратилиб, иккитадан дул ноғора довуллар билан қуролланган отлик навкарлар.

2. Амир Темур кўшинида _____, _____ – ёндирувчи ўтотар қуроллар; _____ – тош отадиган қуроллар; _____ – қалъа деворларини бузувчи қуроллар ва _____ билан қуролланган жангчилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган.

Жавоб:

1. **Суворий довулчилар** – отлик қисмларда жанг бошланиши жараёнида суворийларни муҳорабага солиш учун махсус ажратилиб, иккитадан дул ноғора довуллар билан қуролланган отлик навкарлар.

2. Амир Темур кўшинида **рандандоз, нафтандоз** – ёндирувчи ўтотар

қуроллар; **сангандоз** – тош отадиган қуроллар; **манжаниқ** – қалъа деворларини бузувчи қуроллар ва **ўзиотар қуроллар** билан қуролланган жангчилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган.

Тажриба-синов жараёнида ностандарт тестлардан фойдаланишда тест топшириқларининг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда уларни бажаришга респондент-талабалар индивидуал, гуруҳли ва жамоавий жалб этилди. Қандай шаклда ташкил этилганидан қатъи назар ностандарт тестлар талабаларда “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанидан билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни кучайтирди, уларнинг ўқув-билиш фаоллиги ошишини таъминлади.

IV. Интерфаол (электрон) плакат. Замонавий АКТнинг дидактик имкониятларидан яна бири – улар ёрдамида интерфаол (электрон) плакатни яратиш саналади.

Анъанавий таълимда методик воситалар орасида ўқув плакатлари муҳим ўрин эгаллаган. Шу сабабли таълим тизимининг “барча босқичларида бу турдаги ўқув плакатларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, таълим олувчилар, шу жумладан, ўқувчиларнинг психологик, жисмоний имконияти ўқув ахборотларини эшитгандан кўра ёз орқали кўриб қабул қилиш самарали эканлигини тасдиқлаган. Зеро, кўз орқали ихтиёрий ахборотларни қабул қилишда улар худди фотоаппарат ёрдамида суратга олингани каби “мия хотираси”га самарали жойланган.

Полиграфик ўқув плакатларининг дидактик имкониятлари ҳар қандай плакатда бўлгани каби ахборотларни тизимли баён қилиш; график кўриниш (расм, сурат, жадвал, диаграмма, гистограмма, формула ва бошқалар) ёрдамида ёритиш; зарурият туғилганда баён этилган маълумотга қайта муружаат қилиш; ўқув материални баён қилишда вақтдан унумли фойдаланиш кабиларда кўзга ташланади”⁷⁸.

Г.Ф.Рахмоновнинг кўрсатишича, полиграфик плакатлар, одатда, махсус типографияларда давлат буюртмасига кўра типография шароитида тайёрланган. Табиий равишда уларни тайёрлаш бир неча босқичдан иборат яхлит жараён саналган. Иқтисодий жиҳатдан қиммат бўлган ушбу плакатлар ўқув хоналарида маълум жойни эгаллаган, уларни сақлаш (қоғознинг сифати бузилишидан, йиртилиб ёки сарғайиб кетишдан сақлаш)нинг мураккаб жараён саналаган, қолаверса, вақт ўтиши билан бу турдаги ўқув плакатларини мазмунан бойитиш, қайта шакллантириш осон кечмаган. Зарурият бўлса полиграфик плакатлар қайтадан рассомлар ёки типография томонидан қайта тайёрланган⁷⁹. Ушбу ҳолатлар таълим жараёнида полиграфик плакатлар ўрнига тайёрлаш, сақлаш ва қайта тайёрлашга нисбатан эҳтиёж сезилмайдиган, вақт, маблағ, хом ашё нуқтаи назаридан нисбатан арзонга тушадиган инферфаол (электрон) плакатлардан фойдаланишнинг афзаллигидан далолат беради.

“Инновацион таълим муҳитида анъанавий ўқув-методик материалларини таълимнинг янги воситалари билан тўлдириш талаб қилинмоқда. Улар ўқувчиларни нафақат ҳодисалар ҳақидаги ахборот билан таъминлаши ёки анъанавий шаклда олган билимларини англаб етишга ёрдам беришлари, шу билан бирга уларни амалиётда қўллаш олиш, яъни, янги маҳсулотни шакллантира олиш орқали ўз фаолиятини намоён қилиш имкониятини ярата олиши зарур. Қолаверса, ахборот олами шунчалик хилма-хилки, ўқувчи унда мустақил равишда тўғри йўналиш олиши учун фойдали билимларни (улар қандай матнлар, жадваллар, схемалар, хариталар, графика ёки аудио, видео материаллар шаклларида бўлиши аҳамиятли эмас) тизимлаштира

⁷⁸ Рахмонов Ф.Г. Инновацион ёндашув асосида касб-хунар коллежларида “Автомобилнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанини ўқитиш / Мет.қўлл. – Қарши: Қарши ДУ нашриёти, 2020. – 77 б.

⁷⁹ Ўша манба. – 36-37-б.

олиши зарур. Мазкур масалани интерфаол плакат ёрдамида ҳал қилиш мумкин”⁸⁰.

Интерфаол плакат “зарур ахборотларни графика, матн, овоз кўринишида тасвирлайдиган интерфаол навигацияга эга бўлган электрон ўқув плакати”⁸¹.

Бугунги кунда таълим жараёнида АКТ ёрдамида тайёрланадиган плактларнинг бир неча турларидан фойдаланиш тажрибаси шаклланган. Улар қуйидагилардир:

1. Мультимедияли плакат. У ўзида видео лавҳа, аудио ёзув, матнли ахборотлар, шунингдек, график (асосан, тасвирий кўринишлар)ни намоён қилади.

2. Интерфаол плакат. Ушбу плакат ҳам гарчи мультимедияли плакат саналса-да, улар ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Асосий фарқ интерфаол плакатнинг фойдаланувчилар ўртасида қайтар алоқани ҳосил қиладиган қўшимча имкониятларга эгаллиги (фойдаланувчининг ҳаракати орқали маълумотлар кўриниши ёки уларни тақдим этиш усулининг ўзгариши)да кўринади.

3. Интерфаол мультимедияли плакат. Бу электрон ўқув плакати зарур: графикли, турғун (ҳаракатсиз) матнли, овозли, видеоли маълумотларни акс эттирувчи навигацияни амалга оширувчи интерфаол элементларга эга”⁸².

Интерфаол плакатлар қуйидаги таркибий тузилмага эга: тасвирлар билан бойитилган таянч конспект; кўп даражали топшириқлар; тасвирлар, интерфаол расмлар, аниматсиялар, видео лавҳалар; конструктор (у ўқитувчи ва ўқувчига белгилар қўйиш, қайдлар ёзиш, ўқув материали юзасидан чизмаларни тайёрлаш имконини беради); навигация”⁸³.

Ўқув воситаларининг таълим амалиёти эҳтиёжларини қондиришдаги самарадорлиги улар эга бўлган хусусиятлар билан ҳам белгиланади. Шу жиҳатдан Ф.Г.Рахмонов томонидан олиб борилган тадқиқотда интерфаол плакатларнинг ўқитиш тизимидаги аҳамияти баҳоланиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги эканлиги айтилади: юқори даражадаги интерфаоллик (плакат билан ишлашда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ушбу медиа маҳсулот

⁸⁰ Интерактивный плакат как средство обучения на уроках истории // <https://urok.1sept.ru/> статьи/633789.

⁸¹ Интерактивный плакат как средство обучения на уроках истории // <https://urok.1sept.ru/> статьи/633789.

⁸² Арбузова А.А. Использование интерактивных демонстрационных средств в обучающем процессе вуза // <https://novainfo.ru/article/10136>.

⁸³ Рахмонов Ф.Г. Инновацион ёндашув асосида касб-ҳунар коллежларида “Автомобилнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанини ўқитиш / Мет.қўлл. – Қарши: Қарши ДУ нашриёти, 2020. – 37-б.

воситасида ўқитишнинг янги бир методи интерфаоллик юзага келади); фойдаланишнинг қулайлиги (интерфаол плакат инсталляциялар талаб қилмайди, аксинча, оддий ва тушунарли интерфейсга эга); бой визуал материал – ҳодиса ва жараёнлар, фотография маҳсулотлари, кўргазмали қуроллар интерфаол плакатнинг бошқалардан устун бўлишини таъминлайди); гуруҳли ва индивидуал ёндашув (интерфаол доска, намоёниш этувчи экрандан фойдаланиш у бутун синф билан ишни ташкил этиш имконини берса, шахсий компьютер, планшет билан ишлаш алоҳида ўқувчи билан ишлаш учун шароит яратади); мантиқий тугалланган алоҳида қисмлардан ташкил топган дастурнинг ўқув материали ўқитувчига дарсни унинг ўз вазифасига кўра тузиш (ташкил этиш) имконини беради⁸⁴.

Ҳар қандай ўқув воситалари маълум афзаллик ва камчиликларга эга.

Интерфаол плакатнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади: ўқитишнинг индивидуал суръатини таъминлаш; ўқитишга тизимли ёндашиш; дидактик имкониятларга эгалик (зарурият бўлса, қисқа муддатда аввалги слайдга қайтиш, янги маълумотлар билан тезкор тўлдириш, маълумотларнинг кўриниши ёки уларни тақдим этиш усулини ўзгартириш мумкинлиги); умумлаштирувчи дарсларда самарали қўлланилиши, натижаларни яхлитлаш, ўқувчилар томонидан ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини таъминлаши⁸⁵; тегишли мавзу доирасида бир нечта дарсда қўлланилиши; янги материални тўла ўрганиш жараёнида битта катта блокнинг етарли бўлиши; гиперфаол кўринишдаги жойлаштириладиган қўшимча кўрсатмалиликнинг мавжудлиги, агар зарурият бўлса, махсус “тугма” билан орқага қайтарилиши, шунингдек, дастлабки ҳолатга келтирилиши; интерфаол плакат объектларини турли ранглар билан ажратиш (тагига чизиш, айлантириш, тўғрилаш, ёзув ва формула киритиш) имконини берувчи интерфаол жиҳоз (ручка, маркер)ларнинг мавжудлиги; тугма орқали “буйруқ” берилиши

⁸⁴ Ўша манба. – 37-б.

⁸⁵ Королёва С. К. Роль интерактивных плакатов в повышении познавательной активности и эффективности восприятия обучающимися изучаемого материала на уроках информатики // <http://www.ed.gov.ru/edusupp/informedu>; Создание серии интерактивных плакатов по химии // <http://pandia.ru/text/79/030/40669.php>.

ёки гиперфаол зонада “чақириқ”ни амалга ошириш орқали ўчириладиган ҳудудларнинг борлиги⁸⁶.

ОТМда педагоглар томонидан интерфаол плакатни самарали қўллаш орқали қуйидаги вазифалар ижобий ҳал қилинади: “ўқув жараёнини унумли ташкил қилиш; ўқув материални пухта ўзлаштириш; ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини таъминлаш; ҳар бир ўқувчининг ўқув-билиш фаоллигини ошириш; таълим жараёнида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш; ўқувчиларга тақдим этилган ўқув материалига нисбатан ижодий ёндашиш учун имконият яратиш; “ўқувчиларнинг индивидуал иш жадвалига бўйича ишлаш имкониятига эга бўлиши”⁸⁷.

Ф.Г.Рахмоновнинг эътирофига кўра, интерфаол плакатлардан фойдаланишда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Улар сирасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: барча ўқувчилар ҳам шахсий компьютер ёки планшетга эга эмас; интерфаол плакатлар ҳам онлайн режимда ишлайди, шунга кўра республиканинг айрим ҳудудларида Интернет алоқаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ўқитувчи ва ўқувчилар улардан бирдек самарали фойдалана олмайди; интерфаол плакатларни тайёрлаш ўқитувчилардан маълум вақт, қўшимча имкониятларга эга бўлишни талаб қилади, шу боис барча ўқитувчилар ҳам бу каби плакатларни яратишда фаол бўла олмайди; бир гуруҳ ўқитувчилар, хусусан, ёши катта ўқитувчилар замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятига эга эмас⁸⁸.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш даврида “Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини” ҳамда “Аҳамонийлар давлати бошқаруви (мил.авв. VI-IV асрлар)” мавзуларида интерфаол плакатлар тайёрланди. Уларда таълим жараёнида фойдаланиш педагог ва талабаларнинг меҳнатини ҳам осонлаштириш билан бирга улар ўртасида интерфаол мулоқотни юзага келтиришга ёрдам берди.

Шундай қилиб, замонавий АКТнинг ривожини уларнинг функционал, техник, технологик имкониятларидан ўқитиш

⁸⁶ Королёва С. К. — Роль интерактивных плакатов в повышении познавательной активности и эффективности восприятия обучающимися изучаемого материала на уроках информатики // <http://www.ed.gov.ru/edusupp/informedu>; Создание серии интерактивных плакатов по химии // <http://pandia.ru/text/79/030/40669.php>.

⁸⁷ Интерактивный плакат как средство обучения на уроках истории // <https://urok.1sept.ru/> статьи/633789.

⁸⁸ Рахмонов Ф.Г. Инновацион ёндашув асосида касб-ҳунар коллежларида “Автомобилнинг тузилиши, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” фанини ўқитиш / Мет.қўлл. – Қарши: Қарши ДУ нашриёти, 2020. – 37-б.

жараёнида самарали фойдаланиш учун шароит яратмоқда. Power Point, Hot Potatoes, MyTestX Tests каби компьютер дастурлари, шунингдек, интерфаол плакатлар таълимни сифатли, самарали ташкил этишга, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга хизмат қилади. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини ўқитишда Power Point, Hot Potatoes, MyTestX Tests каби компьютер дастурлари, шунингдек, интерфаол плакатлардан мақсадли фойдаланиш талабалар томонидан ўқув материални пухта ўзлаштирилишига ёрдам берди.

ХОТИМА

Глобал ахборотлашув ҳамда инновацион таълим муҳитининг шаклланиши ўз навбатида илм-фан, техника, технология ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган инқилобий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ўқитиш тизимини такомиллаштириш заруриятини кун тартибига олиб чиқди. Зеро, барча даврларда ҳам малакали кадрларни тайёрлаш тегишли соҳаларнинг жамият ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётига мослиги ҳисобига эришилган. Давр талаби тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришни ҳам тақозо этмоқда.

Ўқув материалининг характеридан келиб чиққан ҳолда тарих фанларини ўқитишда ташкилий масалаларининг тўғри, оқилона ҳал этилиши таълим жараёнининг самарали кечишини таъминлайди. Ўқитишнинг ташкилий жиҳатларини таълим мақсади, белгиланган дидактик вазифалар ҳамда ўқув материалининг мазмуни, характерига мос ҳолда оқилона танлаш ортиқча жисмоний зўриқишсиз, кўп куч ва вақт сарфламай кутилган натижаларга эришишга ёрдам беради.

Таълим жараёнининг ташкилий масалаларини ҳал қилишда талабаларнинг сони, таълим ўрни ва жойи, уни ташкил этиш тартиби, педагог (педагогик) ҳамда талабалар (ўқув-билиш) фаолиятининг йўналиши, мазмуни, улар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамда ҳамкорлик моҳияти, таълим турлари ва шакллариининг тўғри, оқилона, мақсадга мувофиқ танланиши инобатга олинади.

Тарих фанларининг ўзига хослиги, характери уларни ўқитишда муаммоли, ривожлантирувчи, лойиҳа, компьютер, масофавий, ҳамкорлик, интерфаол, инновацион ва модул, шунингдек, ўйинга асосланган таълим турларини, шунингдек, ўқитишнинг инновацион шакллариини танлаш ҳамда уларнинг дидактик имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Мавжуд шароитда инновацион таълим технологиялари сирасига кирадиган биргина интерфаол методларнинг сони мингга яқин бўлишига қарамай, педагоглар ўз фаолиятларидан бу каби методларнинг ҳатто ўнтасидан ҳам фаол фойдаланиш малакасига

эга эмас. Аксарият педагоглар интерфаол методларнинг тавсифини, қўлланиш тартиби ва дидактик аҳамиятини назарий жиҳатдан ҳам тўла баён этиб беролмайди. Педагоглардан инновацион таълим технологияларига оид назарий билимларни берувчи манбалари ҳақида маълумотга эгалик сўралганда улар Н.С.Саидахмедов⁸⁹, Ў.Қ.Толипов, М.Ҳ.Усмонбоева⁹⁰, Б.Л.Фарберман⁹¹ томонидан чоп этилган жуда кам сони адабиётларнинг номларини қайд этишди. Педагоглар учун ўқитиш жараёнида таълимнинг асосий шакллари сифатида анъанавий маъруза ва семинардан фойдаланишни маъқул кўради. Педагогларни қўллаётган инновацион таълим технологияларининг самарадорлик, талабаларнинг машғулотлардаги ўқув-билиш фаоллик даражаси қониқтиради. Қолаверса, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ҳам респондент-педагоглар томонидан шахсан қониқиш ҳосил қилинишини таъминлайди.

Бу эса педагогларни инновацион таълим технологиялари, уларнинг дидактик имкониятига оид тўлиқ маълумотлар билан таништириш мақсадга мувофиқ эканлигини англатади. Шу мақсадда тадқиқотни олиб бориш даврида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фани мисолида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид махсус методикани шакллантирилди.

Инновацион характердаги таълим турлари орасида интерфаол ўқитиш ўзига хос ўрин тутди. Интерфаол таълимнинг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўзининг дидактик имкониятига кўра интерфаол методлар талабаларнинг тегишли фанлар асосларини ўрганишга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишларини ошириш, мотивациясини кучайтиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширади. Шу боис тадқиқот жараёнида “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини бўйича ташкил этилган ўқув машғулотларида интерфаол методлардан мақсадли, самарали фойдаланишга эътибор қаратилди.

⁸⁹ Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Т.: Молия нашриёти. 2003; Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ. 2000.

⁹⁰ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Ҳ. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан”, 2005. – 205 б.

⁹¹ Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Интерактивные методы обучения, разработанные в Узбекистане. – Т.: Педнаук, 2003. – 48 с.; Фарберман Б.Л. Современные образовательные технологии / Мет.рекомендации. – Т.: ТАДИ, 2002. – С. 89.

Ўқув фани доирасида муайян мавзуларни ўрганишда “Барча омилларни инобатга ол!” (БОҲО) методи, “Блиц-сўров”, шунингдек, “Тоифалаш”, “Морфологик қути”, “Идрок харитаси”, “Тезис-органайзер”, “Визуал хронотоп” ҳамда “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (“БББ”), “Кейс-стади” каби интерфаол методларнинг самарали эканлиги тажриба-синов ишлари жараёнида тасдиқланди. “Кейс-стади” методи ҳам ўқитишда самарадорликни таъминловчи методлардан биридир. У ўзининг дидактик имкониятига кўра талабаларда ўқув-билиш фаоллигини, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, фанга бўлган қизиқишни уйғотади.

Замонавий АКТнинг ривожини уларнинг функционал, техник, технологик имкониятларидан ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш учун шароит яратмоқда. Power Point, Hot Potatoes, MyTestX Tests каби компьютер дастурлари, шунингдек, интерфаол плакатлар таълимни сифатли, самарали ташкил этишга, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” фанини ўқитишда Power Point, Hot Potatoes, MyTestX Tests каби компьютер дастурлари, шунингдек, интерфаол плакатлардан мақсадли фойдаланиш талабалар томонидан ўқув материални пухта ўзлаштирилишига ёрдам берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Расмий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 48 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (2019 йил декабрь) // <https://www.lex.uz/acts/16188>.

3. Ўзбекистон Республикаси “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (8 октябрь 2019 йил) ПФ-5847-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4545884>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги (2017 йил 20 апрель) ПҚ-2909-сонли Қарори // <http://www.lex.uz/docs/3171590>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил 27 февраль) ПҚ-4623-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/4749364>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2012 йил 10 декабрь) ПҚ-1875-сонли Қарори // <http://www.lex.uz/docs/2126032>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7 февраль) ПФ-4947-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3107036>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Олий Мажлисига Мурожаатномаси (25 январь 2020 йил) // <https://uza.uz/oz/politics/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2013 йил 8 май) 124-сонли Қарори // <http://lex.uz/docs/2165717>.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2013 йил 27 май) 143-сонли Қарори // https://nrm.uz/contentf?doc=453886_28098.

12. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

15. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // ЎзР Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017. – 24-б.

17. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // https://uz.fundamental-economic.uz/page_id=1598.

18. “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш” Концепцияси // <https://lex.uz/docs/4545884>.

II. Босма адабиётлар:

19. Алибоев Т.Ч. Инновацион таълим муҳитида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш (“Технология” фани мисолида): Пед.фанл.бўйича фалс.докт. (DPh) ... дис. – Т.: 2020. – 125-б.

20. Актуализация исторического знания и исторического образования в современном обществе. Ежегодник. XVII всероссийские историко-педагогические чтения: сб. науч. ст. Часть I

– Екатеринбург: Уральский ГПИ, Ин-т истории и археологии УрО РАН, 2013.– 323 с.

21. Асқарова Ў.М., Усмонбоева М.Ҳ. Педагогика фанларини ўқитиш методикаси. – Наманган: Наманган ДУ, 2018. – 17-б.

22. Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика. – Т.: Талқин, 2008. – 81-87-б.

23. Бовтенко М.А. Методические материалы к курсу “Компьютерная лингводидактика”. Рекомендации по созданию интерактивных упражнений с помощью универсальной программы-оболочки “Hot Potatoes” (Версия 6.0. 1998-2003) / Для начинающих пользователей. – Новосибирск: Новосибирский ГУ, 2004. – С. 4-12.

24. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 44 б.

25. Ганцева С.В. Формирование экологических компетенций с использованием информационно-коммуникационных технологий // Известия Самарского научного центра РАН. – Т. 16. – Самара: 2014. - № 2 (3). – С. 547.

26. Глазырина Т.Н. Методика преподавания истории / Учеб.-мет. комплекс для студентов специальности 1-210301 “История”. – Новополюк: ПГУ, 2011. – 356 с.

27. Голубкова О.А. Использование активных методов обучения в учебном процессе: учебно-методическое пособие. – СПб.: 1998. – С. 16.

28. Григальчик Е.К., Губаревич И.И., Петрусев С.В. Обучаем иначе. Стратегия активного обучения – Минск: БИП-С, 2003. – С. 8.

29. Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) / Масъул муҳар. Б.Ахмедов. – Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2001. — 368 б.

30. Илҳомов З.А. “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанидан ўқув дастури. – Т.: ТДПУ, 2014. – 33 б.

31. Инновационный подход обучения, как фактор развития профессиональной компетентности / М.М.Тлиш и др. // Междунар.ж. Экспериментальная образования. – М.: 2015. – № 4. – С. 242.

32. Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik / O’quv qo’l. Usmonbayeva M., Hakimova M., Innazarov M., Nabiev G’. – Т.: “Navro’z” nashriyoti, 2020. – 69-б.

33. Инновацион таълим технологиялари / Н. Муслимов, М. Усмонбоева, Д. Сайфуров, А. Тўраев. – Т.: “Сано-стандарт”, 2015. – 150 б.

34. Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2008. – 119 б.

35. Сатторова Ж.Қ. “Тарих ўқитиш методикаси” фанидан таълим технологияси / Услуб. қўлл. – Қўқон: Қўқон ДПИ, 2010. – 35 б.

36. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 47 б.

37. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ. 2000. – 69 б.

38. Ситаров В.А. Дидактика / Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. зав. Под ред. В.А.Сластенина. – 2-е изд. – М.: Издат. центр “Академия”, 2004. – С. 237-238.

39. Студеникина М.Т. Методика преподавания истории в школе / Учеб. для студ. высш. учеб. заведений. – М.: 2008. – С. 4.

40. Темур тузуклари / Форс. А. Соғуний, Х. Караматов тарж. Б. Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.

41. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Ҳ. Педагогик технология: на зария ва амалиёт. – Т.: “Фан”, 2005. – 205 б.

42. Толипов Ж., Усманбоева М. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 261 б.

43. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси / Бакалавриат йўналиши талабалари учун ўқув қўлл. – Т.: Университет, 2002. – 190 б.

44. Турсунов Ф.Ғ. Ноюрidik олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш (“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши мисолида): пед. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дис. – Т.: 2020. – 202 б.

45. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти // Мет. қўлл. – Т.: ТДПУ, 2014. – 106 б.

46. Усмонбоева М., Арипова М., Мўминова Д. Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2019. – 5-8-б.

47. Шайдулина А.А., Мамадалиев О.О. О применении инновационных подходов в процессе обучения // Ж. Молодой ученый. – Чита: №6 (110). – С. 839.

48. Шоган В.В., Сторожакова Е.В. Методика преподавания истории в школе / Учеб. пособие для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во Юрайт, 2019. – С. 9.

49. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Т.: Университет, 2012. – 452 б.

50. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи” ўқув фанидан ЎУМ / Тузув.: Х.К.Боймирзаев. – Наманган: Наманган ДУ, 2020. – 320 б.

III. Интернет манбалари:

51. Арбузова А.А. Использование интерактивных демонстрационных средств в обучающем процессе вуза // <https://novainfo.ru/article/10136>.

52. Вид // <http://что-означает.rf/vid>.

53. Графические органайзеры // <https://multiurok.ru/files/graficheskie-organaizery-eto-chto-ssylki-na-grafic.html>.

54. Герменевтический подход // <http://ponjatija.ru/node/9583>.

55. Дьякова Е.Б. Способы методической адаптации электронных ресурсов для использования в обучении истории // https://www.herzen.spb.ru/img/files/m1cha/metodika/Sbornik_Gercenovskie_chteniya.pdf.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| КИРИШ | 3 |
| ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ | 5 |
| 1-§. Инновацион таълим муҳиtida тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида | 5 |
| 2-§. Инновацион таълим муҳиtida тарих фанларини ўқитишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш | 21 |
| ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ МОҲИЯТИ | 32 |
| 3-§. Инновацион таълим муҳиtida тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда интерфаол методларнинг ўрни..... | 32 |
| 4-§. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда компьютер технология-сидан фойдаланиш | 65 |
| ХОТИМА | 91 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 94 |

Боймирзаев Хуршиджон Каримжанович

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Муҳаррир:

И.Мирзааҳмедов

Мусахҳих:

Д.Норқўзиев

Дизайнер:

Ш.Мамадалиев

© Наманган нашриёти